

Юқумли касалліклар бүйіча әпидемик вазият XX-асрнің охирідан то ҳозирги кунгача бутун дунёда мұраккаблығында қолмоқда. Жуда күп ўта ҳавфли юқумли касалліклар тугатилаётганиңа қарамай, ривожланып жүргізілген мамалакаттарда юқишиң үчөклари сақланиб қолмоқда (ўлат, күйдірги, вабо ва бошқалар). Ривожланған мамлакаттарда режали профилактикалық чора-тадбирлар туғайлы бўғма, қоқшол, қизамиқ, полиомиелит касалліклари тугатылған. Ўзбекистонда хам ушбу касаллікларга қарши кураш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. 1995 йилдан бошлаб бўғма, қизамиқ, полиомиелит касалліклариға қарши оммавий режали эмлашлардан ташқари, қўшимча миллий эмлаш кунлари ўтказилиб миллионлаб инсонлар қўшимча эмлашлар олдилар. Натижада XXI-аср бошига келиб бўғма, қизамиқ, полиомиелит касалліклари кескин камайды ва тугатилиш имкони туғилди. 2003 йили ЖССТ (ВОЗ) Ўзбекистон республикасини полиомиелитдан холи худуд деб эълон қилди. Бу муддатларда республика худудига оғир парранда гриппи, чўчқа гриппи келишини олди олинди.



Мирзакаримова Дилдора Баҳодировна

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШ

Ўқув қўлланма



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҶЛАШ
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗАКАРИМОВА ДИЛДОРА
БАҲОДИРОВНА

ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА
ВА ҚИЁСИЙ
ТАШХИСЛАШ

Ўқув қўлланма

Андижон, 2023-йил

УЎК 616.9

КБК 53.46

M63

Муаллиф:

Мирзакаримова Д.Б. – Андиксон давлат тиббиёт институти юқумли касалликлар ва эпидемиология кафедраси мудири, т.ф.н., доцент.

Тақризчилар:

Ахмедова М.Ж. – Тошкент Тиббиёт Академияси юқумли касалликлар ва болалар юқумли касалликлар кафедраси профессори.

Пакирдинов А.Б. – Андиксон давлат тиббиёт институти дерматовенерология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

Мирзакаримова Д.Б.

M63 ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШ: Ўқув қўлланма / Мирзакаримова Д.Б.: – Андиксон: RE-HEALTH нашриёти, 2023 – 168 б.

ISBN 978-9910-758-24-9

Ушибу ўқув қўлланма тиббиёт институтларида тахсил олувчи даволаши, касб таълими (даволаши иши), педиатрия, магистратура резидентларига мўлжалланган бўлиб, расмлар, ўргатувчи тест саволлари ва вазиятли масалалар билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Андиксон давлат тиббиёт институти ректорининг 30.10.2023-йилдаги “01/08/339-Ш”-сонли буйруғига асосан нашр этишига руҳсат берилди.

УЎК 616.9

КБК 53.46

ISBN 978-9910-758-24-9

© Мирзакаримова Д.Б., 2023

© RE-HEALTH нашриёти, 2023

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
I БОБ. Юқумли касалліклар диагностикасина асослари ва усуллари.....	6
II БОБ. Иситма синдроми билан кечувчи юқумли касаллікларнинг диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.....	13
2.1. Истима ҳақида умумий ахборот.....	13
2.2. Айрим юқумли касаллікларда иситмани ўзига хослиги...	16
III БОБ. Диарея синдроми билан кечувчи юқумли касаллікларни диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.....	52
3.1. Диарея синдроми ҳақида умумий маълумотлар.....	52
3.2. Гастрит ва гастроэнтерит синдроми билан кечадиган касалліклар.....	57
3.3. Энтерит синдроми билан кечадиган касалліклар.....	62
3.4. Колит синдроми билан кечадиган юқумли касалліклар.....	69
IV БОБ. Сариқлик синдроми билан кечадиган юқумли касаллікларнинг эрта ва киёсий диагностикаси.....	88
4.1. Сариқлик белгиси ҳақида умумий ахборот.....	88
4.2. Вирусли гепатитлар.....	93
4.3. Гепатозлар.....	104
4.4. Механик сариқликлар.....	105
4.5. Жигар усти сариқлигига кузатиладиган касалліклар.....	107
4.6. Жигар циррозлари.....	109
V БОБ. Экзантема белгилари билан кечадиган касалліклар диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.....	123
5.1. Экзантема белгилари ҳақида умумий маълумот, тошмалар турлари.....	123
5.2. Экзантема синдроми билан кечувчи касалліклар диагностикасина излаш алгоритми.....	132
5.3. Экзантема белгиси билан кечувчи касалліклар клиникаси ва диагностикаси	137
VI БОБ. Менингит ва менингоэнцефалит синдроми билан кечувчи касалліклар диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.....	146

6.1. Менингит ва менингоэнцефалит белгиси хақида умумий маълумот.....	146
6.2. Менингококкли инфекция клиникаси ва диагностикаси.....	150
6.3. Менингококли бўлмаган менингитлар клиникаси ва диагностикаси.....	155
Фойдаланилган адабиётлар.....	167

ҚИСҚАРТИРИЛГАН АТАМАЛАР РЎЙХАТИ

АСТ - аспартатаминотрансфераза

АЛТ - аланинаминотрансфераза

цАМФ - циклик аденоозин 3,5-монофосфат

ВГА - вирусли гепатит А

ВГВ - вирусли гепатит В

ВГД - вирусли гепатит Д

ВГС - вирусли гепатит С

ВИЭФ – (КИЭФ) – қарши иммуноэлектрофорез

ВОЗ (ЖССТ) - Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти

ДНК - дезоксирибонуклеин кислотаси

ИФА - иммунофермент анализ

КБР - комплементни боғлаш реакцияси

МДХ - мустакил ҳамдўстлик давлатлари

МНС - марказий нерв системаси

ОИВ - ортирилган иммунтанқислиги вируси

ПГАР – пассив гемагглютинация реакцияси

ПЦР - полимераз (цепная) занжирли реакция

РА - агглютинация реакцияси

РНГА (ТГАР) – тўғри бўлмаган гемагглютинация реакцияси

РНК - рибонуклеин кислотаси

РП - реакция преципитация

РПГА – Пассив гемагглютинация реакцияси

РСК (КБР) – Компллементни боғлаш реакцияси

ГАСР (РТГА) – гемагглютинацияни секинлаштирувчи реакция

ТПК - Тиф- паратиф касалликлар

УАШ – Умумий амалиёт шифокори

УТТ- Ультратовуш текшируви

ЎРВИ-Ўткир респиратор вирусли инфекция

ЭБВ - Эпштейн - Барр вируси

ЭЧТ- Эритроцитлар чўкиш тезлиги

КИРИШ

Юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазият XX-асрнинг охиридан тоҳозирги кунгача бутун дунёда мураккаблигича қолмоқда. Жуда кўп ўта ҳавфли юқумли касалликлар тугатилаётганига қарамай, ривожланаётган мамалакатларда юқиш ўчоқлари сақланиб қолмоқда (ўлат, куйдирги, вабо ва бошқалар). Ривожланган мамлакатларда режали профилактик чора-тадбирлар туфайли бўғма, қоқшол, қизамиқ, полиомиелит касалликлари тугатиляпти. Ўзбекистонда ҳам ушбу касалликларга қарши кураш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. 1995 йилдан бошлаб бўғма, қизамиқ, полиомиелит касалликларига қарши оммавий режали эмлашлардан ташқари, қўшимча миллий эмлаш қунлари ўтказилиб миллионлаб инсонлар қўшимча эмлашлар олдилар. Натижада XXI-аср бошига келиб бўғма, қизамиқ, полиомиелит касалликлари кескин камайди ва тугатилиш имкони туғилди. 2003 йили ЖССТ (ВОЗ) Ўзбекистон республикасини полиомиелитдан холи худуд деб эълон қилди. Бу муддатларда республика худудига оғир парранда гриппи, чўчқа гриппи келишини олди олинди.

Аммо, юқумли касалликларга хос алоҳида вазият бор. Бу авваллари кўп учраган юқумли касалликларни яна қайта кўпайиши, янги юқумли касалликларни пайдо бўлиши, вирусли инфекцияларни кўпайиб боришидир.

Маълумки юқумли касалликлар, юрак-қон томир, онкологик касалликлардан сўнг, кенг тарқалганлиги ва ёмон оқибатлари билан учинчи ўринда туради.

XXI-аср бошларига келиб “XXI-аср вабоси” деб номланган ОИВ – инфекциясини кўпайиб бориши кузатилмоқда. Бунга асосий сабаб, аҳоли миграциясини ортиши, ёшлар ўртасида наркоманияни ўсиши, палапартиш жинсий ҳаёт тарзини олиб бориш ҳисобланади.

Юқумли касалликларни ўз вақтида диагностика қилиш муҳим эпидемиологик ва клиник аҳамият касб этади. Кейинги йилларда касалликларни диагностикаси учун янги-янги усуслар, техника воситалари ихтиро қилинмоқда ва амалиётга кенг жорий этилмоқда. Замонавий диагностика усуслари шифокорга диагностикада яхши ёрдам беради, аммо шифокорни касаллик устида фикрлаши асосий ҳолатлардан бири бўлиб қолмоқда, чунки ҳар бир касалликни кечиши инсонларда ўзига хос бўлади, бир-бирига ўхшамайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олганда, юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, яъни ташхислашни аҳамияти қанчалик муҳимлиги кўринади. Чунки юқумли касалликлар эрта аниқланса, даво чораларини самараси яхши бўлиши билан бирга, эпидемиологик нуқтаи назардан касалликни тарқалиши олди олинади.

I БОБ

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ДИАГНОСТИКАСИНИ АСОСЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Касаллик диагнозини туғри аниқлаш учун врач аввало одам патологияси, текшириш усуллари оид умумий маълумотлардан ташқари турли юқумли касалликларга характерли симптомлар ва уларнинг моҳияти хақида етарли тушунчага эга бўлиши керак. Врач беморни синчиклаб текшириш усулини яхши билмоғи керак. Аниқланган ҳар бир симптомнинг патогенетик моҳиятини яхши тасаввур қилмоғи, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини аниқлашга интилиши ва ниҳоят диагнозни тасдиқлаш учун bemорни қандай қўшимча усуллар билан текшириш кераклигини аник билмоғи лозим. Бир хил инфекциялар ўткир қорин бўшлиғи касалликларига хос белгилар билан (иерсиниоз, псевдотуберкулёз ва баъзан сальмонеллёз), иккинчилари муртак безларининг заарланиши билан (дифтерия, инфекцион мононуклеоз), учинчилари марказий нерв системанинг яллиғланишига ҳарактерли аломатлар билан (менингококк инфекцияси, вирусли нейроинфекциялар), тўртингилари буйраклар заарланиши симптомлари билан (геморрагик иситмалар, лептоспирозлар) ва яна бошқалари кўзларнинг заарланишига хос белгилар билан (аденовирус инфекциялари) намоён бўлади ва bemорлар медицинанинг турли соҳалари мутахассислари назоратида бўлишлари мумкин.

Юқумли касалликларнинг диагностикаси моҳият эътибори билан классик анъаналарга асосланган бўлсада, янги текшириш усуллари билан бойиб, имкониятлари кенгайиб бормоқда. Иккинчи томондан, қўпчилик юқумли касалликларнинг клиникаси оҳирги йилларда қисман ўзгариб қолди, бунинг сабаблари ҳар хил. Уларнинг енгил, билинар-билинмас симптомлар билан ўтадиган шакллари кўпайди, шунинг оқибатида диагностикада баъзи қийинчиликлар туғилди. Юқумли касалликларга қарши эмлаш, гаммаглобулин, антибиотиклар ва бошқа препаратларнинг кенг кўлланилиши, шунингдек одамларда сенсибилизация ҳолати кўпайиши кўпроқ учрайдиган бўлиб қолгани ҳам диагностикада қийинчиликлар туғдирмоқда.

Юқумли касалликларни имкони борича барвақт аниқлашнинг муҳимлиги ҳаммага маълум. Бу, биринчидан, давонинг самарали бўлишини таъминлайди, иккинчидан bemор барвакт касалхонага ётқизилади ва бинобарин ундан бошқаларга инфекция юқмайди. Юқумли касалликларнинг диагностикаси анамнезга оид маълумотларга, bemорнинг шикоятига ва уни синчиклаб текширишда топилган объектив маълумотлар, лабораторияда ва тегишли диагностика асбоблари ёрдамида текшириш натижаларига асосланади.

Юқумли касалликлар диагностикасида беморни сўраб-суриштириб, шикоятлари, касалликнинг бошланиши, ривожланишини давомини бемор билан бўлган мулоқот пайтигача босқичма-босқич сўраб, хасталикни клиник кўринишларини, унинг белгиларини, белгилари мажмуасини, тараққиётини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда врачдан катта касбий махорат талаб этади. Бу айникса, юқумли касалликларга хос бўлганлиги сабабли ҳам муҳимдир. Шу билан бирга, касалхонагача бўлган даврда bemor қанақа даво олганлиги, айникса антибиотиклар, гормонлар, маҳсус зардоллар, гаммаглобулинлар ва ҳоказо препаратлар касаллик кўринишини сезиларли, баъзан кескин ўзгратириб юборишини инобатга олмоқ керак. Шу аснода, bemornинг ҳамма вақт ҳам ўз ахволига, касалликнинг айрим белгиларига жиддий эътибор бермасликни (камқувватлик, иштаҳани пасайиши, сийдик рангини ўзгариши) инобатга олиб, анамнезини тўплаганда bemor берган маълумот билан каноатланмай, қўшимча саволлар бериш зарур деб ҳисблаймиз.

Хасталик белгиларини пайдо бўлишини босқичма-босқич, кунма-кун сўроқлаш лозим. Масалан, вирусли гепатит bemorларда бошланғич (сариқ олди) даврини барча белгилари, маълум вариант (диспептик, катарал, тумов, астеновегетатив, артралгик, бўғим оғриги ҳамда аралаш) кўзга яққол ташланиши мумкин. Тана ҳароратининг даражаси (эрталабки ва кечки ҳарорат) давомийлиги, умуминтоксиация белгилари, бош оғрифи, мушак зирқираши, лоҳаслик, уйқусизлик ва бошқалар, тошмалар пайдо бўлиш эҳтимоли (муддати, характеристи, жойлашиши, сероблиги). Ич бузилиши белгилари бўлган тақдирда, уларни бирма-бир аниқ ифода этиш (кусиш, унинг сони, ич кетиши ва унинг кўриниши, сони, патологик аралашмалар бор-йўқлиги, тўлиқ ва ёлғон тўлгоқлар). Сариқлик белгилари билан кечувчи касалликларда гепатит bemorларда сийдикни тўқлашиши, ахлатни оқариши ҳамда сариқлик пайдо бўлган саналарни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Белгиларни изоҳ этишда давом этиб, уларни пайдо бўлган куни, соҳаси, йўқолган вақти ва янги белгилар қўшилиши саналарини босқичма-босқич аниқлаш тавсия этилади. Бу омиллар касаллик ривожланиши босқичларини яққол тасаввур этиш имконини беради.

Анамнезга, айниқса эпидемиологик анамнез маълумотларига алоҳида эътибор қилинади. Эпидемиологик анамнезга оид маълумот баъзан диагностика масаласини ҳал қилишда жуда муҳим ролни ўйнайди. Шу сабабдан уларни синчиклаб, астойдил тўплаш ва обдон таҳлил қилиб кўриш зарур. Эпидемик анамнезга суюниб, bemor қачон, қаерда, қандай вазиятда ва қандай йўл билан касалликни юқтирганига оид маълумотларни билиб олиш мумкин булади. Бу анамнез маълумотлари туғри йиғилса ва улардан туғри фойдаланилса, касаллик

диагностикаси анча осонлашади. Бемор у ёки бу юқумли касаллик билан оғриган одамга яқин юргани ҳақида аниқ ҳабар берса, табиийки, врач аввало ана шу касаллик ҳақида үйлайди ва шу йұналишда текширади. Бошқа бир холларда bemor касби туфайли ҳайвонларга яқин юришини маълум қылса, врачда хайвонлардан юқадиган касалликлар ҳақида фикр туғилади. Бошқа бир bemor врачға бирон юқумли касалликнинг эпидемияси ёки эпизоотияси қайд этилған жойдан келгандығы ҳақида маълумот берса, шу касалликлар ҳақида шубҳа бўлади. Бундан ташқари, bemor билан сұхбатлашаётганда уни турли ҳашоратлар чаққан-чақмаганлыги, жароҳат олганлыги, операция қилинган ёки қилинмаганлыги, кейинги бир-неча ойда тиббий муассасаларда даволаниб, муолажалар олган-олмаганлыги, қон ва уни препаратлари қуйилғанлыги, стоматологда даволангандығы ҳақидағы маълумотлар диагностика учун мұхим ҳисобланади, касаликни аниқлашда ҳал қылувчи ролни үйнаши мүмкін.

Анамнезлар йиғилғандан сўнг, bemorni синчиклаб кўздан кечирилади. Аввало умумий ахволига баҳо берилади, эс-хуши ҳолати қай ахволда эканлыги аниқланади.

Bemor терисининг рангига эътибор берилади, териси оқарган, қизарган (гиперемия) ёки сарғиши бўлиши мүмкін. Терида баъзан турли тошмалар (розеола, петехия, папула, везикула, пустула, қўтирилган) бўлади. Ана шу тошмаларнинг қачон пайдо булгани, терининг қаерида жойлашгани жуда мұхим диагностик аҳамиятга эгадир.

Шиллиқ пардалар диққат билан кўздан кечирилади. Шиллиқ пардаларнинг кўриниши, улардаги энантемалар касаллик диагнозида баъзан ҳал қылувчи ролни үйнайди. Масалан, лунж шиллиқ пардасида Филатов-Коплик доғлари топилиши қизамиқнинг патогномоник симптомидир. Дифтерия, скарлатина, инфекцион мононуклеозда bemor томоги шиллиқ пардасида жуда ҳарактерли ўзгаришлар юз беради ва улардан диагностикада фойдаланилади.

Периферик лимфа тугунларини (жаг ости, қўлтиқ ости, чов соҳасидаги лимфа тугунларини) яхшилаб текшириш жуда мұхим. Bu лимфа безлари ўлат, туляремия, бруцелләз, инфекцион мононуклеоз, заҳм, спид касалликларида шишиб, катталашади. Bu безларни текширгандан уларнинг катталигига, қаттиқ ёки юмшоқлиги, оғриш-оғримаслиги, атрофдаги тўқималарга ёпишган-ёпишмаганлигига эътибор берилади.

Bemor ички органлариниң ҳолати хам тартиб билан бирма-бир текшириб чиқилади. Сўнгра bemor лаборатория усууллари билан текширилади. Аввало ҳамма bemorларнинг (касалликнинг туридан қатъий назар) периферик қони ва сийдиги текширилади. Анамнез ва bemorni текширишда олинган

маълумотларни чуқур тахлил қилиб, врач диагноз ҳақида бир хulosага келади. Кўпинча гемограмма ва уrogramма дастлабки фикрни тасдиқлайди ва диагноз масаласи ҳал бўлади. Кейинги текширишлар диагнозни яна бир марта тасдиқлайди. Симптом, синдром ва сиптомукомплекс ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш клиник диагностика учун жуда муҳим.

Беморни текширганда аниқланадиган касалликнинг ҳар қандай белгиси симптом деб аталади. Симптом bemорни объектив текшириш жараёнида ёки лаборатория усуллари ёрдамида аниқланиши мумкин.

Юқумли касалликларнинг кўпчилигида учрайдиган умумий симптомлар борки, уларнинг ҳар бири ўз ҳолича олинадиган бўлса, алоҳида диагностик аҳамиятга эга бўла олмайди. Масалан, ҳарорат кўтарилиши, эт увишиши, қайт қилиш, уйқу бузилиши, иштаҳа бузилиши, дармон қуриши ва бошқалар шулар жумласидандир. Патогномоник симптомлар деб юритиладиган касаллик белгилари факат маълум бир дардга хос бўлади, бошқача айтганда, бу симптом факат битта нозологик касаллиқдагина аниқланади ва бошқа касалликларда учрамайди, бинобарин диагностика масаласини ҳал қилувчи симптом аломат бўлиб ҳисобланади. Масалан, қизамиқда bemор лунжи шиллиқ пардасида пайдо бўладигам Филатов-Коплик доғлари, қоқшолда чайнаш мускуларининг қискариб тортишиб колиши (тризм), қутиришда сувдан қўрқиши ва ҳ.

Юқумли касалликлар диагностикасида ҳар хил лаборатория усуллари кенг кўлланилади. Этиологик диагнозни аниқлаш учун бактериологик, вирусологик, паразитологик, иммунофлюоресцент усуллардан фойдаланилади.

Бактериологик усул. Бемордан олинган материал (қон, нажас, сийдик, балғам, қусук, орқа мия суюқлиги) маҳсус озуқа моддаларига экиласди ва касаллик қўзғатган микроорганизм ажратиб олинади. Бу текшириш усули керакли асбоб-усқуналар билан жиҳозланган маҳсус бактериологик лабораторияларда амалга оширилади.

Вирусологик усул. Вирусологик усул анча мураккаб ҳисобланади. Вирусларни кўпайтириш учун маълум турдаги тирик тўқималар ёки товуқ эмбриони керак булади. Вируслар хужайралар ичида паразитлик қилиб яшашга мослашган, шу сабабдан улар оддий озуқа моддаларида кўпаймайди.

Паразитологик усул. Бу усул билан диагнозни аниқлаб олиш учун, паразитларни топиш мақсадида кўлланилади. Беморнинг қони (безгак касаллигига) ва кўмиги (лейшманиозда), қони ва лимфа тугунлари (трипаносомозда, токсоплазмозда), ахлати (амёбиазда, балантидиазда) ва ўн икки бармоқ ичакдаги суюқлигидан суртма тайёрлаш (лямблиозда) йўллари

билин тегишли паразитлар изланади. Тайёрланган суртмалар маҳсус бүйеклар билан бүйлади.

Иммунофлюоресценция (Куне усули) зудлик билан диагнозни ойдинлаштириш учун құлланиладиган усулдир. Бу усул антиген - антитело комплексининг ўзига хос тарзда товланиб, нур сочишига асосланган. Текшириладиган материал ўзига хос, маҳсус зардоб билан аралаштириб, ишланғандан сўнг бир неча минут ўтгач реакция жавоби маълум бўлади.

Серологик текшириш усуллари. Ҳозирги замон тушунчасига кўра, бирон бир патоген микроб кирганда, яъни инфекцион жараён юз берганда ёки одам эмланганида организмда антителолар пайдо бўлади.

Серологик усул билан текширилаётган беморнинг қон зардобида специфик антителолар борлиги аниқланади. Бу текширув тайёр холдаги маълум антиген ёрдамида амалга оширилади. Бактериялар ва бир хужайрали паразитлар қўзғатган инфекцияларда антиген сифатида тирик ёки ўлдирилган бактериялар ва паразитлар ишлатилати. Баъзан ана шу микроорганизмларнинг экстракти ёки кимёвий фракциялари ҳам қўлланилади. Вирусли инфекцияларда антиген сифатида аллонтоис ва амниотик суюқлик товук эмбрионининг хорионаллантоис пардаси ва сариқлик халтаси, шунингдек вируслар юқтирилган ҳайвонларнинг органларидан тайёрланган суспензия ишлатилади.

Зарурият туғилганда жуда ишончли далилларни олиб, яъни касаллик диагнозини тасдиқлаш учун текшириладиган бемордан икки марта (касаллик бошланишида ва иккинчи марта турли муддат ўтгач) зардоб олинади. Бундай қилинганда, вақт ўтиши билан реакция титри қандай ўзгариши, яъни қонда антителолар миқдорининг кўпайши ёки кўпаймаслиги аниқланади. Вирусли инфекцияларда иккинчи марта қўйилган реакция титри 4 баравар ва ундан зиёдроқ кўпайган тақдирдагина реакция ижобий ҳисобланади ва диагностик аҳамиятга эга бўлади.

Полимераз занжирли реакция (ПЦР). Кейинги йилларда диагностикаси қийин бўлган вирусли инфекцияларда қўлланилаётган усуллардан бири бўлиб, бу таҳлил усули билан вирус таркибида сақланган асосий оксилларни (ДНК, РНК), нуклеин кислоталарни аниқлаб, қайси вирус касалликни чақирганлиги аниқланади, ишончлилик даражаси юқори ҳисобланади.

Бактериялар қўзғатадиган юқумли касалликларда агглютинация, гемаггютинация, преципитация, комплементни бириктириш реакциялари кенг қўлланилади.

Вируслар қўзғатадиган касалликларда эса гемаггютинацияни тормозлаш, комплементни бириктириш, гемадсорбцияни кечиктириш, нейтраллаш реакцияларидан фойдаланилади.

Оҳирги йилларда паразитар ва вирусли касалликлар диагностикасида иммунофермент усули қўлланилмоқда. Бу усул ўта специфик сезувчан бўлиб, қисқа муддатда натижা беради. Юқумли касалликларинг серологик диагностикасида бу янги усул – bemor зардобидаги антителоларнинг қайси иммуноглобулинлар гурухига (IgM , IgG , IgA ва бошқаларга) мансублигини аниқлаш усули қўлланила бошлади. Бу усул юқумли касалликни сунъий эмлаш натижасида юз берадиган ўзгаришлардан ва шунингдек бирламчи хасталикни қайтадан ривожланган касалликдан фарқлаш имконини беради. Нихоят, бу усул натижаларига суюниб, инфекцион жараённинг турлича даврларини аниқлаш мумкин бўлади.

Юқумли касалликлар диагностикасида аллергик реакция кенг қўлланилади. Патоген микробдан тайёрланган маҳсус аллерген bemornинг териси орасига 0,1 мл микдорида юборилади, ёки терининг шилинган жойига суртилади. Организмда касаллик авж олиб борар экан, bemornинг тўкима ва хужайралари патоген микроб ва унинг токсинига нисбатан ўта сезувчан бўлиб қолади (сенсибилизация), шу сабабдан bemor организми ана шу антиген (аллерген) парентерал усул билан юборилганда бунга алоҳида аллергия реакцияси билан жавоб беради. Терининг аллерген юборилган ёки суртилган жойида 24—48 соатдан кейин яллиғланиш юз беради, бу реакциянинг ижобий бўлиб чиққанини билдиради.

Хозирги вактда аллергик реакциялар қатор юқумли касалликлар диагностикасида кенг қўлланилмоқда. Масалан, бруцеллёзда bemor териси орасига бруциллин (Бюрнэ реакцияси), туляремияда тулярин, силда туберкулин, манқа касаллигига малеин, дизентерияда дизентерин, токсоплазмозда токсоплазмин юбориб кўрилади. Оҳирги йилларда bemor организмидаги сенсибилизация ҳолати юз берганини bemor терисига аллерген юбормасдан, лаборатория шароитида пробиркалар ичидаги (*in vitro*) аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди. Бу усулларнинг муҳим афзаллиги шуки, бунда bemorга яна аллерген юбориб, сенсибилизация ҳолатини янада кучайтириш, чукурлаштиришга ҳожат қолмайди. Лейкоцитларнинг заарланганини (парчаланганини) аниқлаш; лейкоцитлар миграциясини тормозлаш; лимфоцитларнинг бласт трансформациясини текшириш ана шундай янги усуллардан дандир. Лейкоцитларнинг заарланганини текшириш усули специфик аллерген таъсирида сенсибилишган лейкоцитлар (нейтрофиллар) нинг

деформацияга учраганини — шакли бошқа бўлиб қолганини аниқлашга асослангандир.

Лейкоцитлар миграцияси тормозланишини текшириш усули специфик аллерген таъсирида сенсибилиланган хужайралар (лейкоцитлар) миграция зonasининг қисқаришини аниқлашдан иборат.

П БОБ
ИСИТМА СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧУВЧИ ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ДИАГНОСТИКАСИ

2.1. ИСИТМА ҲАҚИДА УМУМИЙ АХБОРОТ

Юқори ҳарорат – бу кўпгина юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларда учрайдиган белгидир. Айрим хакимлар bemorda юкори ҳарорат бўлса, дарров юқумли касаллик ҳақида шубҳа қиласди. Аксарият юқумли касалликларда юкори ҳарорат кузатилиши қиёсий ташхисотни қийинлаштиради. Бундан ташқари, кўпгина касалликларнинг бошланғич даврида тана ҳарорати кўтарилади, лекин уларнинг хусусиятлари (параметрлари) тўла юзага чиқмаган бўлади.

Иситма деганда шуни тушуниш керакки, бу тана ҳароратининг терморегулятор кўтарилиши ҳисобланиб, касалликка қарши организмнинг ташкиллаштирилган ва мувозанатлаштирилган жавоб реакциясидир, яни организмнинг ўзи тана ҳароратини меъёрдан юқори кўтарилишига ҳаракат қиласди (М.И.Лоурин 1985).

Тана ҳароратининг кўтарилиши организмда ҳосил бўлаётган иссиқлик билан унинг ташқарига берилиши орасида дисбаланс ҳисобига терморегуляцияга боғлик бўлмаган холда кузатилади - бунга гипертермия дейилади. (Иссиқлик уриши, гипертиреоз, айрим заҳарланишларда, зўриқиб ишлаш, жисмоний зўриқиши, овкатлангандан сўнг, циркад ритмлар).

Беморда, иситма борлигини аниқлагандан сўнг иситманинг ҳамма параметрларини назарда тутган холда қиёсий ташхисоти ўтказилади. Биринчи навбатда юқумли бўлмаган касалликлар билан. Юқумли касалликларни ташхис қилишда хаким иситманинг ҳамма характерли томонларини назарда тутиши лозим. Яни давомийлиги, юкорилиги, ҳамда ҳарорат эгри чизиклари билан фарқланади. Е.С. Матковский, А.П. Казанцев (1970 й.) бўйича иситма реакциясининг давомийлиги бўйича ўткир (2 ҳафтагача), ўткир ости (6 ҳафтагача) ва сурункали (6 ҳафтадан кўп) турлари фарқланади.

Ҳароратнинг юкорилигига қараб, субфебрил ҳарорат ($37\text{-}38^{\circ}\text{C}$), ўртача юкори, яни фебрил, юкори, яни пиретик ($39\text{-}41^{\circ}\text{C}$) ва ўта юкори, яни гиперпиретик (41°C дан юкори) турлари мавжуд.

Температура эгри чизиклари турлари.

1. Доимий иситма (febris continua) – бунда тана ҳарорати ўртача юкориликда ёки юкори бўлган холда кунлик ўзгариши $1,0^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди. Бу

күпроқ қорин тифи, тошмали тиф, ўлат, қизамиқларнинг авжига чиққан даврида кузатилади.


2. Бўшаштирувчи, яъни ремиттирловчи иситма (*febris remittens*) ҳароратни суткалик ўзгариши, фарқи $2-2,5^{\circ}\text{C}$ атрофида бўлади. Масалан, йирингли касалликларда, паратиф А касаллигида, КУ иситмасида, канали қайталанувчи тифда, мелиоидозда.

3. Алмашиб турувчи, яъни интермиттирловчи иситма (*febris intermittens*) ҳароратни юқорилигида катта ўзгариш бўлиб, пароксизмал хуруж ва апирексия даврлари билан тартибда алмашиб туради. Масалан: 3 кунлик ва 4 кунлик безгакларда.

4. Гектик, яъни холсизлантирувчи (*febris hectica*) истима. Суткалик ҳароратнинг ўзгариши жуда катта, ҳатто ремиттирловчи ҳароратдан ҳам, яъни $3-5,0^{\circ}\text{C}$ фарқи билан, ҳамда ҳароратни тез меъёрда ва ундан ҳам пастга тушиши билан характерланади. Масалан: сепсисда, сил касаллигининг оғир шаклларида.

5. Қайталанувчи иситма (*febris recurrens*). Бунда бир неча кунлик иситма даври ҳар хил давомийликдаги иситмасиз даври билан алманиниб туради. Иситма даври бирдан бошланади ва бирдан тугайди.

6. Тўлқинсимон иситма (*febris indulans*) тана ҳарорати кундан кунга аста секин қўтарила боради. Токи юқори ҳароратгача қўтарилади ва аста секин пасайиб боради. Шундай тўлқин қайталанаверади (1-расм). Масалан: Қора оқсоқда. Қайталанувчи иситмадан секин аста тушиши билан фарқланади.



1- расм. Тўлқинсимон истима

7. Ўзгартирилган иситма (извращенная) (*febris inversa*). Эрталабки ҳароратни кечкига қараганда юқори бўлиши билан характерланади. Масалан : силда, сепсисда ва бошқа касалликларда учрайди.

8. Нотекис (нотүғри) иситма (febris irregularis et atipika) – ҳарорат юқори ёки ўртача юқориликда бўлиб, суткалик ўзгаришлар ҳар хил нотартиб бўлади. Бундай иситмалар менингитда, гриппда, сибир ярасида ва бошқаларда учрайди. Истима турлари 2-расмда кўрсатилган.

Кўпчилик юқумли касалликларда ҳарорат эгри чизиги бир хил соф холда ёки ҳар хил комбинацияда учраши мумкин.

Температура чизиқлари босқичлари (стадиялари), 3-расмда учрайдиган касалликлар бўйича кўрсатилган ва қуидаги даврлари ажратилади:

1. Ҳароратни кўтарила бориш босқичи (stadium incrementi) бир неча соатдан (безгак, сарамас, тошмали тиф) бир неча кун, ҳатто ҳафтагача (қорин тифи, бруцеллёз, сепсис) давом этиши мумкин.

2. Авжига чиқиши босқичи (stadium fastigii) бир неча соатдан (безгак) бир неча кун, ҳафталаб (қорин тифи, бруцеллёз, сепсис) давом этиши мумкин.

3. Ҳароратни тушиш босқичи (stadium decrementi) – қисқа ёки узоқ бўлиши мумкин. Қисқа вақтда тушиши юқори ҳароратдан меъёргача – критик тушиш дейилади. (1-3 соатгача). Масалан: безгак, қайталанувчи тиф.



2-расм. Истима турлари.


Айрим холларда амфиболик тушиш кузатилади, бунда суткалик фарқи катта бўлади. Агар ҳарорат 2-3 кунда меъёрга тушса, қисқа лизис билан тушиш деб аталади.

Иситма ва интоксикацияни динамикада солиштириб, касалликнинг бошланғич даврига характеристика бериш мумкин. Касалликнинг ўткир бошланишида ҳарорат 1-3 кун ичida юқори даражада бўлади ва қучли

қалтираш ва бошқа интоксикацион белгилар намоён бўлади. Касаллик астасекин бошланганда, ҳарорат аста-секин 4-7 кун давомида қўтарилиб боради, бир оз қалтираш, ўртача интоксикация билан кечади.

Шуни назарда тутиш керакки, эрта этиотроп даво бошланганда ҳарорат эгри чизиги бирмунча ўзгариб кетиши мумкин. Ташхис қўйишда буни эътиборга олиш керак.

2.2. АЙРИМ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ИСИТМАНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ



3-расм. Юқумли касалликларда иситманинг кечиши.

Тиф-паратиф касалликлар (ТПК): ТПКда иситма доимий ва ўзига хос белгиларидан бири хисобланади. Ўтган асрнинг ўрталарида немис олими Вундерлих тиф-паратиф касаллигида кузатиладиган ҳарорат чизигига тўлиқ таъриф берган. Унинг кузатишича, трапециясимон ҳарорат чизигининг биринчи фазасида (ҳароратни қўтарила бориши) бир ҳафта давом этса, иккинчи фазаси (авжига чикиш) 2-3 ҳафта давом этади. Учинчи фазаси ҳароратни туша бориши бир ҳафта бўлади. Кўпчилик холда учинчи фазада амфиболик тушиш кузатилади.

С.П.Боткин (1880) кузатишлирида 8,1% холлардагина Вундерлих типидаги ҳарорат чизиги учраган. Қолган холларда тўлқинсимон ҳарорат чизиги кузатилган.

И.С.Кильдюшевский (1896). ТПК касаллигига ҳарорат нисбатан тезрок (1-3 кун ичида) юқори даражага кўтарилиши ва жуда аста-секинлик билан тушиш холатлари ҳам кузатилган.

Антибиотикларни кўп қўлланиши туфайли ҳароратнинг давомийлиги анча қисқариб, кўпчилик холларда антибиотик бошлангандан сўнг, 4-5 кун ичида ҳарорат меърига тушмоқда (полирезистент штаммлари ҳам бор).

Охирги йилларда қорин тифида антибиотик берилмаган тақдирда ҳам ҳарорат давомийлиги 2-3 ҳафтагача камайган. Ҳарорат реакциясининг интенсивлиги ҳам ўзгара бормоқда. Авваллари иситма 40°C ва ундан юқори бўлган бўлса, ҳозирда эса $38\text{-}39,5\text{-}40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиган холатлар кузатилмоқда. Айрим холларда субфебрил истима билан ҳам кечиши мумкин. (Л.В. Захарова, 1981). Истимани кўтарилиши нисбатан тезроқ юқори даражага чиқмоқда.

Кейинги йилларда кўпроқ тўлқинсимон ҳарорат чизиги, трапециясимонга караганда, кўп учрамоқда. Кўпинча иситмани ремиттирловчи ёки нотекис ремиттирловчи иситма турлари кузатиляпти. Оғир кечган холлардагина доимий иситма чизиги учрайди. Ярмидан кўпроқ беморларда иситма қисқа, лизис билан қайтмоқда (Л.В. Захарова, 1981).

Шундай қилиб, 1980 йиллардаги қорин тифи кечишида тана ҳарорати нисбатан тезроқ кўтарилиши, юқори ҳароратни нисбатан қисқароқ давом этиши ва қисқа лизис билан тушиши характерлидир. (В.А.Постовит, 1988).

Клиникасини ривожланиш даврлари билан кўриб чиксак, ичтерламада яширин давр 7 кундан 21 кунгacha бўлади. Ўрта ҳисобда, 14 кун давом этиши мумкин. Бу даврда касаллик аломатлари бўлмайди. Бу хасталик ўзига хос кечганида, аломатларининг аста-секин пайдо бўлиши, чўзилиб авжига чиқиши ва яна аста сўниши кузатилади. Аввал касалликнинг умумий аломатлари пайдо бўлади. Бемор ўзини нохуш сезади, қуввати кун сайин камайиб боради, кўнгли овқат тусамайди, иштаҳаси йўқола боради. Ишда тез чарчаб қолади. Кўпроқ ётгиси келади. Бу аломатлар анча секинлик билан орта боргани туфайли, bemor касаллик бошланган кунни аниқ айтиб беришга ҳам қийналади. Касалликнинг муҳим аломатларидан бири - бош оғриши. Бу оғриқ ҳам кун сайин зўрая боради. Бошнинг ҳамма қисми туташ оғрийди.

Тана ҳарорати ҳам аста-секин кўтарила боради. Одатда, кечкурунги ҳарорат эрталабкисидан юқорироқ, бугунгиси - кечагидан ортиқроқ бўлиб аста кўтарила боради. Ҳар куни ҳарорат $0,2\text{-}0,3^{\circ}\text{C}$ даражага орта боради.

Биринчи ҳафта охирига келиб, бу аломатлар авжига чиқади. Ушбу даврда тана ҳарорати $39\text{-}40^{\circ}\text{C}$ гача етади. Интоксиация аломатлари орта боргани сари дармонсизлик авжига чиқади, bemor ётиб қолади. Иштаҳа бутунлай

йүқолади, ич юриши қийинлашиб, қабзият қузатилади. Беморни атрофга ҳеч қандай қизиқиши қолмайды, үз дарди билан “овора” бўлиб қолади. Уйқиси бузилади.

Айрим bemорларда касаллик ўткир, ўткир ости холда бошланиши ҳам мумкин. Бундай холда юқоридаги баён этилган аломатлар 2-3 кун давомида авжига чиқади. Баъзан касалликнинг дастлабки даврида ич кетиши қузатилади. Касаллик ўткир бошланганида қўл-оёқ бўғимлари, бел зирқираб оғриши ҳам мумкин.

Касаллик авжига чиққан даврда тана ҳарорати баъзан 1-2 ҳафта $39-40^{\circ}\text{C}$ да сақланиб туради. Бунда эрталабки ва кечки кўрсаткичидаги фарқ 1°C дан ортмайди (доимий ҳарорат). Кейинчалик ҳарорат аста-секин (баъзан 2-3 кун ичида) пасайиб, меъёрига етади. Шунинг учун касаллик типик кечганида иситма эгри чизиги трапецияни эслатади ёки тўлқинли бўлиши мумкин.



4- расм. Қорин соҳасидаги розеолёз тошмалар

Беморни кўздан кечирганда, касаллик авж олган даврдаги ҳолати анча характерли. Ҳарорат юқори бўлишига қарамай, тери оқарган бўлади. Беморда безовталаниш аломатлари бўлмайди. Аксинча, у хомуш, паришонхотир бўлади. Касаллик оғир кечганида bemор хушсиз ҳолатда бўлиши мумкин.

Касалликнинг 7-8 кунидан бошлаб қорин терисида пушти ранг розеолалар пайдо бўлади. Улар кичкина (диаметри одатда 0.5 см дан ортмайди), думалоқ шаклда бўлади (4-расм). Розеолалар сони унчалик қўп бўлмайди (10-15та), атрофидаги теридан кескин ажралиб туради, босиб кўрилганда ёки терини таранг қилинса йўқолади. Одатда 4-5 кундан сўнг розеолалар из қолдирмай йўқолади. Баъзан биринчи розеолалар йўқолгач, ён атрофда қайтадан тошма пайдо бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда розеола кўкрак, бикин соҳаларига ҳам тошади. Розеола тошмалари тиф-паратиф касалликларига хос белги ҳисобланади.

Беморнинг томир уриши тезлашади. Аммо, у ҳарорат кўтарилишига мос келмайди. Одатда тана ҳарорати 1°C кўтарилганида, томир уриши бир дақиқада 10 тага тезлашади. Ичтерламада эса ундан камроқ тезлашади. Масалан, бошқа касалликларда ҳарорат 40°C бўлганида томир уриши минутига 120-130 марта бўлади. Ичтерламада эса, 100-110 та бўлиши мумкин. Бундай ҳолат томир уришининг ҳароратдан орқада қолиши ёки нисбий брадикардия дейилади.

Томир уриш таранглиги ҳам пасаяди, баъзан дикротик (қўш тўлқинли) пульс аниқланади. Қон босими пасаяди. Юракни эшитиб кўрганда, тонлари тўмтоқлашади, баъзан систолик шовқин ҳам эшитилади.

Ўпкани эшитиб кўрганда, бронхлар яллигланиши ёки ўчоғли пневмония аломатлари бўлиши мумкин.

Овқат ҳазм қилиш йўлларини текширганда касалликка хос қўпгина белгилар аниқланади. Хасталикнинг биринчи ҳафтаси охиридан бошлаб лаблар ва тил қуруқ бўлади, катталашади ва оқ рангли караш билан қопланади. Тил чеккаларида тиш излари тушиб қолади. Баъзан оғиздаги микроблар фаоллиги ошиб, тилнинг яққол яллигланиш аломатлари кўринади. Унда тил қулранг караш билан қопланади. Инфекция жағ безларига тарқалса, паротит ривожланади. Айрим ҳолларда тилдан майда қон томирлари ёрилиб, тил устида қўнғир рангли караш пайдо бўлади.

Томоқни кўздан кечирганда бодомча безлари катталашганини кўриш мумкин. Баъзан касалликнинг дастлабки қунларида ангина аломатлари бўлади. Уни Дюге ангинаси дейилади.

Куп ҳолларда корин кўпчиган, шишган бўлади. Пайпаслаб кўрилганда, коринда, айниқса, ўнг ёнбош соҳасида кулдириш ва оғриқ аниқланади. Касалликнинг 2-ҳафтасидан бошлаб жигар ва талоқ катталашади. Ич келиши камаяди, кўпинча қабзият кузатилади.

Кўп ҳолларда касаллик бошланганидан 2-3 ҳафта ўтгач, аста-секин тузалиш даври бошланади. Ҳароратнинг туша бошлаши, бош оғриғи камайиши,

беморда иштаҳа пайдо бўлиши тузалишнинг дастлабки белгилари ҳисобланади. Яна бир муҳим аломат - сийдик ажралишининг қўпая бошлиши ҳам тузалишдан дарак беради. 1-2 ҳафта ичидаги ҳарорат пасая бориб, меъёригача тушади. Шунга монанд равишда bemorning аҳволи ҳам яхшиланиб боради. Иштаҳа очилади, уйқу яхшиланади, бош оғриши бутунлай йўқолади. Аста-секин қувват пайдо бўлади. Тилдаги караш йўқолади, жигар ва талоқ кичрайиб, ўз ҳолатига қайтади. Гемограммада: авжига чиккан даврида лейкопения, нисбий лимфоцитоз, ЭЧТ бироз ошган ёки меъёрда булади.

Касаллик авжига чиккан даврда (2-3 ҳафтада) оғир оқибатлар: ичакдан қон кетиши ва ичак тешилиши мумкин.

Ичакда қон кетиши камроқ, қисқа муддатли ёки аксинча, кўп ва узоқ муддатли бўлади. Бирданига кўп қон кетганида bemorning ранги тўсатдан кескин оқаради, томир уриши ғоят тезлашади. Қон босими яна ҳам пасайиб кетади. Тана ҳарорати қисқа муддатга меъёригача тушиб қолиши мумкин. Кондаги эритроцитлар ва гемоглобинлар миқдори камайиб кетади. Оғир ҳолларда коллапс – ўткир юрак-томир етишмовчилиги кузатилади. Орадан 2-3 кун ўтгач, ич қора рангли бўлиб келиши ичакдан қон кетганини билдиради.

Ичакдаги яранинг тешилиши ғоят оғир асоратлардан ҳисобланади. У кўпроқ касалликнинг 3-4 ҳафталарида рўй беради. Яра ичакда чуқур жойлашган ҳолларда унинг бутун деворига (шиллик қаватидан сероз пардасигача) тарқалиб, озгина кучаниш, ҳатто ичак перистальтикаси таъсирида тешилиб кетиши мумкин. Бу жараён содир бўлганида, ичак ичидаги модда қорин бўшлиғига тушади. Айнан ўша дақиқада bemor қорнида қандайдир енгиллик сезгандек бўлади. Бироздан сўнг қориннинг ўнг ёнбош қисмида оғриқ юзага келади. Қоринни пайпаслаб кўрганда оғриқ кучаяди. Ичак тутқичи яллиғланишига хос бўлган Шчёткин-Блюмберг симптоми пайдо бўлади. Қорин мускуллари қисқа муддатга таранглашади. Кейинчалик қорни қўпчийди. Томир уриши тезлашади, bemor терлайди. Қонни текшириб кўрилганида лейкопения ўрнига лейкоцитоз пайдо бўлади.

Ичтерламанинг булардан бошқа асоратлари ҳам учраб туради. Пневмония, холецистит, отит, паротит, пиелонефрит, тромбофлебитлар шулар жумласига киради. Касалликни антибиотиклар билан даволаш амалиётга тадбиқ этилганидан бери бу асоратлар кам учрамокда.

Касаллик кўп ҳолларда тузалиш билан тугайди. Баъзан bemorларда тузалиш даври бошланганида зўриқиши (узилиш) кузатилади. Унинг асосий белгиси – пасая бошлаган иситманинг яна қайта кўтарилиши ҳисобланади. Шунингдек, bemorning умумий аҳволи ҳам оғирлаша бошлайди. Интоксикация

аломатлари ортади. Бош оғриши кучаяди. Уйқу бузилади. Ётиш тартибига риоя қилинмаганида, пархез бузилганида ёки турли стресс омиллар таъсирида ичтерлама билан оғриган беморнинг қайталаниши кузатилади. Бунда қайтадан кўтарилигантиситма 2-3 кундан бир неча кунгача сақланиб туриши мумкин. Бемор бундай зўриқишиларни оғир ўтказади, чунки у дастлабки хасталикдан ҳали ўзига келиб улгурмаган, иммунитет тўла тикланмаган бўлади. Ичтерламанинг зўрайиши касалликнинг оғир оқибатлар билан тугалланиш эҳтимолини оширади.

Баъзан bemор ичтерламадан тузалганидан сўнг, орадан 1-2 ҳафта ўтгач, касаллик қайталаниши кузатилади. Уни тиббий иборада рецидив деб аталади. Рецидив рўй беришига, кўпинча bemорнинг тезда ишга киришиб кетиши, толиқиб қолиши, етарли овқатланмаслиги сабаб бўлади. Ёз кунлари офтобда узоқ юриш ҳам хасталик қайталанишига олиб келиши мумкин. Рецидивда касаллик аломатлари қайтадан пайдо бўлади ва аввалгидек, маълум қонуният билан кечади. Одатда, рецидивлар асосий касалликка нисбатан енгилроқ ўтади, иситмалаш даври қисқароқ бўлади. Рецидивлар 2-3 марта такрорланиши ҳам мумкин.

Касалликнинг баён қилинган аломатлар билан кечиши кўпроқ учраб турса ҳам, унинг енгил, сезилар-сезилмас аломатлар билан, баъзан “оёқда” юриб ўтказадиган ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин, оғир асоратларни рўй бериши касалликнинг қандай оғирликда кечиши билан тўлиқ боғлиқ эмас. Жумладан, баъзан 1-2 кун иситмалаб, “тузалиб” кетган bemорларда орадан 2-3 ҳафта ўтгач, тўсатдан ичак тешилиши рўй берган ҳоллар ҳам учраб туради. Ичтерламанинг ғоят енгил – ҳарорат бироз кўтарилиши, интоксикация деярли рўй бермайдиган атипик (амбулатор) шакллари ёки 2-3 кунлик иситма, енгил интоксикация билан чекланиб ўтиб кетадиган аборттив турларини вақтида аниқлаш қийин. Бундай ҳолларда, ҳам эпидемиологик нуқтаи назардан (касалликни атрофдагиларга тарқатиш жиҳатидан), ҳам асоратлар кузатилиши мумкинлигидан, ҳавфли ҳисобланади.

Диагностикаси. Ичтерламада, юқорида эслатиб ўтилганидек, ўзига хос аломатлар: яққол ифодаланган интоксикация, ҳарорат, аста-секин кўтарилиб, узоқ сақланиб туриши, терида розеола тошмалари, томир уришининг ҳароратдан орқада қолиши (нисбий брадикардия) бўлган ҳолларда клиникасига асосланиб ташхис қўйиш қийин эмас. Қўшимча равишда эпидемиологик маълумотлар бўлса, ташхис қўйиш яна ҳам осонлашади. Лекин ҳар доим касаллик типик кўринишда кечмайди. Уларнинг ҳақиқий моҳиятини аниқлашда лабораторияда текшириш усулларидан фойдаланишга тўғри

келади. Ичтерлама ташхисини қўйишида қуйидаги лаборатория усуллардан фойдаланилади.

Гемокультура олиш учун қонни текшириш. У эрта ташхис қўйиши усулларидан ҳисобланади. Амалиётда, касаллик нотипик кечадиган ҳолларни ҳам инобатга олиб, тана ҳарорати бирор сабаб билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, З кундан ортиқ юқори бўлиб турса, гемокультурага қон олиб текширилади. Бу мақсадда катта ёшдагиларда билак венасидан 5-10 мл қон олиб, стерил шароитда (спирт лампаси алангаси устида) сафROLи суюқликка ёки Рапорт мұхитига экилади. Касаллик микроблари яхши ўсиши учун қон миқдори билан озуқа мұхит нисбати 1:10 бўлиши зарур. Демак, 50 мл сафROLи суюқликка солинган идишга 5 мл қон экилади. Гемокультура олиш учун қонни тана ҳарорати юқори бўлган даврда, касалликнинг қайси куни эканлигидан қатъий назар, олиш мумкин. Қонни гемокультурага текшириш учун кеч муддатларда олинганида, унинг миқдори 10-15 мл, ҳатто ундан ортиқ бўлиши лозим. Экилган қонни термостатда 37°C ҳароратда сақланади. 4-кундан сўнг дастлабки, 7-кунда эса якуний натижага олинади. Қонда ичтерлама микроби - салмонелла тифи топилиши ижобий натижага ҳисобланади. Бундай натижага, касаллик қандай клиник қўринишда кечишидан қатъий назар, ичтерлама ташхисини тўла тасдиқлайди. Тўш суюгидан пунктат олиб, экканда ҳам тиф микробларини топиш мумкин.

Бемор антибиотик билан даволанса, қондаги касаллик микробларини топиш эҳтимоли камаяди. Шу сабабли, қонни антибиотик тайин қилинишидан олдин олиб текшириш зарур.

Нажас ва сийдикни бактериологик текшириш учун экиш. Касалликнинг 2-ҳафтасидан бошлаб (баъзан дастлабки қунларидан) касаллик микроби нажас ва пешоб билан ажralиб чиқа бошлайди. Одатда сийдик стерилланган идишга 50 мл миқдорида олиниб, лабораторияда унинг чўқмаси Плоскирев, Мюллер ёки Кауфман мұхитларига экилади. Нажасни эса 2-3 гр миқдорида бўлимнинг ўзида лаборатория тайёрлаб берган 10 мл ли (пенициллин идишда) юқорида номи кўрсатилган мұхитлардан бирига экилади. Текшириш натижасида сийдикда ичтерлама микроби топилса, ижобий уринокультура, нажасда топилса – копрокультура дейилади. Урино- ва копрокультура кўпроқ касалликнинг тузалиш даврида ижобий натижага беради.

Беморда касаллик аломатлари тугаганидан кейин ҳам копрокультура (баъзан уринокультура ҳам) олиниши бактерия ташувчилик ҳолати шаклланганидан дарак беради. Республикамиз шароитида ич терламадан

тузалган беморларнинг 3-5 фоизида бактерия ташувчилик юзага келиши аниқланган.

Сафрони бактериологик текшириш. У фақат бемор тузалганидан сўнг, бактерия ташувчилик ҳолати бор-йўқлигини қўшимча исботлаш мақсадида ўтказилади. Текшириш учун дуоденал зонд воситасида 12 бормоқ ичакдан сафронинг А, В ва С қисмлари стерилланган идишга олинниб, лабораторияда текширилади. Сафрода микроб топилиши биликультура деб аталади ва бактерия ташувчилик мавжудлигидан дарак беради.

Видал реакцияси. У серологик реакция ҳисобланади, яъни қонда пайдо бўлган антителоларни аниқлашга асосланган. Антителолар, одатда, касалликнинг 6-7 кунидан пайдо бўлади. Шунга кўра Видал реакцияси учун қонни ана шу муддатлардан сўнг олинади ва ҳар ҳафта такрорлаб турилади. Реакция кўйишга О-, Н-, Vi-антигенларидан фойдаланилади. 1:200 нисбатда ёки ундан кўпроқ суюлтирилган, қон зардоби билан хосил бўлган агглютинация реакцияси ижобий ҳисобланади. Касаллик давомида кейинги ҳафталарда олиб текширилган қон зардобида реакция титри ортиб боради. У 1:800, 1:1600, ҳатто 1:3200 натижа бериши мумкин. Видал реакцияси учун билакдан 2-3 мл қон олиниши етарлидир. Лабораторияда унинг зардоби ажратиб олиниб, реакция қўйилади.

Пассив гемагглютинация реакцияси (ПГАР). Видал реакциясига нисбатан сезгирироқ ҳисобланади. У касалликнинг 3-4 кунларидан сўнг ижобий натижа бера бошлайди. Реакция қўйиш учун bemor бормогидан олинган қон ҳам етарли бўлиши мумкин. ПГАР Vi-антиген билан юқори титрда натижа бериши бактерия ташувчиликдан дарак беради.

Безгак (малярия). Иситма билан кечувчи касалликлардан яна бири бу безгақдир. Безгак касаллигини циклик кечиши, яъни ўткир иситма даврини апирексия билан алмashiб туриши, спленогепатомегалия, анемия, айrim холларда асаб, сийдик чиқарув ва бошқа аъзоларни чуқур заарланиши билан кечади ҳамда рецидив беради.

Безгак ҳуружи (пароксизм) қалтираш, исиб кетиш ва терлаш фазаларининг кетма-кет алмashiб туриши билан ажралиб туради. Ҳуруж одатда куннинг биринчи ярмида қалтирашдан бошланади (гоҳида кучли қалтираш). Қалтираш 30 минутдан 3 соатгача давом этиб, ҳарорат кўтарилади. Қалтираш исиб кетиш билан алмашади. Бунда $t=39-40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади.

Умуминтоксикация белгилари кучаяди. Бир неча соатдан сўнг кучли терлаш кузатилади. Ҳарорат субфебрилгача тушади, bemor аҳволи яхшиланади, лекин дармонсизлик, уйқучанлик сақланиб қолади.

Безгакда хуружнинг умумий давомийлиги 8-12 соат, тропик безгакда эса – сутка ва ундан ортиқ чўзилади.

Безгак хуружидан сўнг, эритроцитар шизогонияга қараб апирексия даври бошланади 48 ёки 72 соат. Конда асосий битта паразит генерацияси кузатилса, иситма тартибли интермиттирловчи характерда бўлади. Агарда паразитнинг күшимча генерацияси кузатилса, кайсини ривожланиш цкли ҳар хил тугалланувчи, бу холда хуружлар устма уст келиб апирексия сувалиб кетади ва иситма характери ўзгаради. Бундай қўшимча генерация кўпроқ Pl.Falciforumда кузатилади. Шу сабабдан тропик безгакда иситма ремиттирловчи, субконтинуаль ёки нотуғри типда бўлади. Бу холатлар фақат бирламчи безгакка хос, рецидивида кузатилмайди.

Безгак рецидивида (эрта ва кеч) ҳар доим пароксизм тартибли алмасиб келади ва ташхисни осонлаштиради. Безгак хуружларидан ташқари талоқ, жигарни катталашуви, ривожланиб борувчи гипохром анемия, ташхисотда роли катта. Лаборатор текширув билан (йўғон томчи ва суртма) ташхис тасдиқланади. Диагностикада эпидемиологик анамнезни (эпидемик ўчоқда бўлганлиги (касалланишдан 2 йил олдин), гемотрансфузия ва бошка парентерал муолажалар (касалланишдан 3 ой олдин) аҳамияти катта.

Безгакни сепсис, ТПК, бруцеллёз билан қиёсий ташхисот ўтказиш керак. Безгакни клиник кечиши ва шаклларини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагича кечади.

Безгакни уч кунлик хилида яширин даври 10-20 кундан (тахизоитлар қўзғатганда) 6-14 ойгача (гипиозоитлар қўзғатганда); тропик безгакда 7-16 кун, овал безгакда 11-16 кун; тўрт кунлик безгакда эса 25-42 кун.

Безгак касалини қўзғатувчиларини ҳилма хиллигини эътиборга олган холда, қуйидаги тасниф таклиф этилади:

1. Уч кунлик безгак;
2. Тўрт кунлик безгак;
3. Тропик безгак;
4. Овале безгаги;
5. Субклиник тури (соглом паразит ташувчи);
6. Микст-аралаш тури (икки ёки ундан ортиқ қўзғатувчи).

Енгил, ўрта, оғир турлари. Асоратли ва асоратсиз турлари (асорати асосан тропик безгакда - безгак комаси, иситмали гемоглабинурия, ўткир гепатит, ва х.к. холида) учрайди. Касалликни кечишида қуйидаги даврлар кузатилади: яширин давр, продромал давр (уч кунлик безгакда), биринчи хужум ва эритроцитар рецидив, латент даври, экзоэритроцитар рецидив (уч кунлик ва

овале безгагида) ва реконволесценция даври. Уч кунлик ва овале безгаги продромал даври билан бошланади. Продромал даври 2-5 кун давом этади. Бу даврда бемор асосан бош оғриғига, лохаслиқка, қувватсизликка, эт увушишига, танаси қақшашига, мушаклар оғришига, тана ҳароратини бироз күтариlgанига шикоят қиласы. Тропик ва түрт кунлик безгак эса нимүткір ёки үткір бошланади. Безгакни клиник манзаrasи пароксизмал ҳуруж билан бошланади. Бемор совук қотиб, қақшаб, қаттиқ титрайди. Дарров үрнігінде ётиб олиб, боши билан ўралып олади, лекин барыбир исимайды. Шу даврда териси бироз оқаради, пайпаслаганда ғоз терисини эслатувчи ғадир-будирлик сезилади. Айрим холларда тумов белгиларига үхшаш белгилар бўлиши мумкин. Баъзида ичи суюқ келиши мумкин. Бундай холат 10 минутдан то 3 соатгача давом этиши мумкин. Сўнгра тана ҳарорати қисқа вақт ичиде (ракетасимон) энг юқори даражага күтарилади ва bemor исиб кетади. Беморни бош оғриғи безовта қиласы. Касаллик оғир кечәётганида bemor шайтонлаши, алахсираши ва хушидан кетиши мумкин, безовталана бошлайды, пайпаслаганда териси иссиқ ва қуруқ бўлади. Айрим холларда лабига учуғ тошиши мумкин. Тили қуруқ, карашланган бўлади, караш оқ ёки қулранг бўлади. Томир уриши тезлашади, артериал қон босими пасайишга мойил бўлади. Сийиш камаяди, гоҳида сийдик ажралиши умуман тўхташи мумкин, тез-тез нафас олади. 6-8 соатдан сўнг (тропик безгакда суткани оҳирида ёки иккинчи куннинг биринчи ярмида) тана ҳарорати критик пасаяди ва қаттиқ терлаш билан кузатилади. Шундан сунг bemor ўзини бироз яхши хис эта бошлайди. Интоксиация белгилари камаяди. Кейинчалик уйқуга кетади. Ухлаб тургач, ўзини яхши хис қиласы. Ишлаш қобилияти аввалги холатига қайтади. Бундай холатни безгакнинг апирексия даври дейилади. Овале ва уч кунлик безгакда апирексия даври бир кун давом этади, түрт кунлик безгакда икки кун давом этади. Тропик безгакда апирексия даври жуда қисқа, танани ҳарорати меёригача тушмай субфебрил холида қолиши ҳам мумкин. Шундан сунг яна пароксизм ҳуружи қайталайди. Касалликни биринчи кунларида, айникса тропик безгакда эритроцитлар ичидаги паразитлар ҳар хил ривожланыш фазасида бўлгани учун пароксизмал ҳуруж белгилари камрок ривожланган бўлиши билан бирга танани ҳарорати ремиттирланган, субконтинуал ёки нотўғри бўлади.

Орадан 3-5 кун ўтганидан кейин одатда ҳар хил паразитни турига қараб генерация маълум бир тартибда бўлади, ва шунинг учун пароксизмал ҳуруж ҳар бир плазмодиум турига қараб ҳам маълум бир тартибда қайталанади. Айрим bemорлар қонида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки ёки уч хил популяция бўлиши натижасида бир кунда икки маротаба пароксизмал ҳуруж бўлади. Ёки

түрт кунлик безгакда апиредксия даври бир кунга қисқаради, 2-3 пароксизмал ҳуруждан сүнг күпчилик касалларда жигар ва талоқ ҳажми катталашади, пайпаслаганда оғриқли бўлади, қонда анемия аломатлари пайдо бўлади. Бу белгилар қонда қай даражада гемолиз кетаётганлигидан дарак беради. Агарда безгакка қарши адекват муолажа қилинса, жигар ва талоқни ҳажми ўз холига қайтади. Ноадекват муолажа қилинганда талоқнинг ҳажми катталашиб, ёрилиб кетиш эҳтимоли пайдо бўлади. Безгакнинг оғир турида жигарнинг ўткир дистрофияси кузатилади. Бемор саргайиб кетади, геморрагик синдром белгилари марказий нерв тизимининг жароҳатланганлигидан дарак берувчи белгилар номоён бўлади. Қорин бўшлиғига суюқлик йиғилиши мумкин, сурункали гепатит ривожланади. Эритроцитлар сони 2-1 миллионгача, гемоглобин 30 г/л. гача камаяди, лейкоцитлар, нейтрофилар, тромбоцитлар сони ҳам камаяди. Айрим холларда нафас олиш тизимида яллигланиш белгилари пайдо бўлади. Юракда функционал-системик шовқин эшитилади. Кон босими пасаяди, томир уриши тезлашади. Беморда сийдик ажралиши камаяди, сийдикда - альбуминурия, цилиндрурия, микрогематурия бўлади. Пароксизмал ҳуруж бўлиб ўтгач, күпчилик bemorларда қувват тез, асл холига қайтиши мумкин, лекин 1-2 ҳафта давомида бош оғриғи, оёқларнинг зўриқиб оғриши, жигар ва талоқ соҳасида оғрик сезиши, қорни дам бўлиши каби шикоятлар безовта қиласи.

Биринчи ҳуружларни тугаши билан иккиласи латент давр бошланади. Бу давр 2 ҳафтадан 3 ой ва ундан кўпроқ давом этади. Кейинчалик пароксизмал ҳуруж яна қайталайди. Буни «хуружнинг вақтли қайталаси» дейилади. Агарда 8-10 ойдан сүнг қайталаса, буни «хуружнинг кеч қайталаси» дейилади. Қайтадан келган ҳуруж олдингиларидан умуман кўп фарқ қилмайди, фақат проромасиз, бошланишидан бошлаб иситма тўғри типда бўлади. Кечроқ қайтадиган ҳуруж 3-4 кунлик безгакда бўлади, тропик безгакда бўлмайди. Айрим холларда безгакни типик бўлмаган тури учрайди. Уни фақат лаборатория текшириш усуллари ёрдамида аниқланади. Уч кунлик безгак кўпинча енгил ўтади, фақат эпидемия вақтида баъзида оғирроқ ўтиши мумкин. Тўрт кунлик безгак камроқ ва енгил шаклда учрайди, кўпинча асоратсиз кечади, лекин паразитдан bemor организмини тўла холис бўлиши қийинроқ бўлади. Тропик безгак кўпинча оғир ўтади, чунки бунда эритроцитлар 65% гача гемолизга учраши мумкин. Шунинг учун оғир камқонлик аломатлари кузатилади. Безгак билан оғриганларнинг 50% да ўлим холатларининг 98% тропик безгакка тўғри келади. Шунингдек безгакнинг оғир асоратлари: безгак

комаси, геморрагик синдром, алgid, гемоглобинурия, ўткир буйрак етишмовчилиги хам тропик безгак оқибатидир.

Тропик безгакда кома холати босқичма - босқич ривожланиши билан характерланади. Бошланишида бош айланиб, бош оғриғи интенсив кучая боради, bemor кайт қила бошлайди, кувватсизланади, шалпаяди, саволларга жавоб бергиси келмайди, тез - тез уйқуга кетиб қолади, лекин эси ўзида бўлади. Пай рефлекслари сақланган бўлади /сомноленция боскичи/. Бир неча соатдан сўнг сопороз босқичига ўтади: бу босқичда bemor кўпроқ ухлайди, эси кирди-чиқди бўлиб қолади, шайтонлайди, пай рефлекслари ошади, патологик рефлекслар пайдо бўлади, менингизм аломатлари кўзга ташланади. Ўз вақтида тўғри муолажалар қилинмаса bemor чуқур кома холатига тушади: эси бутунлай йўқолади, юз териси оқ-ерранг тусда бўлади, кўз косаси ичига тушиб кетади, қовоқлари беркилади, арефлексия, гипотония, сфинктерлар фалажи, ҳамда нафас олишининг тезлашиши кузатилади. Умуман олганда бундай холат яхши оқибатга олиб келмайди, лекин адекват муолажа қилинса, соғайиб кетиши хам мумкин.

Тропик алgid безгагида bemor атрофидагиларга бефарқ қарайди, юз кўриниши ўткирлашади, эси узида бўлади, томири испимон, териси кўкимтири, совуқ тер билан қопланган бўлади, тана ҳарорати пасая бошлайди. Рефлекслар пасайган ёки умуман йўқолган бўлади.

Иситмали гемоглобинурия тропик безгакнинг кам учрайдиган, лекин оғир ўтадиган асоратларидандир. Кўпинча оммавий инвазия натижасида жуда кўп миқдорда эритроцитлар гемолизга учраганда, ва аксарият Г-6-ФД дефицитли bemorларда хинин ва бошка айrim препаратлар /примахин, сульфаниламиidlар/ кулланилганда 4-8 соат ўтгач, ривожланади. Гемолизни даражасига қараб, тана ҳарорати кўтарилади, бел соҳаси, талоқ, жигар атрофидаги оғриқлар пайдо бўлади. Бош оғриғи кучаяди. Анемия орта боради, келиб чиқиши гемолитик сариқлик пайдо бўлади. Олиго- ва анурия ривожланётганлиги учун сийдик кам миқдорда қора рангли (янги ажралган сийдикда оксигемоглобин бўлгани учун) ёки қизил вино рангидаги (туриб қолган сийдикда метгемоглобин бўлганлиги учун) бўлади. Сийдик тиндирилганда 2 қаватга бўлинади; юқори қавати - тиник, тўқ олча ранг ва пастки қавати - лойқаланган, кўп миқдордаги детрит бўлади. Сийдикни умумий текширганда эритроцитлар, гиалин, доначали цилиндрлар, оқсил моддаси ва гемоглобин борлиги аниқланади. Кейинчалик ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланади ва ўлим билан яқунланиши мумкин. Гемоглобинурия оммавий паразитемия натижасида ривожланганлиги учун ва биринчи галда паразитлар кирган эритроцитлар парчаланганлигидан йўғон

томчыда ва суртмада паразитларни жуда қийинчилик билан топилади, оқибатда ташхис қўйиш қийинлашади ёки хатоликка йўл қўйишга сабабчи бўлади.

Тропик безгак айрим холларда ич терламага ўхшаш бўлиб ўтади. Бунда тана ҳарорати узоқ вақт юқори даражада кўтарилиб туради, бемор алахлайди, эси вақти-вақти билан йўқолади.

Безгак геморрагик синдромли асоратида тери остита, кўз пардасига қон қўйилади, қон аралаш қайт қиласди, бурнидан, бачадондан, меъда ва ичакдан, буйракдан қон кетади, баъзан мияга қон қўйилади.

Безгак касали бошқа бактериал, вирусли ва паразитар касалликлар билан биргаликда ҳам кечиши мумкин. Ҳомиладор аёлларда оғирроқ ўтади. Кўпинча bemor сарғайиб кетади, камқонлик холларида кўпроқ учрайди, қорин бўшлиғига асцитик суюқлик йигилади, танасида шишлар пайдо бўлади. Ҳомилали аёлларда ҳомиласиз аёлларга нисбатан 2-3 маротаба кўп леталлик кузатилади ёки ҳомиласи заар кўради, нобуд бўлади, муддатидан аввал туғилади. Безгак билан оғриган аёллардан туғилган чақалоқларнинг учдан бири нобуд бўлади. Кўпинча чақалоқлар туғма безгак билан туғилади.

Туғма безгак. Болага безгак онадан йўлдош орқали ўтиши мумкин. Бундай бола туғилганда нимжон, жигари ва талоғи катталашган бўлади. Қонидан безгак плазмодийлари топилади.

Кўпинча безгак болага онадан туғилаётганда юқади. Бундай холларда бола туғилгач, бир неча ҳафта ўтгандан кейин касаллик бошланади. Унда ҳарорат кўтарилиди, жигар, талоқ катта бўлади, бола озиб кетади, ўсишдан орқада қолади.

Шизонт безгаги. Шизонт безгагини одамларда безгакни қўзғатувчи ҳамма плазмодиумлар чақириши мумкин, лекин қўпинча тўрт кунлик безгак қўзғатувчиси Pl.malariae қўзғатади. Касаллик бола туғилаётганда, укол қилинганда ва бошқа манипуляция вақтида яхши стерилизация қилинмаган инструментлар орқали, гемотрансфузия вақтида (агарда қон яширин Pl.malariae паразитни ташувчи донордан олинган бўлса) юқади. Тропик безгакни қўзғатувчиси йўлдош орқали, бола туғилаётганида юқади ва туғма безгак ривожланади. Гемотрансфузиядан сўнг ривожланадиган безгак яширин давридан /бир неча кун/ кейин плазмодиумни туридан катъий назар «классик» синхрон пароксизмал иситма билан бошланади ва анемия, жигарни, талоқни катталashiши билан ифодаланади. Кўпинча оғир ўтиб, оқибати яхши бўлмаслиги мумкин. Тиббиёт асбоблари орқали юқсанда касалликни яширин даври 3 ойгача чўзилиши мумкин.

Чўзилган безгак. Чўзилган безгак фақат кўп маротаба бўладиган реинфекция еки суперинфекция натижасида ривожланади ва қўпинча эндемик ўчоғда учрайди. Суперинфекция паразитнинг бошқа штамми қўзғатган безгак тугамасдан олдин юз беради. Реинфекция эса, биринчи безгак касаллиги тугагач кўп ўтмай ўша штамм плазмодиуми қайтадан юқиши натижасида юз беради. Шундай қилиб, қисман ривожланган иммунитет фонида супер ва реинфекция ҳисобига безгак узоқ йиллар давом этиб висцерал ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун жигаринн, талоқни ҳажмини катталashiши, сурункали гепатит, жигар фибрози, спленит, нефропатия, анемия, неврит белгилари, вақти-вақти билан безовта қиласидиган иситма хуружи характерлидир.

Парабезгак. Безгак билан оғриган одам даволанмагандан ёки даволаш етарли бўлмагандан иситма хуружлари тўхтаб, организмдан паразитлар йўқолиб кетгач, безгакни оқибати сифатида турли функционал ва органик ўзгаришларни кузатилиши парабезгак деб юритилади. Масалан, жигар циррози, спленомегалия, анемия, вегетоневрозлар ва бошкалар шулар жумласидандир.

Оқибати. Эпидемиядан ташқари вақтда 0,2-1% гача ўлим холлари кузатилса, эпидемия даврида бу кўрсаткич 3-5% дан 20-40% гача кўтарилади.

Безгак турғун иммунитет қолдирмайди. Касаллик қайталанишлар билан ўтиши мумкин, улар 1-2 ой ўтгач /эрта қайталанишлар/ содир бўлади.

Диагностикаси. Безгак ташҳисоти эпидемиологик ва касаллик анамнезига, клиник манзарасига, умумий кўрувдан олинган маълумотларга асосланади ҳамда лаборатория усуллари билан текшириш олиб бориб тасдиқланади. Ташҳис қўйиш касаллик нотипик кечганда мураккаблашади. Эпиданамнезда беморни эндемик ўчоғда бўлганлиги, чивин чаққанлиги, қон қуйилганлиги ёки тиббий муолажа қилинганлиги тўғрисидаги маълумот муҳим ўрин эгаллайди. Шу касаллик учун типик хуружлар бўлганда безгакни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Бироқ тўғри навбатлашиб турадиган хуружлар бўлмагандан ёки ҳарорат доимий характерда бўлганда, ҳатто эпидемиологик шарт шароитлар бўлганида ҳам, бу касалликка ташҳис қўйиш қийин. Лекин шундай холларда ҳам ҳар 2 соатда ҳарорат ўлчаб турилса, тана ҳароратидаги ўзгаришлардан қандайдир қонуниятни илғаб олиш мумкин. Ҳатто типик клиник манзарада ҳам безгак ташҳисини тасдиқлаш мақсадида микроскоп остида безгак плазмодиумларини топиш учун қонни /суртма, йўғон томчи/ текшириш зарур.

Безгак плазмодийси bemor қонида доимо бўлиши туфайли текшириш учун қонни исталган вақтда тана ҳарорати меёрида бўлганда ҳам, хуруж вақтида ҳам олиш мумкин. Қонни текшириш безгак ташҳисини аниқлашгагина имкон бермай, балки плазмодийнинг тўрт туридан кайси бири касаллик қўзғатганини

аниқлашга күмаклашади. Ҳамма холларда, жумладан, безгак комасида ҳам қонда плазмодийни топиш ташхис қўйишида хал қилувчи аҳамият касб этади.

Паразитологик текшириш учун бемордан олинган капилляр қон ёки веноз қондан фойдаланилади. Бемордан олинган қондан йўғон томчи ва суртма тайёрланади. Йўғон томчини 1,5 см диаметрда тайёрлаб, қуритиб сўнgra Романовский-Гимза усулида буялади. Юпқа суртмани қуритиб бўлгач, 3 минут давомида метил спиртида ёки 10 минут давомида этил спиртида фиксация қилинади, сўнgra бўялади. Бўяб бўлгач, сув билан яхшилаб ювиб, қуритиб, имерсион система билан микроскоп остида кўрилади /окуляр 7X, объектив 90X/. Ҳар бир препаратдан 100 та катак кўрилади, плазмодийларни кичикроқ майдонидан топилишидан қатъий назар/ акс холда комбинациялашган инвазияни аниқлашга имкон бўлмайди. Йўғон томчида паразит 40 маротаба кўп аниқланади, лекин қайси типга мансублигини билиш қийин бўлгани учун суртма кўрилади. Қонда безгак бор ёки йўқлиги хақида аниқ фикрга келиш учун бир кунда 4-6 маротабагача намуна қилиш мумкин. Плазмодийнинг қайси тури касаллик кузгатганини билиш уларнинг морфологик тузилишидан фойдаланамиз. Безгак плазмодийсининг қондаги миқдорини ва унинг ривожланишнинг қайси фазасида эканлигини аниқлаш ҳам катта клиник аҳамиятга эга. Чунки қонда шизонтларни бўлиши ва паразитемияни интенсивлиги катта бўлса, ёмон оқибатлардан дарак беради. Паразитемияни интенсивлиги йўғон томчи қўраётганда битта катакда нечта паразит борлигига боғлиқ: 1-10 плазмодий 100 та катакда бўлса 1мкл қонда 5-50 та паразитга тўғри келади(+); 1-10 плазмодий 10 та катакда бўлса 1 мкл қонда 50-500 та паразитга тўғри келади (++); 1-10 плазмодий 1 катакда бўлса 1 мкл қонда 500-5000 та паразитга тўғри келади (+++); 10 ва ундан ортиқ плазмодий 1 катакда бўлса, 1 мкл қонда 5000 ва ундан ортиқ паразит бўлади (++++). 1 мкл қонда 100000 дан ортиқ плазмодий бўлса, ёки 5% дан кўп эритроцитлар жароҳатланган бўлса, безгак нохуш оқибатлар билан тугаши мумкин.

Серологик текширув (РНИФ, РИФ, РНГА ва х.к.) донорлар танлаб олишда, безгакни нотипик, латент формаларини аниқлашда ҳамда эндемик уchoғда одамлар нечоғлик жароҳатланганлигини билиш билан қўлланилади.

Гемограммада анемия (анизопойкилоцитоз, ретиколоцитоз) белгиларинн аниқлаш, лейкопения ва нисбий лимфоцитозлар ҳам ташхис қўйишида катта аҳамиятга эга.

Қора оқсоқ (брүцеллёз) иситма ўткир брюцеллёзнинг асосий клиник белгисидир. Иситма ҳар бир bemorni ўзида ҳар хил типда кечиши мумкин, яни бир типда бўлмайди. Брюцеллёзда ҳарорат чизиги тўлқинсимон,

интермиттиловчи, ремиттиловчи бўлади. Иситма тўлқини қучли терлаш билан кечади («бемор уз терисида чўмилади»). Иситманинг тўлкинлари сони, унинг давомийлиги ва интенсивлиги ҳар хил бўлади. Тўлқинлар оралиғи 3-5 кундан бир неча ҳафта, ҳатто ойгача бўлади.

Ҳарорат юқори, узоқ субфебрил, кам холларда меъёрда бўлиши мумкин. Субфебрил типни бошқа типларга қараганда кўпроқ учрайди. Бруцеллёзга хос белгилар bemor ҳарорати юқори бўлса ҳам, умумий ахволи кам ўзгариши, аъзо ва системаларнинг кўпларини қўшилиб заарланиши (урогенитал, асад ва б.). Истима симптоми бруцеллёзни ўткир септик ва септикометастатик шаклларида кузатилади.

Бруцеллёзning ўткир септик формаси

Патогенетик жиҳатдан маҳаллий ўзгаришларсиз кечувчи, ўткир сепсиснинг фазасига мос келади ва қуидагилар:

- юқори температура;
- умумий интоксикация симптомлари ва ретикулоэндотелиал системаси заарланиши билан ҳарактерланади.

Иситма бу форманинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Касаллик ўткир бошланади. Иситма 38-39⁰C, унинг эгри чизиги 4 хил кўринишда бўлиши мумкин:

1. тўлқинсимон;
2. нотўғри ремиттиловчи;
3. интермиттерловчи;
4. тифга ўхшаш формаси.

Бруцеллёз учун тўлқинсимон иситма хос. Тўлқинлар сони уларнинг давомийлиги ва оралиқлар бир неча кун, ҳафта ва ойларга ўзгариб туради. Антиботикларни қўллаш оқибатида иситманинг давомийлиги қисқаради.

Иситмага нисбатан реакция, лоқайдлик, буғим ва суюклардаги оғриқлар, бош оғриши, уйқу бузилиши, тез асабийлашиш, иштаҳанинг пасайиши орқали намоён бўлади. Лимфагемопозз органлари заарланиши кузатилади: периферик лимфа тугунларнинг, асосан, жағ ости, бўйин, қўлтик ости ва чов тугунларини катталashiши кузатилади. Бундан ташқари гепатолиенал синдром ҳам ҳарактерли. Жигар ва талоқнинг катталashiши кўп bemorларда учраб, размерлари ҳар хил даражага ўзгариши, пайпаслагандаги оғриқ кузатилади. Баъзида геморрагик диатезнинг белгилари намоён бўлади: бурундан қон кетиши, милк қонаши, ошқозон-ичақдан қон кетиши ва ҳоказо. Сийдикда альбуминурия, цилиндрлар, эпителий ва эритроцитлар чиқади. Кейинчалик ўткир септик формадан **септико-метастатик формага** ўтади: яққол

интосикация белгилари ва орган, системаларнинг маҳаллий заарланиши билан характерланади. Асосан таянч-ҳаракат, нерв, жинсий системалар ва лимфогемопоэз органлари заарланади.

Септико-метастатик формада ҳам бруцеллёзниңг ўткир септик формасига хос бўлган ҳусусиятлар сақланади:

- юқори температура,
- титраш,
- кўп терлаш,
- жигар, талоқ ва лимфа тугунларини катталашуви.

Бундан ташқари артралгия, периартрит, бурсит, миозит, орхит, орхоэпидедимит, неврит ва невралгиялар кузатилади.

Юрак-қон томир системаси томонидан эндокардит, аортал клапанинг сўғалсимон ярали характерли яллигланиши, кейинчалик артериал эмболия кузатилади. Аортит, оёқ веналарининг тромбофлебити кузатилади.

Серозли менингит ва менингоэнцефалитларга олиб келади. Бунда бемор бош оғриғи, кўнгил айнишига шикоят қиласи, беморни аҳволи оғирлашиб, менингиал белгилар пайдо бўлади. Кейинчалик касаллик **иккиламчи сурункали** формага ўтиши мумкин.

Бунда температура субфебрил ёки нормал бўлиши мумкин, периферик лимфа тугунлар катталашиши мумкин.

Бруцеллёз ташҳисоти эпидемиологик анамнезнинг (касалланган ҳайвонлар билан мулоқот ва ҳ.к.) ва лаборатор текширувларнинг (Р. Райт, Хеддельсон , КБРРНГА) ҳамда тери ости синамасининг аҳамияти катта.

Лаборатор диагностикаси. Периферик қонда: гипохром анемия, лейкопения, нисбий лимфоцитоз, тромбоцитопения, ЭЧТ ошади.

Асосий текшириш усуллари - серологик - Райт-Хеддельсон реакциялари, КБР – уларда бруцеллёзга қарши специфик антителолар аниқлайди. Энг сезгири Хеддельсон реакцияси - титри 1:50, 1:100 шубҳали, 1:200 кучсиз, 1:400 мусбат деб ҳисобланади.

Энг қулайи Райт реакцияси – 1:50 шубҳали, 1:100 кучсиз 1:200, 1:400 мусбат. Бюрне аллергик синамаси камроқ ишлатилади. Бактериал текшириш амалий жиҳатдан қийин, чунки бруцеллалар жуда секин 10-30 кун ўсади. Бунинг учун қон, сийдик, суяқ кўумиги ишлатилади.

Тошмали тиф. Иситма тошмали тифнинг асосий клиник белгиларидан бир ҳисобланади. Иситманинг бошланғич даври ўзига хосдир: Касалликнинг 2-3 чи кунлари ҳарорат 39-40 °C гача кўтарилиб боради . т - нинг 39-40 °C гача бирданига, тез кўтарилиши, қалтираш (биринчи суткасидаёқ) кам учрайди.

Бундан ҳам камроқ ҳароратни аста-секин зинасимон кўтарилиши учрайди. Бунда эрталаб ремиссия қузатилади, қалтираш бўлмайди. Антибиотик олмаганларда касалликнинг 4-5 чи кунларидан бошлаб иситма доимий кўринишда бўлади. Кам холларда ремиттирловчи бўлади. Ҳароратнинг кунлик фарқи (эрталаб ва кечқурунги) қанча кичик бўлиб, доимий иситма типига яқинлашган сари касаллик шунча оғир кечади ва натижа яхши бўлмаслиги мумкин. Ремиттирловчи типда эса натижа яхши.

Тошмали тифга хос нарса бу ҳарорат чизигида касалликнинг 3-4-чи кунларида кесилиш бўлиши. Биринчи кесилиш тошма тошишидан олдин қузатилади (3-4 кун). Бунда $t = 1,5-2^{\circ}\text{C}$ га бирдан пасаяди, лекин касалнинг ахволи яхшиланмайди. Тошма тошиши билан ҳарорат аввалгига қараганда юқорироқ кўтарилиди ва касалликнинг авжига чиқиш даври бошланади. Бундай кесилишлар ҳар доим қузатилавермайди. Касалликнинг 8-10 кунлари ҳарорат чизигидаги иккинчи кесилиш ("врез") қузатилади. Бунда ҳам $t = 1,5-2^{\circ}\text{C}$ га пасаяди (лекин меъёрда булмайди). Кейинги кунлари ҳарорат яна юқорига чиқиб олади. Лекин 3-4 кундан сўнг ҳарорат туша боради. Ҳарорат чизигидаги бундай кесилишлар спорадик учраган касалликларда ва антибиотик олганларда қузатилмайди.

Касалликни нисбатан ўткир бошланиши, ҳароратнинг тез кўтарилиши ва ўзига хослиги, bemor шикоятлари, кучли бош оғриги, унинг кучайиб бориши, дармонсизлик, уйқусизлик, бироз қўзғалувчанлик, юз терисининг қизариши, шиш, (ҳаммомдан чиқсан одам юзидек) конъюктива гиперимеяси, кўзни ялтираши, касалликнинг 3-куnlariidan бошлаб "чимчилаш", Киари – Авцин, Розенберг, Говорова – Годелье белги-ларининг пайдо булиши ҳамда хансираш, ҳароратни касалликнинг 3-4 кунларidaёқ ТПК дан фарқлашга ёрдам беради. Киёсий ташхисотда тошмаларнинг ҳусусиятларини аҳамияти катта.

Брилл-Цинссер (рецидивланувчи тошмали тиф) касаллигига одатда ҳарорат $38-39^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди, ремиттирловчи турда бўлади.

Доимий ҳарорат чизиги кам учрайди. Иситманинг давомийлиги 8-10 кунгача. Ҳарорат критик ёки қисқа лизис билан тушади. Марказий нерв тизимидағи бузилиш белгилари унча кучли эмас: бош оғриги кам холларда кучли. Уйқусизлик, қўзғалувчанлик, сергаклик қузатилади. Эс-хуши ўзида. Говорова-Годелье белгиси (тил чиқарилганда тишларга тегиб кетиши) мусбат, менингиал белгилар суст бўлади. Эндемик тошмали тифдагидек эмас, балки розеолёз тошмалар петихияга нисбатан кўп бўлади ва 5-7 кун изсиз йўқолади.

Касалликни клиник даврлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, касалликнинг инкубацион даври икки ҳафта давом этади, лекин бир ҳафтагача қискариши ёки уч ҳафтагача чўзилиши ҳам мумкин.

Тошмали тифнинг клиникасида уч давр ажратилади: 1) бошланғич даври; 2) касалликнинг авж олиш даври; 3) соғайиш даври.

Бошланғич даври. Тошмали тиф кўпинча бирданига бошланади. Беморнинг эти увишиб, ҳарорати 38°C даражагача кўтарилади, боши қаттиқ оғрийдн, уйқуси бузилади, мускуллари қақшаб оғрийди. Бемор эйфория ҳолатида бўлиб, кўп гапиради. Бош оғриғи кучайиб боради, кўпроқ чакка ва энса оғрийди. Уйқу нотинч бўлади, bemor кўпинча алоқ-чалоқ қўрқинчли тушлар кўради. У безовга ва тажанг бўлади. 2—3 кун ўтгач, ҳарорат $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$ даражагача кўтарилади. Бемор юзи ва кўзлари қизаради, 3-4-куни кўз конъюнктивасида петехия (Киари — Авцин симптоми) юмшоқ танглайдада энантемалар (қизил нукталар) пайдо бўлади. Бемор тилини чиқармоқчи бўлганида қийналади, тили титраб, чап томонга қийшайиб кетаверади (Годелье — Говоров симптоми). Тилни караш қоплайди. Агар билакни резина чилвир билан қисилса — елкада розеола тошмаси пайдо бўлади. Эрта диагноз қўйиш учун шу усулдан фойдаланилади (Н. И. Рагоза, А. Ф. Билибин). Кўкракка банка қўйилганида ҳам банка ўрнида петехиялар пайдо бўлади.

Беморни объектив текширишда тахикардия, гипотония, юрак тонининг бўғиқлиги аниқланади. Бемор қуруқ йўталади, бронхит белгилари топилади, касалликнинг 3—4 - кунлари талоқ, катталашади. Шундай қилиб, тошмали тифнинг бошланғич даврига: иситма, бош оғриғи, нотинч уйқу, кўп гапириш, юз ва кўзнинг қизариши, тахикардия хос.

Киари — Авцин симптоми, юмшоқ танглайдада энантема пайдо бўлиши ва резинка боғлагич феномени характерлидир. Бу маълумотларга суюниб, эпидемиологик вазиятни назарда тутган ҳолда, дастлабки диагноз қўйиш мумкин.

Касаллик авж олган давр. Бу давр касалликнинг 5-кунидан бошланади. Ҳарорат юқори, интоксиация кучайган бўлади, bemornинг ахволи анча оғирлашади. Тиф ҳолати яккол қўринади. Бемор алаҳлайди, баъзан беҳуш ҳолда ётади. Баъзи холларда bemordan психоз аломатлари аниқланади. Унинг хатти - харакатлари қўрқинчли тус олади. Баъзи bemorлар ўрнидан туриб кетишига уринади, атрофдагиларга зарар етказиши ҳам мумкин. Касалликнинг 5-куни bemor бадани жуда кўп розеола ва петехия тошмалари билан қопланади. Петехиялар кўп булса, бу — касалликнинг оғир ўтишидан нишонадир (5-расм). Бошланғич даврдаги симптомлар сақланади ёки қисман кучаяди. Юрак-қон

томир системасининг холати оғирлашади. Қон босими янада пасаяди. Юрак тони жуда бўғиқ бўлиб, систолик товуш пайдо бўлади. Пульс тез ва жуда суст уради, аритмия бошланади. Касаллик жуда оғир ўтганида коллапс бўлиши мумкин.



5 - расм. Тошмали тиф: ҳар хил шаклдаги розеола ва петехия тошмалари.

Бу даврда баъзан пневмония ривожланади. Пневмония ривожланишида риккетсияларнинг ҳам роли бор. Бемор овқатдан мутлақо юз ўгиради, уни ташниалик безовта қиласи. Лаблари қақраб, қора қўтирип пўст боғлайди. Тил сарик-қўтириш караш билан қопланиб, қақраб туради, титрайверади. Жигар ва талок катталашади. Ич келмайди, сийдик ҳам кам қелади.

Иккинчи ҳафта давомида беморнинг эс-хуши ўзгариб туради. Кўпинча bemorда менингит ва энцефалит алломатлари қуринади. Касаллик оғир ўтганида фалажлар, яримфалажлар, полирадикулоневрит, невралогик белгилари аниқланади. Бу даврда bemorларнинг бир қисмида қулоқ оғирлашиб, кўз хира тортиши ва мувозанат бузилишига оид симптомлар қўринади. Бемор ўрнидан турса, гандираклаб, йиқилиб тушиши мумкин.

Қонда лейкоцитоз, нейтрофилёз, эозинопения, лимфопения, тромбоцитопения аниқланади, ЭЧТ тезлашган бўлади.

Касалликнинг 12-кунидан бошлаб ҳарорат аста-секин пасая боради ва 3—4 кун ичида аслига келиб қолади, соғайишга алоқадор бошқа алломатлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Бемор худди узоқ ва чукур уйқудан тургандек ўзига келиб, атроф-мухитга эътибор бера бошлайди, муҳокамаси ҳам нормаллашиб боради. У қўп сияди, ичи суюқ бўлиб келади. Юзининг қизаргани ва шишгани

йўқолади. Тошма оқариб 2—3 кундан сўнг йўқолади. Пульс тезлиги секинлашади. Бироқ юрак тони бўғиқ бўлиб қолаверади. Бемор ахволи анча яхшиланади.

Софайш даври. Ҳарорат нормал бўлган кундан реконвалесценция (софайиш) даври бошланади. Беморнинг ахволи анча яхшиланиб, ички органлар ва системаларнинг бузилган фаолияти ўз изига туша бошлайди. Лекин bemor психикаси бекарор ва хотираси ёмон бўлади, у инжикланиб, арзимаган нарсадан норози бўлаверади. 10—12 кунгача қон босими пасайган ҳолда туради. Брадикардия аниқланади. Парэстезия ва яримфалажлик симптомлари узоқ давом этади. Беморга ҳарорат аслига келгандан кейин 7—10 кундан бошлаб ўрнидан туришига руҳсат этилади ва 12 кундан сўнг уйига жавоб бериш мумкин.

Тошмали тиф клиник формаларининг классификацияси. Тошмали тифнинг енгил, ўртacha оғирликда ўтадиган ва оғир формалари ажратилади. Енгил формага abortiv форма ва эмланганларда учрайдиган тошмали тиф киради.

Abortiv тошмали тифда иситма даври 4—8 кунгача қисқаради. Юқори ҳарорат ва интоксикация 2—3 кун давом этади холос. Бошқа симптомлар ҳам билинар-билинмас бўлади. Розеолёз тошма кам бўлади ва тезда йўқолади. Юрak - қон томир системасининг фаолияти бузилиши қисқа муддатда тугайди ва тезда нормаллашади.

Эмланган одамларда ҳам тошмали тиф енгил ўтади. Иситма ва кучсиз интоксикация 2—4 кун давом этади. Тошма жуда кам бўлади ёки мутлақо бўлмайди.

Тошмали тифнинг abortiv формасида ва эмланганларда касаллик диагнозини аниқлаш мушкул. Бу касалликка гумон қилинганида bemor албатта лаборатория усувлари билан текшрилиши лозим.

Тошмали тиф оғир ўтганда ҳарорат ва интоксикация кучли бўлади, bemor бехуш ҳолда ётади, энцефалит белгилари, юрак-кон томир тизими фаолиятининг бузилишига хос аломатлар яққол кўрилади. Тошма кўп ва геморрагия характеристида бўлади.

Спорадик тошмали тиф. Спорадик тошмали тиф кўпинча енгил ва abortiv формада ўтади. Бемор боши оғриб, уйқуси бузилади. Юзи, кўзи озгина қизаради, лекин бу ҳодисалар тезда ўтиб кетади. Иситма ўртacha 6—10 кун давом этади. Тошма розеола ҳолида бўлади, баъзан мутлақо бўлмайди. Юрak - қон томирлар кам заараланади. Озгина гипотония ва тахикардия аниқланади. Кўрилганда ўзгаришлар кам бўлади.

Охирги йиллардаги текширувларга қараганда, спорадик тошмали тиф 60—70 % холларда илгари шу касаллик билан оғриган кишиларда учрайди, яни у тошмали тифнинг рецидивидан иборатдир. Бундай тошмали тиф Брилл-Цинцер касаллиги деб юритилади ва тошмали тифдан соғайган баъзи реконвалесцентларда риккетсиялар узоқ йиллар латент ҳолда сақланишига боғлиқ бўлади. Сакланиб қолган шу риккетсиялар муайян бир шароитда қайтадан касаллик қўзғатади. Бундай организмда касаллик олдинги тошмали тифдан қолган иммунитет туфайли енгил ўтади. Брилл касаллиги асосан ёши қайтган одамларда учрайди. Уларнинг анамнезида деярли ҳамиша илгари тошмали тиф билан оғриланлиги аниқланади. Шу билан бир вақтда, Брилл касаллигини эпидемиологик жиҳатдан тахлил қилиб кўрилганида, беморга касаллик юқишига оид сабаблар аниқланмайди. Брилл касаллиги мустақил касаллик деб рўйхатга олинган. У алоҳида ҳисобга олинади.

Брилл касаллигининг клиникаси. Бошлангич даври 3—4 кун давом этади. Ўртacha интоксикация белгилари аниқланади. Беморнинг боши оғрийди, уйқуси бузилади, ҳарорати 38°C — 39°C даражагача кўтарилади. Камдан-кам (26%) холларда энантема топилади.

Касаллик роса авжига чиқадиган даври 5—7-кун давом этади. Ҳарорат 38°C — 39°C атрофида бўлади. Беморнинг боши оғрийди, уни уйқусизлик безовта қиласи, эйфория аломатлари ҳам кўрилади. Баъзи bemорлар алоқ-чалоқ туш кўриб чиқади. Купинча Говоров — Годелье симптоми аниқланади (бемор тилини бемалол чиқара олмайди). Розеола — петехия тошмаси bemорларнинг 60—90 % кўринади. Брилл касаллиги асосан ёши улғайган одамларда учраганлиги туфайли булса керак, кўпинча юрак-қон томир системасининг зарарланишига оид аломатлар яққол кўринади.

Брилл касаллигига иситма даври ўрта ҳисоб билан 9—11 кун давом этади, ҳамма bemорлар омон-эсон соғайиб кетади.

Брилл касаллигига иситма даври камроқ учрайди, асосан тромбоз ва тромбофлебит, пневмониялар кўринишида бўлади.

Брилл касаллигига биринчи кундан бошлаб юқори титрда КБР буйича 1:10240 ва кўпроқ ЭГАР бўйича 1:64.000 ва кўпроқ IgG аниқланади.

Грипп (тумов). Айrim холларда эпидемик тошмали тиф ва ТПК ларнинг бошлангич даврида янглишиб грипп ёки аденоирузли инфекциялар деб ташхис қўйиб юборилади. Грипп шундай ўткир бошланадики, bemор ҳатто касаллик кунинигина эмас, соатини ҳам айтиб беради. Тана ҳарорати касалликнинг 1-2 соатларидаёк юқори даражага кўтарилади ($39\text{-}40^{\circ}\text{C}$). Касалликнинг 2-кунидан ҳамма клиник белгилар намоён булади. Умумий

интоксиация белгилари: кучли бош оғриғи (пешона, қош равоғида), бадан, мушакларни қақшаётгандар, кучли холсизликлар ва ҳ.к. Грипп асоратсиз кечганда иситма даври 1-5 кун давом этиб, ҳарорат критик ёки қисқа лизис билан тушади. Ҳарорат тушаётганда кучли терлаш, хатто коллапс кузатилиши мумкин. Нафас йўлларини заарланиши (ринит, шиллик пардалар тарқоқ гиперемияси, юмшоқ танглай донадорлиги, трахеит) белгилари гриппга хосдир. Клиник кечишини кўриб чиқадиган бўлсак, касаллик ҳаво – томчи йўли билан бемор одамдан юқади. Инкубацион даври бир неча соатдан 2 суткагача давом этади. Продромал давр 10-15% bemorlarда кузатилиб, холсизлик, бироз қалтираш, мушакларда оғриқ, тана ҳароратининг $37,1\text{--}37,5^{\circ}\text{C}$ гача қўтарилиши билан намоён бўлади. Бу белгиларга одатда эътибор берилмайди.

Грипп учун касалликнинг ўткир бошланиши хос булиб, бу асосан организмда вируснинг тез репродукцияси ҳисобига келиб чиқади ва қўпчилик bemorlarда кузатилади.

Қўйидаги симптомокомплекс грипп учун характерли: иситма – гриппнинг асосий симптомларидан бири. Тана ҳароратининг максимал қўтарилиши касаллик биринчи кунида кузатилиб, оғир холларда 40°C , ўрта оғир холларда 39°C , енгил холларда 38°C . Гриппда иситманинг тушиши критик ёки тезлашган лизис қўринишида юз беради.

Икки ўркачли ҳарорат эгрилиги камдан-кам учраб, қайта тана ҳарорати қўтарилиши қўпинча сурункали инфекция авжланиши билан, ёки зотилжам, бошка асоратлар қўшилиши билан боғлик. Зотилжам қўшилганини узоқ давом этувчи иситма ҳам кузатилади (9 кундан ортиқ).

Касаллик умумий интоксиация белгиларининг кузатилиши билан бошланади:

- бош оғриқ, бу оғриқ бошнинг пешона, тепа, чакка ва қош усти ёйи қисмида кузатилиши хос;

- қалтираш;

- хушдан кетиш холлари ва бош айланишлар – асосан ёш bemorlarда ва сурункали касаллиги (гипертония касаллиги, атеросклероз) бор карияларда, ёки кескин озгин кишиларда кузатилади.

- бел соҳаси мушаклари, болдир мушаклари, бўғимлар, орқа мушакларида оғриқ ёки бутун тана бўйлаб тарқалган оғриқ кузатилиши.

Респиратор трактнинг турли қисмларидаги заарланиш синдромлари касалликни 2-3 кунларидан кучаяди. Энг кўп учрайдиган катарал синдромлар бу - ринит, фарингит, ларингит, назофарингит, ларинго-трахеит, трахеобронхит.

Энг хос бўлгани трахеит, қуруқ ва шиллик ажралиши билан, продуктив йўтал билан кузатилади. Турли даражадаги томоқ гиперемияси барча bemорларда кузатилади ва халқум орқа девори гранулёз фарингити билан, шунингдек юмшоқ танглай ва тилчанинг майда донадорлиги билан кузатилади.

Фарингит – қуруқ йўтал, кўкракдаги оғирлик хисси, ютингандага оғрик, регионар лимфотугунларни катталашуви.

Ларингит - томоқда ачишиш, кўкракдаги оғирлик хисси, овоз бўғилиши, кўпол итсимон йўтал. Кичик ёшдаги болаларда ёлгон круп картинаси кузатилади – нафас олишнинг қийинлашуви (инспиратор ҳансираш), безовталиқ, овознинг ўзгариши ва бўғилиши, акроцианоз, совуқ тер чиқиши.

Бронхиолит (кичик ёшдаги болаларда) – экспиратор ҳансираш билан кузатилади, қийин ажраладиган балғамли азобловчи йўтал, кўкрак қафасидаги оғрик, нафас олиш юзаки, тери қопламларини оқишлиги, ўпкада майда пуфакли нам хириллашлар эшитилади.

Токсикоз таъсирида нейроциркулятор бузилишлар ривожланади. Гриппнинг оғир формаларида бу бузилишлар томир ўтказувчанлиги ошиши билан кузатиладиган геморрагик диатез белгилари билан намоён бўлади (бурундан қон кетиш, тери ва шиллик қаватлардаги геморрагиялар, геморрагик ўпка шиши, гематурия.)

Гриппнинг гипертоксик шакллари энг оғир ҳисобланиб, токсикоз белгиларининг максимал кўриниши сифатида намоён бўлади. Гиперемия, шиллик қаватлар цианотикилиги ва тери оқишлиги (тери кулранг рангини беради), акроцианоз, юз киёфасининг ўткирлашуви, склерит, азобланган юз ифодаси, ҳавотир ва кўркув, қуруқ йўтал, ҳансираш, тахикардия грипп гипертоксик кечишини клиникасини беради.

Типик физикал кўринишли эрта зотилжам, ўпка геморрагик шиши, мия шиши, токсикоз оқибатидаги нейроциркулятор бузилишли – токсик миокардит.

Юрак-томир тизимидағи ўзгаришлар кейинчалик брадикардия билан алмашинувчи тахикардия, юрак тонлари бўғиклиги, гипотония, миокард токсик ва дистрофик ўзгаришлари билан намоён бўлади.

Оғирлик даражасига қараб фарқланади:

Енгил шакли - $t = 38^{\circ}\text{C}$ гача, ўрта намоён бўлган умумий интоксикация ва катарал синдром белгилари.

Ўрта оғир шакли - $t = 40^{\circ}\text{C}$ гача, умумий интоксикация белгилари яққол намоён бўлган, катарал синдром, қуруқ азобловчи йўтал.

Оғир шакли - $t = 40^{\circ}\text{C}$ дан юқори, давомий, умумий интоксикация белгилари кескин намоён бўлган, оғрикли ва қуруқ азобловчи йўтал.

Периферик қонда биринчи кунларыда ўртача лейкоцитоз, унинг ўз навбатида 2-3 қунда лейкопения билан алмашынуви, ЭЧТ-меъёрида, айрим холлардагина бироз ошған бўлади. Бактериал асоратлар қўшилгач юкори лейкоцитоз, чапга нейтрофилли силжиш, ЭЧТ ошиши кузатилади.

Диагностикаси. Грипп ташхисини характерли клинико-эпидемиологик маълумотлар асосида кўйилади. № 198, 101 ЎзРес.ССВ буйруқларига асосан лаборатор тасдиқ мажбурийдир.

Лаборатор текширув ўз ичига олади: қон ва пешобнинг умумий тахлили, иммунофлюресценция ёки ИФА усулида бурун цилиндрик эпителийсида гриппоз антигенларни аниқлаш. ГАСР (РТГА), КБР (РСК) ва бошқаларда спецефик антитаналар титрининг ошиб боришини аниқланиши. Керак бўлганда қон биохимияси, коагулограмма, кўкрак қафаси аъзоларини рентгенологик текшируви, қорин бўшлиғи аъзоларини УТТси, қон, пешоб ва ликворни, оғиз - бурун шиллик қаватининг бактериологик текшируви.

Аденовирусли инфекциялар кўп беморларда касаллик ўткир истима кириши билан бошланади. Ҳарорат 2-3 кун ичиде 38- 39⁰ С га, кам холларда 40⁰С га кўтарилади. Айрим холларда касаллик аста-секин бошланади. Ҳарорат касалликнинг 3-4 кундан кўтарила боради. Иситма бир оз қалтираш билан бошланиб, бир ҳафтагача, айрим холларда 2-3 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Ҳарорат чизиги доимий ёки ремиттирловчи характерда бўлади. Касаллик авжига чиққан даврида интоксиация белгилари кучсизроқ ёки ўртача бўлади: бир оз дармонсизлик, бош, мушак, бўғимларда оғриқ. Гриппдан фарқли ўлароқ, адено-вирусли инфекцияларнинг эрта белгилари бу ўртача бурун битиши, бурундан серозли ва сероз-йирингли ажралмалар чиқиши. Коньюктивит одатда катарал, кам холларда фолликуляр ва плёнкали бўлади. Оғиз кўздан кечирилганда, гиперемия, юмшоқ танглайда, ютқин орқа деворида донадорлик кузатилади. Аденовирусли инфекцияларга хос ангинаны, жағ ости ва бўйин лимфа безларини катталашуви, гепатолиенал синдром, интоксиация кучаяди, ҳарорат яна кўтарилади. Ўпкада ўзгаришлар (перкутор товуши буғиқлашуви, қуруқ, нам хириллашларни пайдо бўлиши) касалликнинг 3-4 кунлари кузатилади.

Аденовирусли инфекциялар билан ўсмирлар ва болалар кўп касалланадилар. Ёш болаларда оғир кечади.

ТПК ва эпидемия тошмали тифдан фарқли равища адено-вирусли инфекцияларда иситма даврида интоксиация нисбатан сустрок бўлади ва ўткир респиратор касаллик белгилар намоён бўлади.


Менингококкли инфекция. Иситма билан кечувчи касалликларга менингококкли инфекция ҳам киради. Бу касалликда ҳарорат субфебрилдан то

ўта юқори (42°C) даражагача кўтарилиши мумкин. Ҳарорат чизиги доимий, интермиттирловчи ёки ремиттирловчи типда бўлиши мумкин. Айrim олимлар доимий тип ҳарорат чизигида касаллик нохуш натижадан тугашидан далолат беради дейишса, бошқа олимлар ҳарорат чизигининг касаллик натижасига ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ дейишади. Этиотроп даво бошлангандан 1-3 кундан сўнг ҳарорат меъёрга келади. Айrim холларда яна 1-2 кун субфебрилит давом этиши мумкин (6-расм).

Менингококкли менингитда жуда кучли бош оғриги кузатилади, айrim холларда оғриқ чидаб бўлмайдиган даражада бўлиб, бир неча бор кусиш билан бирга келади.

Бемор ёнбош холатда ётганда боши орқага ташланган, оғи қоринга қараб букилган бўлади. Орқаси билан ётганда ҳам боши орқага ташланган холат хосдир. Менингиал белгилар: энса мушаги таранглиги, Кернига ва Брудзинский белгилари мусбат бўлади. Лейкоцитлар миқдори жуда юқори ($20 \times 10^9/\text{л}$ дан $25 \times 10^9/\text{л}$ гача), нейтрофиллөз кузатилади. Люмбал пункция қилишнинг диагностикада ахамияти катта.

Орқа мия каналида босим юкорилиги, суюқликнинг лойқалиги, йирингилиги, цитознинг юкорилиги (6000-10 000 та хужайра 1 мкл да), нейтрофиллар нисбатининг кўплиги, грамманфий диплококкларнинг топилиши, оқсил микдорини ошиши ($0,45 - 3\text{г/л}$), Панди ва Нонне-Апельт реакциясининг ижобийлиги менингококкли менингитдан далолат беради.



6-расм. Менингитда ҳарорат чизиги

Менингококциемияда иситма одатда интермиттирловчи типда бўлади. Лекин ҳарорат чизиги бир хилда туравермайди, яъни касалликнинг 1-2 кунлари жуда юқори бўлса ($39-41^{\circ}\text{C}$) сўнг доимий, гектик, гохида субфебрил бўлиши мумкин, шок холатда – меъёрда бўлади.

Касалликнинг биринчи кунида ёқ кучли интоксикация белгилари: тери оқариши, қуруқлиги, тил қуруқлиги, чанқаш, иштаха йүқлиги, дармонсизлик кузатилади. Диагностикада аҳамиятли клиник белгиси бу геморрагик тошмалар тошишидир.

Битта касалда майда нұқтали петихиядан тортиб, то катта қон қүйилишларгача бўлиши мумкин.

Менингококкемияни менингит билан бирга келиши этиологияси бошқа бўлган менингитлардан фарқлашга ёрдам беради. Менингококце-мияни грипп, кизамик, скарлатина, қизилча. эпидемик тошмали тиф, геморрагик иситмалар, септицемиялар ва тромбоцитопеник пурпурат, геморрагик васкулитлар билан қиёсий ташхисот ўтказиш керак.

Инфекцион мононуклеоз (ИМ). Инфекцион мононуклеоз – иситма, ютқин шиллик пардалари заарланиши, жигар, талоқнинг, лимфа безларининг катталашуви, гематологик ўзгаришлар ва гетерофил антителаларнинг титрларини ошиши билан кечувчи касалликдир. Одатда касаллик аста секин бошланади. Касалликнинг 2-3 чи кунлари bemорда бир оз лохаслик ва бир оз ҳароратни қўтарилиши билан бошланади.

Иситма 1-2 кундан ҳафтагача бўлиши мумкин. Иситма қисқа давомли бўлса, ҳарорат унча юқори бўлмайди ($37,5-38^0$ С гача), агарда узоқ давомли бўлса - ҳарорат $39-39,5^0$ С гача қўтарилади. $t=40-41^0$ С кам учрайди. Иситмага хос белги бу кундалик ўзгариши ($1-2^0$ С) ва литик тушади.

Инфекцион мононуклёт ташхисоти клиник ва лаборатор маълумотларга асосланади. Асосий клиник белгилари бу: иситма, ангинада, лимфаденопатия, гепатосplenомегалия.

Лаборатор текширув натижалари: ўртача лейкоцитоз, кўпроқ битта ядроли ҳужайралар ҳисобига (лиммоцитлар ва моноцитлар) ҳамда атипик мононуклеозларни қон суртмасида топилиши. Серологик реакциялардан гетерогемаглютинация реакцияларининг ҳар хил модификациялари: реакция Пауля-Буннеля, Гоффа и Бауера, Ловриқна – Вольнера ва ҳ.к.

Токсаплазмоз Токсаплазмоз иситма билан кечувчи паразитар касалликдир. Ортирилган ўткир токсаплазмозда касалликнинг биринчи кунлари тана ҳарорати ($38-40^0$ С), қўтарилса иккинчи хафтасидан субфебрил ёки мейёрда булади. Ўткир токсаплазмоз полиморф клиник кўринишга эга. Лекин кўпинча тифсимон (экзантематоз) ва энцефалитик шакллари учрайди.

Токсаплазмознинг тифсимон шакли иситма, умумитоксикация белгилари билан ўткир бошланади. Касалликнинг 4-7 кунлари бутун танага макулопапулёт тошмалар тошади, лимфа безлар, жигар, талоқ катталашади.

Натижада яхши бўлган холларда 2-3 ҳафта давом этиб, қолдиқ ўзгаришлар қолади (кўпинча кўзда).

Токсаплазмозни энцефалитик шакли ҳам ўткир, иситма билан бошланиб МНС зараланиш белгилари намоён бўлади (энцефалит, менингит). Иситма кучли бош оғриғи, тиришиш, қусиш, галлюцинация, гемиплегия, бош мия нервларининг фалажи, менингеал белгилар кузатилади. Касалликдан тузалган холларда мустаҳкам, қўл-оёқларда паратик бўшашиш ва х.к. Клиник белгилари турлича бўлганлиги сабабли ўткир токсаплазмоз ташхисоти қийинроқ. Лаборатор ташҳисотларда КБР, РПГА, Себин –Фельдман реакцияси қўлланилади. Тери ости синамасини ҳам қўллаш мумкин.

Трихинеллёз. Бу касаллик гельминтозлар гурухига кирувчи касаллик бўлиб, иситма ва аллергик холатлар билан кечувчи касаллиқдир. Касалликнинг биринчи кунидаёқ тана ҳарорати кўтарилади, ахволи ёмонлашади, боши оғрийди, қовоқ, юзлар шишади, эозинофилия кузатилади. Касалликнинг 2-4 чи кунлари бутун клиник белгилари намоён бўлади. Кўпчилик беморларда иситма ремиттировчи характерда бўлиб ўртacha умумий интоксикация ва терлаш билан кечади. Трихинеллёзнинг енгил шаклларида иситма 5-7 кун давом этса, оғир шаклларида 6-8 ҳафта ва ундан ортиқ давом этади. Трихинеллёзнинг асосий белгиси бу- мушакларда оғрик. Касаллик қанча оғир кечса, мушакдаги оғрик (миалгия) шунча кучли, чидаб булмайдиган даражада бўлади ва контрактура кузатилади. Ташхисотда ўша ейилган гўшт маҳсулотлари (беморлар истеъмол қилган) микроскоп остида кўриб, трихинеллёзни топишнинг аҳамияти катта. Лейкоцитоз, эозинофиллар 50-60 ва ҳатто 90% гача ортади. Иммунологик тестлардан: реакция кольцепреципитацияси, КБР, тери ости синамаси қўлланилади.

Сил. Иситма билан кечувчи касалликлар ичида сил касаллиги алоҳида ўрин тутади. Сил касаллигига иситма узоқ вақтгача органик ўзгаришларсиз кечганлиги сабабли ташхисоти қийинроқ бўлади. Иситма интермиттировчи характерга эга бўлиб қалтирашсиз, лекин айрим холда талоқни катталашуви билан кечади. Бундай клиник белгилар сил инфекциясининг гепатоген десиминациясида ва реактивлиги суст бўлган беморларда кузатилади.

Сепсис. Сепсис ташхисотини қўйишида организмда септик ўчоқнинг борлиги, инфекциянинг кириш жойи, ҳароратнинг гектик характери, кучли терлаш, доимий қалтираш, терининг ҳар хил жойларида геморрагик тошмалар (шу билан бирга кўз шиллиқ пардасида Лукин – Либман доги), талоқнинг катталашганлиги, юмшоқлиги, ЭЧТ юқорилиги, нейтрофилли лейкоцитоз эътиборга олинади.

Соматик касалликлар

Иситма амалиётда барча ёмон сифатли ўсмаларда кузатилади. Лекин күпроқ иситма гипернефрома, жигарни бирламчи ва метастатик ўсмаларида ёмон сифатли лимфома, лейкозларда кузатилади.

Ёмон сифатли ўсмаларда, нотұғри типда бўлади ва эрталабки максимал даражага қўтарилади.

Ёмон сифатли ўсмаларда узок давом этувчи иситма касалликнинг ягона белгиси бўлганлиги (бошқа белгилари ҳам намоён бўлмаган) сабабли ташхис қўйиш мураккаб. Ўсмани ташхис қўйишида эндоскопик, органлардан биопсия олиш, лимфография, лапароскопия, диагностик лапаротомияларнинг аҳамияти катта.

Каллогеноз касалликларда (тизимли қизил бўрича, склеродермия, тутунчали периартрит, дерматомиозит) иситма бирламчи клиник белгиси сифатида бирга кечади.

Иситма хусусиятларини кўраётганда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг бошқа ўзига хос бўлган клиник белгиларини ҳам назарда тутиш керак. Ҳаким авваламбор касаллик қайси гурухга киришини (вирусли, бактериал, паразитар ва х.к.) аниқлаб, сўнг хулоса чиқаради.

Мавзу буйича тест саволлари:

1. Тиф-паратиф касаллигига истима турларидан кайсилари күпроқ кузатилади?
 - A. Тўлқинсимон, трапециясимон.
 - B. Гектик, субфебрил
 - C. Ремитирловчи, субфебрил
 - D. Қайталанувчи, гектик

2. Тиф - паратиф касалликларини эрта диагностикаси:
 - A. Гемокультурага қон олиш
 - B. қонни клиник тахлили
 - C. қонни серологик текшируви
 - D. ахлатни бактериологик текшируви

3. Безгакда кома қайси безгак учун хос?
 - A. тропик
 - B. Уч қунли
 - C. тўрт қунли
 - D. Овале

4. Тропик безгак учун хос асорат:

- А. Ўткир буйрак етишмовчилиги
- Б. Пневмония
- В. Ўпка шиши
- Г. Миокардит

5. Безгак учун хос булган ҳарорат эгри чизиги:

- А. Интермиттирловчи
- Б. Ремиттирловчи
- В. Доимий
- Г. Тўлқинсимон

6. Тошмали тифни бошланғич даврида кузатиладиган белгиларни кўрсатинг:

- А. Юқори истима, бош оғриғи, бош айланиши, склераларни қизариши
- Б. Истима, юзларга тошма тошиши, қусиши.
- В. Истима, қорин оғриб қусади
- Г. Истима, қаттиқ бош оғриши, мелсимон тил.

7.Киари-Авцина белгисини курсатинг:

- А. Конъюнктивада тошма бўлиши.
- Б. Томоқ шиллиқ қаватида геморрагик тошма пайдо бўлиши
- В. Бодомча безларини йиринглаши
- Г. Бемор тилини мелсимон холатда бўлиши

8.Тошмали тифда кузатиладиган Говоров-Годелье белгисини кўрсатинг:

- А. Бемор тилини чиқаришда қийналади
- Б. Склерага қон қуйилади
- В. Бемор ютишда қийналади
- Г. Турганда бош айланади.

9.Тошмали тифда тошмага таъриф беринг:

- А. Розелёз-петихиал
- Б. Геморрагик тошма
- В. Везикулёз
- Г. Пустулёз

10. Тошмали тиф авж олган даврда беморни холати:

- А. Юқори истима, безовта, галлюцинация, юзлар қизарған, терида тошмалар.
- Б. Бемор қайта-қайта қусади, менингиал белгилар, атрофға эътиборсиз.
- В. Юқори истима, қорин оғришидан шикоят қиласы, ич үтади ва терида тошма
- Г. Юқори истима, бемор хушсиз, терида тошмалар, буриндан қон келиши.

11. Брилл касаллигига таъриф:

- А. Тошмали тиф үтказғанларда бир-нече йилдан сүнг қайтарилиши;
- Б. Риккетсия провачекни янги штамини пайдо бўлишидан касалликни қайталаниши;
- В. Риккетсия музер чақирған тошмали тиф;
- Г. Тошмали тифни асоратли шакли.

12. Брилл касаллигини клиник кечиши кандай?

- А. Тошмали тифга нисбатан енгил кечади;
- Б. Тошмали тиф клиникасидан фарқ қилмайди;
- В. Тошмали тифга нисбатан оғир кечади;
- Г. Доимо асорат билан кечади.

13. Тошмали тифга хос бўлган клиник белгилар:

А) Юқори истима, тошма. Б) Истима, катарал белгилар, эксикоз. В) Безовталиқ, алаҳсираш. Г) Атрофдагиларга бефарқ.

- А. АВ
- Б. АБ
- В. БГ
- Г. АБГ.

14. Тошмали тифга хос бўлган клиник белгилар қўрсатилганларини аниқланг:

А) Юқори истима, розелёз-петихиал тошма, Киари-Авцина белгиси. Б) Юқори интоксикация, алаҳсираш. В) Қайта-қайта қусиш, тошма, бефарқлик. Г) Говоров-Годелье белгиси, талоқни катталашуви.

- А. АБГ
- Б. АВ
- В. БВГ
- Г. АВГ

15. Тошмали тифни диагностикасида қўлланаладиган усулларни кўрсатинг: А) Клиник, эпидемиологик. Б) Клиник, серологик. В) Эпидемиологик, бактериологик. Г) Вирусологик, ИФА.

- А. АБ.
- Б. АВ
- В. ВГ
- Г. АГ.

16. Тошмали тифни клиник шакллари тўғри кўрсатилган жавобни аниқланг: А) Ўта оғир, гиперпиретик. Б) Субклиник, амбулатор. В) Тарқалган, маҳаллий. Г) Кам учрайдиган, септик.

- А. АБ
- Б. АВ
- В. БГ
- Г. ВГ.

17. Риккетсиозларда қўлланалидиган серологик усулни кўрсатинг:

- А. Вейл-Феликс реакцияси
- Б. Райт реакцияси
- В. Видал реакцияси
- Г. Хеддельсон реакцияси.

18. Брилл касаллигига тўғри таъриф берилган жавобни кўрсатинг: А) Тошмали тифни бир неча йилдан сўнг қайталаниши. Б) Енгил кечиши, интоксикацияни кучли бўлмаслиги. В) Тошмаларни камлиги. Г) Риккетсияларни янги штамлари билан касаллик чақирилиши.

- А. АБВ
- Б. АГ
- В. БВГ
- Г. АБГ

19. Қорин тифида тошмалар асосан қаерда тошади ?

- А. Қоринда ва кўкракда
- Б. Кўкракда
- В. Юзда, бўйинда
- Г. Қўл-оёқларда

20. Қорин тифи учун қандай тил хос әмас?

- А. Бўрсимон
- Б. Қуруқ
- В. Маркази қуюқ қўнғир караш билан қопланган
- Г. Учи ва четлари тоза, қизил

21. Тиф-паратифлар ташхисотида қандай серологик реакция қўлланилади?

- А. Видаль, РПГА
- Б. Паул-Бруннель-Давидсон
- В. Райт, Хеддельсон
- Г. РН, РНГА

22. Қорин тифида «тиф холати» нимани билдиради?

- А. Адинамия, ҳолсизлик, бефарқлик, алаҳсираш, иситма
- Б. Безовталиқ, сергаплик, эйфория, иситма
- В. Эс-хуши жойида, ўқтин-ўқтин тиришишлар
- Г. Қўзғалиш, безовталиқ, гидрофобия

23. Чўпон 1 йил олдин бруцеллёзни ўткир септик шаклини ўтказган. Кўрувда: иситма 37°C , лимфа тугунлар катталашган, тизза бўғимида артрит. Ташхис:

- А. Иккиламчи сурункали бруцеллёз
- Б. Бирламчи сурункали бруцеллёз
- В. Қолдик асоратлар
- Г. Бирламчи латент бруцеллёз

24. Бруцеллёзнинг ўткир септик шаклида кузатилмайдиган белги:

- А. артрит
- Б. юқори ҳарорат
- В. қалтираш
- Г. терлаш
- Д. гепатосplenомегалия

25. Ич терламада қайси белгилар қиёслаганда муҳим?

- а) ўткир бошланиши, юқори ҳарорат, юзнинг қизариши, бош соҳасида оғрик;
- б) аста-секин бошланиши, юқори ва давомли ҳарорат, терининг

оқимтирлиги, баданда розеолали тошма;
 в) ўткир бошланиши, юқори ҳарорат, юз ва қўз қизариши, баданда петехияли тошмалар.

26. Қиёслаганда ич терламага хос периферик қон ўзгариши:

- а) лейкопения, нисбий лимфоцитоз, тромбоцитопения, анэозинофилия;
- б) лейкопения, эозинофилия, нисбий лимфоцитоз;
- в) нейтрофилли лейкоцитоз, моноцитоз, Тюрк ҳужайраси;
- г) лейкопения, нисбий лимфоцитоз, тромбоцитопения, анизопойкилоцитоз.

27. Қиёслаганда ич терлама учун хос белгилар:

- а) умумий лохаслик, бош айланиши, тери оқимтирлиги, нисбий брадикардия, Падалка симптоми, кафт ва товон сарғайиши;
- б) умумий лохаслик, терининг рангсизланиши, тахикардия, тана ҳароратининг тушиши, қон босими пасайиши;
- в) ўткир бошланиши, юқори ҳарорат, кўплаб ич кетиши, розеолали тошма;
- г) Истима, ич ўтиш, қорин оғриши, сувсизланиш белгиси, тутқаноқ

28. Қиёслаганда ич терламага хос белгилар:

- а) тана ҳарорати юқори, тахикардия, ЭЧТ ошиши, нафас қисиши;
- б) юқори ҳарорат, қалтираш, терлаш, қонда эозинофиллар бўлиши;
- в) юқори ҳарорат, брадикардия, ЭЧТ нисбатан ошган, анэозинофилия;
- г) юқори ҳарорат, терлаш, кучли қалтираш, тахикардия, нейтрофилёз.

29. Қиёслаганда ич терлама учун хос белгилар:

- а) ўткир бошланиши, юқори ҳарорат, юз қизариши, склералар қон томирлари бўртиши, касалликнинг 4-5 кунида розеолёз петехиал тошма;
- б) нисбатан аста-секин бошланиш, юқори ҳарорат, юзниң оқимтири тусда бўлиши, касалликнинг 7-8 кунида розеолёз тошмалар тошиши;
- в) ўткир бошланиш, юқори ҳарорат, юз қизариши, касалликнинг 2-3 кунида геморрагик тошмалар тошиши;
- г) ўткир бошланиш, юқори ҳарорат, касалликнинг 4-5 кунидан бутун танада макуло-папулёзли тошма тошиши;
- д) ўткир бошланиш, юқори ҳарорат, юз қизариши, конъюктивит, кичик доғли тошма тошиши.

30. Қиёслаганда ич терлама учун хос белгилар:

- а) ўткир бошланиш, 2-5 кун давом этадиган юқори иситма, юз қизариши, пешона соҳасида оғриқ;
- б) аста-секин бошланиш, тана ҳарорати юқори ва давомли иситма, юз нинг оқимтири тулага кириши, бошнинг бутун қисмиде оғриқ;
- в) аста-секин бошланиш, тана ҳарорати юқори ва давомли, кўп терлаш, маҳаллий лимфа тугуларининг катталашуви.

Тугри жавоблар хаммасида А вариант

Мавзуу бўйича вазиятли масалалар

1-вазият

12 ёшли бола, юқумли касалхонага бош оғриши, юқори $38,5-40^{\circ}\text{C}$ гача иситмалаш, қоринда оғриқ, қусиш билан келди. 7 кундан бери касал. Касаллик аста-секин ҳолсизлик, йўтал, бош оғриши билан бошланган, 2 кундан кейин қорни оғриган. Ҳарорат $37,5-38^{\circ}\text{C}$; кейин $39-40^{\circ}\text{C}$ га чиққан. Келганда аҳволи жуда оғир, ҳарорати 40°C , териси оқарган, қорнида сийрак, розеолёз тошмалар бор. Лаблари, териси қуруқ, тиш излари бор. Юрак тонлари бўғик, қорининг ўнг чов соҳасида перкутор товуш тўмтоқлашган. Томоғида қизариш, пульс 90 та, дикротия бор. Жигар ва талоғи шишган. Ичи қотиб қолган. Менингиал белгилар йўқ.

- А. Бирламчи ташхис.
- Б. Ҳарорат эгри чизиги хусусиятлари.
- В. Текширув ва даво режаси.
- Г. Қиёсий ташхис.

2-вазият.

3 ёшли бола, касаллик ўткир $38,2^{\circ}\text{C}$ гача иситмалаш билан бошланган. Эртасига ҳарорати $39,5^{\circ}\text{C}$ га чиққан, бурундан нафас олиш қийинлашган. Сутка давомида ҳарорати $1-2^{\circ}\text{C}$ га чиқиб, тушиб турган. Бодомча безлари қизарган, шишган, сарғиш караш билан қопланган. Жигари 2-3 см, талоғи 1 смга катталашган. Тери субиктерик. Қонда лимфоцитоз, моноцитоз.

- А. Бирламчи ташхис.
- Б. Ҳарорат эгри чизиги хусусиятлари.
- В. Текширув режаси.
- Г. Қиёсий ташхис.

3-вазият.

6 ёшли бола, касалликнинг 2 чи куни, касалхонага иситмалаш, бош оғриғи, инжиқлик шикоятлари билан келган. Мактабда бир неча болада истмалаш кузатилган. Кечкурун иссиғи 39°C гача қўтарилиб кетган, боши, кўз соққалари оғриган. Бурни битган, йўталган. Аҳволи оғир, иссиғи 39,3°C, юзи қизарган, керкиган. Кўзлари қизарган, склерада томирлар инъекцияси бор. Пульс 120 та, юрак тонлари бўғик, ўпкада дагал товушлар. Лаблари қуруқ. Қорни юмшоқ, оғриқсиз. Жигар, талоғи шишмаган. Менингеал белгилар йўқ.

- А. Бирламчи ташхис.
- Б. Ҳарорат эгри чизиги хусусиятлари.
- В. Текширув ва даво режаси.
- Г. Қиёсий ташхис.

4-вазият

Бемор В., 10 ёш, шифохонага касалликнинг 7-чи куни бош оғриши, бехоллик, иштаҳани пасайиши, истимага шикоят қилиб келди. Касаллик тана ҳароратини қўтарилиши ва бош оғриши билан бошланган, бир ҳафта давомида заҳарланиш симптомлари ошиб борган. Кўрувда: тана ҳарорати 39°C, bemor бўшашган тормозланган, мулоқотга киришмаяпти, пульс 76 та, брадикардия, АБ 90/50 мм с.у. Қорин дам. Падалка симптоми мусбат, жигар қобирга ёйидан 1,5 см чиқиб турибди, ўрта қаттиқликда. Ичи қотган.

- Савол: 1. Қандай касаллик ҳакида ўйлаш керак.
- 2. Зарур бўлган лаборатор текширувлар.

5- вазият

Бемор 14 ёш, ўткир касалланди - истима, бош оғриши, бехоллик, истима қўтарилиши (доимий эмас), қалтираш билан кечади. Анамнездан уйида моллари бор, қайнатилмаган сутни ичади. Кўрувда - териси нам, тоза, ҳамма гурухдаги периферик лимфа тугунлари катталашган, оғриқсиз, пульс 60 та 1 минутда, юрак тонлари бўғик, ўпкада везикуляр нафас, тили оқ караш билан қопланган, қорин юмшоқ, бироз дам. Жигари 1,5 см, талоқ 0,5 см, ич келиши ва сийиши нормада.

- Сизнинг ташхисингиз.
- Қайси касаллик билан солиштириш керак.

III БОБ

ДИАРЕЯ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧУВЧИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ВА ҚІЁСИЙ ДИАГНОСТИКАСИ

3.1. ДИАРЕЯ СИНДРОМИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Диарея деб, нажаснинг суюқ қисмини, ҳажмини, ич келиш сонининг кўпайиши кўринишидаги меъёрий хусусиятларининг ўзгариши тушунилади. Нажас консистенциясининг ўзгариши, ҳамда суткасига 3 ва ундан кўп мартаға ич кетиши эпидемиологик текширувлар ўтказилганда кўпинча диареяни аниқлаш сифатида қўлланилади. Диареялар келиб чиқиш сабаби бўйича инфекцион ва ноинфекцион бўлади.

Инфекцион диарея – бу инфекцион сабаблар билан асосланган бўлиб, кўпинча кўнгил айниши, қайт қилиш, қориндаги ҳуржсимон оғриқлар билан кечадиган диареялардир, келтириб чиқарувчи этиологик омиллари бактериялар, вируслар, паразитлар бўлиши мумкин (3.1 жадвал).

Касалликни кечишини давомийлигига қараб:

Ўткир диарея – диареянинг 14 кунгача давом этадиган туридир.

Қайталанувчи диарея – 14 кундан ортиқ кунгача давом этадиган диареядир. Бунга қарамасдан, ҳозирги тавсияларда қайталанувчи диарея таснифланмайди, айрим мутахассислар сурункали – 30 кундан ортиқ кун давом этадиган диарея тушунчасини фарқлайди.

Диареяни келиб чиқишига қараб (патогенетик) 4 турдаги диареялар маълум, уларнинг асосида турли патогенетик механизмлар ётади. Ичакнинг ҳар бир касаллигига у ёки бу диареялар тури, баъзан уларнинг биргаликда учраши хос.

- ✓ Секретор диарея;
- ✓ Гиперэксудатив диарея;
- ✓ Гиперосмоляр диарея;
- ✓ Гипер– ва гипокинетик диарея.

Секретор диарея. Унинг асосида ичак бушлиғида натрий ва сувнинг секрецияси кучайиши ётади. Кам холларда эса ичакнинг сўрилиш хусусиятининг сусайиши билан асосланади. Секретор диареяга вабодаги диареяни мисол қилиш мумкин. Экзотоксин (“холероген”) энтероцитлар рецептор қисмлари орқали киради ва аденилатцилазани фаоллаштиради, у эса циклик 3’–5’–аденозин–монофосфат (ЦАМФ) синтезини кучайтиради. Бу энтероцитлар томонидан сув ва электролитлар ичакда секрециясининг кучайишига олиб келади доимий нисбатда: 1 литр нажасда 5 г натрий хлорид, 4

г натрий гидрокарбонат ва 1 г калий хлорид.

АМФ синтезини стимуляция қиласынан простагландинларнинг ҳам ахамияты катта. Вабодан ташқари, секретор бошқа ичак инфекцияларида ҳам кузатилади – сальмонеллёзда, эшерихиозда, клебсиеллёзларда. Бирок у бошқа ноинфекцион касалликларда ҳам учрайди – терминал илеитда, постхолецистэктомик синдромда, ошқозон ости бези заарланишида (панкреатик вабо), түғри ичак ворсинкали аденонасида, булардан ташқари эркин ва узун занжирли ёғ кислоталари, секретин, серотонин, кальцитонин ва юқориактив пептидларни кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши таъсирида кузатилади.

Секретор диареяда нажас массалари осмотик босими қон плазмаси осмотик босимидан паст. Бемор нажаси сувсимон, кўп миқдорда, яшилсимон рангда.

Гиперэксудатив диарея. Бунинг асосида ичак бўшлиғига қон плазмаси, шиллиқ ва зардоб оқсилларини чиқиши ётади. Бу турдаги диарея ичакдаги яллиғланиш жараёнларида кузатилиб, шигеллёзда, кампилобактериозда, сальмонеллёзда, клостридиозда кузатилади. Бирок, гиперэксудатив диарея ноинфекцион bemорларда, яъни носпецифик язвали колитда, Крон касаллигига, лимфомада ва ичак карциномасида ҳам учрайди. Нажас массалари осмотик босими қон плазмаси осмотик босимидан юқори. Бемор нажаси суюқ, шиллиқ, қон ва йиринг аралаш.

Гиперосмоляр диарея. Бу кўпинча малъабсорбция синдромида кузатилади – яъни моддалар алмашинуви бузилиши ва ингичка ичакда бир ёки бир неча озиқ моддаларининг сўрилиши бузилиши демакдир. Малъабсорбция синдроми асосида яна нафақат ичак шиллиқ қавати морфологик ўзгаришлари, балки ичак моторикаси ва транспорт механизмлари, фермент системаси функционал бузилишлари ҳамда дисбактериоз ётади. Гиперосмоляр диарея ич сурги воситаларини нотуғри ва кўп миқдорда қабул қилганида кузатилади.

Нажас массалари осмотик босими қон плазмаси осмотик босимидан юқори. Бемор нажаси кўп миқдорда, суюқ, яхши ҳазм бўлмаган овқат қолдиқлари билан.

Гипер – ва гипокинетик диарея. У ичак бўшлиғидаги моддаларни транзити бузилиши оқибатида юзага келади. Унинг асосида ичак моторикасини ошиши ёки пасайиши ётади. У кўпинча ичак таъсиrlаниш синдроми бўлган bemорларда, неврозларда ва ич сурги дорилари ва антацидларни нотуғри қўлланилганида кузатилади.

Нажас массалари осмотик босими қон плазмаси осмотик босимига түғри

келади. Бемор нажаси суюқ, бўтқасимон ва кам миқдорда.

Шундай қилиб, гипер - ва гипокинетик тип диарея фақат ноинфекцион bemорларда учрайди. Диарея билан касалланган bemорларга ташхис қўйишида:

- Беморнинг ёши;

- юкумли диарея билан касалланган bemорлар билан мулоқот;

- Истеъмол қилинган озуқа маҳсулотларини, диетанинг бузилиши билан эҳтимолий боғлиқлик;

- Ёндош ва мазкур касалликни чақирадиган инфекция ўчоқларининг мавжудлиги;

- Диарея ривожланишини чақирадиган химио - ва антибактериал даво;

- Нажас характери (кўп миқдорда ёки кам миқдорда, нажасли ёки йўқ, сувли, овқатнинг ҳазм бўлмаган қисмлари сақлаши; ранг, патологик аралашмалар мавжудлиги - шиллиқ, йиринг, қон қуйқалари);

- Интоксикация белгиларининг (ҳарорат, кўнгил айниш ва қайт қилиш) намоён бўлиши ва давомийлиги;

- токсикоз хусусияти;

- эксикоз хусусияти.

3.1-жадвал.

Инфекцион диареяларнинг этиологик омиллари

Бактериялар	Вируслар	Содда ҳайвонлар
Сальмонеллалар	Ротавируслар	Дизентерия амебаси
Шигеллалар	Норфолк вирус ва	Лямблиялар
Кампилобактер	Аденовируслар	Криптоспоридиялар
Клостридиялар	Астровируслар	Изоспоралар
Энтеропатоген штаммлар	Бреда вируси	
ичак таёқчаси	Калицивируслар	
Иерсиниялар	"Оппортунистик" вируслар:	
Микобактериялар	- цитомегаловирус	
Гонококклар	- оддий герпеса вируси	
Хламидиялар		

3.2-жадвал.

Диареяларнинг таснифи

Диарея турлари	Диагностика мезонлари	Оғирлиги бўйича	Мухим клиник синдромлар
Инвазив (бактериал)	Патологик араламали (шиллик, йиринг, қон) суюқ нажас		
Секретор (сувли)	Патологик аралашмаларсиз суюқ, кўп микдордаги нажас		1.Бирламчи токсикоз (нейротоксикоз) 2.Токсикоз ва эксикоз билан I, II, III даража
Чўзилган	Патологик аралашмали давомли диарея лар (2 хафтадан кўп)	Енгил Ўрта оғир Оғир	3. Инфекцион-токсик шок 4. токсик-дистрофик синдром
Сурункали энзимассоциялашган	Сувли тўхтовсиз, копограммада яллигланиш белгиларсиз, озуқа ингредиентлари билан ассоциациялашган нажас		5. Гемолитик-уремик синдром

Диарея белгилари билан мурожаат қилган bemorda биринчи навбатда диарея ошқозон-ичак тизимини қайси қисми (ошқозон, ингичка ичак ёки йўғон ичак) заарланиши ҳисобига юзага келганлигини аниқлаши ташхис қўйишини осонлаштиради. Даволовчи шифокорлар биринчи ўринда уларни бир-биридан фарқлай билишлари катта аҳамиятга эга (3.2- жадвал).

Ўткир гастрит белгилари. Касаллик ўткир бошланиб эпигастрал соҳада оғриқ кузатилади. Оғриққа кўшилиб кўнгил айниши ва қайт қилиш бўлади. Қайт қилгандан сўнг bemor ахволи бироз енгиллашади, оғир ҳолларда қайт қилиш ҳар бир суюқлиқ ичгандан сўнг кучаяди. Беморни пальпация қилиб курилганда эпигастрал соҳада оғриқ кучли бўлади, қорин мушаклари таранглашиши мумкин. Бундай ҳолларда ошқозон ости бези касалликлари

үткир панкреатит ва ошқозон ости бези некрозини инкор этиш керак бўлади.

Ўткир энтерит белгилари. Касаллик қоринда ғулдирашлар ва перистальтиканинг кучайиши билан намоён бўлади. Ғулдирашлар бир неча масофадан эшитилиши мумкин. Қоринда киндик соҳасида ёки ҳамма ерда кучсиз оғриқ, ичнинг суюқ, кўп микдорда кетиши, ич келишидан олдин қоринда ёқимсиз оғриқ сезилади. Нажасида ҳазм бўлмаган овқат бўлакчалари бўлади. Бу ингичка ичакда ферментлар фаолияти бузилганлигидан далолат беради. Нажас ранги тиник, тилларанг - сариқ ёки кўкимтири бўлиши мумкин, бу ичак перистальтикасининг кучайганлигига ва ўзгармай қолган ўт кислоталарининг микдорига боғлиқ бўлади.

Оғир кечган энтеритларда нажас характери лойқароқ, оқимтири - ялтироқ қўйқалар ва ноаниқ шаклли доначалар борлиги билан фарқланади. Агар нажасни бирорта идишга қўйиб қўйилса, чўқмалар ҳосил бўлади. Қорин пальпация қилинганда ғулдираш, ингичка ва йуғон ичаклар бўйлаб товуш эшитилади, ингичка ичакда инфильтрация бўлмайди. Энтерит синдроми билан кечадиган касалликлар (вабо, сальмонеллёз, эшерихиоз ва бошқалар)га кўпроқ сувсизланш белгилари хосдир.

Ўткир колит белгилари. Бу белгилар кўпинча қориннинг пастки ва ўнг биқин соҳасида ҳуружли оғриқлар, ёлғон чақириқлар, тенезм, нажас келгандан сўнг ичакни тўлиқ бўшалмаганлигини эслатувчи клиник белгилар билан фарқланади. Колит синдроми билан кечган беморлар нажаси бир ҳил кўринишдаги ёки бўтқасимон ёки яrim суюқ холатда бўлиб, ичида патологик ўзгаришлар - шиллиқ, қон, йиринг бўлиши билан фарқланади. Колит оғир кечишида ҳар бир ич кетишидан сўнг нажас микдори камайиб, ахлатлик ҳолатини йуқотади. Йўғон ичакнинг пастки қисмларида геморрагик ўзгаришлар кузатилса, нажасда факат шиллиқ ва қон бўлиб, худди “ичак туфуги” ни эслатади. Агар қон қуйилиши ва некролар йўғон ичакнинг бошланғич қисмида бўлса, нажасдаги шиллиқ бир текисда қизил ёки қизғиши - қунғир рангда бўлади (малина желеси). Касалликнинг ўткир босқичида шиллиқ аралашмаган тоза йиринг ҳеч қачон кузатилмайди. Йиринг кўпинча касалликнинг реконвалесценция даврида хали тўлиқ тузалмаган йўғон ичакнинг қуви ва сигмасимон қисмидаги шамоллашлар ёки яралар ҳисобига бўлиб нажаснинг охирги бўлаклари ёки тўлиқ шаклланган нажаснинг юза қисмида бўлади.

3.3-жадвал.

Ингичка ва йўғон ичак диареяларининг фарқлари

Клиник белгилари	Ингичка ичак	Йўғон ичак
Тез-тез дефекация	Нормал ёки бироз кўпайган	Кўпайган
Нажас хажми	Ошган	Кам миқдорда
Доимий тенезмлар	Кузатилмайди	Одатда бўлади
Фекалияларда қон	Қора қон (ҳазмланган)	Қизил қон
Шиллиқ	Одатда бўлмайди	Кўп миқдорда
стеаторрея	Бўлиши мумкин	бўлмайди
Иштаҳа	Нормал ёки ошган	Нормал ёки камайган

3.2. ГАСТРИТ ВА ГАСТРОЭНТЕРИТ БЕЛГИЛАРИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Юқумли касалликларда диарея белгиларини таққослашда касаллик ошқозон-ичак системасининг қайси қисми заарланганлигига боғлиқ бўлади ва уларда ўзига хос фарқли белгилар бўлади. Бу касалликнинг юқиши йўли (офиз - нажас орқали), қўзғатувчининг заҳарлилик даражаси, уларни ошқозон-ичак фаолиятининг айrim ерларига таъсирчанлиги, ичаклардаги сўрилиш ва ферментлар фаолиятига макроорганизмнинг анатомик-физиологик холати (болалар ва катталар)га, беморнинг иммунологик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Сальмонеллёз. Сальмонеллёз, гастроинтестинал шакли, гастроэнтерит тури 75% ҳолларда қисқа (12-24 соат) яширин даврдан сўнг бошланади. Касаллик ўткир бошланиб, интоксикация белгилари (холсизлик, бош оғриши, юқори тана ҳарорати 38-40°C) кузатилади. Деярли бир вақтда гастроэнтерит белгилари эпигастрал соҳада ёки киндик атрофида оғриқ, кўнгил айниши, кўп марта қайт қилиш, ичнинг қўланса хидли, кўп миқдорда сувдек тенезм ва ёлғон чақириқларсиз келиши намоён бўлади. Ич кетиши ва қайт қилганидан сўнг беморнинг аҳволи бир оз енгиллашади. Касалликда нажаснинг ранги қўкимтир “ботқоқ қуйқасига» ўхшаш келиши ўзига хос хусусиятга эгадир. Касаллик белгиларининг кучлилиги ва давомийлиги унинг кечиш оғирлигига боғлиқ бўлади. Сальмонеллёз енгил кечганда субфебрил тана ҳарорати, бир маротаба қайт қилиш, ичнинг 5-6 маротаба кетиши кузатилади, Касаллик ўртacha оғирликда кечганда тана ҳарорати 38-39°C, кўп марта қайт қилиш, ичнинг 10 мартағача кетиши, сувсизланишнинг I - II даражаси белгилари бўлиши мумкин. Сальмонеллёз оғир кечганда кучли интоксикация белгилари, сув ва туз

алмашинишини бузулиш белгилари (сувсизланишнинг II–III даражаси), ўткир буйрак етишмовчилиги белгилари бўлиши мумкин.

Сальманеллёз касаллигини клиник кечишини даврлар бўйича кўриб чиқамиз. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 1-2 қунгача. Хасталик одатда ўткир бошланади. У енгил, ўртача оғирликда ва оғир турда кечиши мумкин. Нимжон, чала туғилган, сунъий овқатланадиган болаларда, кекса ёшдагиларда сальмонеллёз кўпинча оғир ўтади ва узоқ вақт давом этиши мумкин.

Сальмонеллёз овқат воситасида юқсан холларда касаллик овқатдан захарланиш — токсикоинфекция кўринишида намоён бўлади. Касаллик енгил кечганида bemорнинг умумий аҳволи кам ўзгаради. Тана ҳарорати деярли кўтарилилмайди. Қоринда бироз оғриқ бўлади, ич бузилиб, кунига 3-5 марта сувдек кетади. Оғиррок холларда интоксикация ва диарея синдромига хос аломатлар яққол ифодаланади. Умумий лоҳаслик, иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, тана ҳароратининг кўтарилиши интоксикация аломатлари ҳисобланади. Ҳарорат 38-39°C гача, оғир холларда — 40°C гача кўтарилади.


Сальмонеллёзда диарея синдроми ўткир гастроэнтерит, хатто гастроэнгероколит аломатлари билан намоён бўлади. Қисқа муддатли умумий аломатлардан сўнг қусиш бошланади. У одатда бир неча марта такрорланади. Одатда бироз кейинроқ ич суриши қўшилади. Аввал ич суюқ холда тез-тез келади, нажас ўзгармайди. 3-4 мартадан сўнг ич сувдек бўлиб, кўп миқдорда кета бошлайди. Унда шиллиқ, баъзан қон аралашган бўлади. Баъзан ич суюқ келса ҳам, унчалик кўп миқдорда бўлмайди. Ахлат кўкимтири тусда бўлади. Қорин туриб-туриб "мижиглаб" оғрийди. Ичбуруғдагига ўхшаб, тинимсиз қатнаш салмонеллёзда кам учрайди.

Касаллик оғир кечган холларда организмда сувсизланиш (дегидратация) рўй беради. У қўпроқ болаларда учрайди. Одатда, салмонеллёзда дегидратация II-III даражагача боради. Жуда оғир кечганидагнна, дегидратация VI даражага бориб, гиповолемик шок рўй бериши мумкин.

Беморни кўздан кечирганда, кўпинча юз ва тана териси оқарган бўлади. Пайпаслаб кўрганда, тери қуруқшаб қолган, эластиклиги йўқолгани аниқланади. Томир уриши тана ҳароратига монанд равишида тезлашади, таранглиги пасаяди. Қон босими тушади. Юрак тонлари бўғик бўлади. Оғиррок холларда болдир мушакларида тиришиш кузатилади. Бемор кўп чанқайди. Тили қуриб қолади, караш билан қопланади.

Қорин баъзида бироз қопчиган бўлади. Пайпаслаб кўрганда қоринда туташ оғриқ сезилади. Айниқса, киндик атрофига оғриқ кучли бўлади. Баъзан жигар

катталашгани аниқланади.



7-расм. Бирламчи нейротоксикоз, құзғалиш фазасы, талvasа олди даври

Даволаш эрта бошланиб, түғри олиб борилса, 2-3 кунда беморнинг аҳволи яхшиланади. Қусиши, ич суриши түхтайди. Нажас аввал бүтқасимон бўлиб, кейин нормал холга келади. Иштаха тикланади. 5-6 кунда қувват киради. Сальмонеллёз билан оғриган беморлар шифохонада ўрта ҳисобда 7-8 кун ётади. Баъзи беморларда тузалганидан сўнг бактерия ташувчилик холати кузатилади. У қисқа муддат ва сурункали бўлиши мумкин.

Диагностикаси. Касаллик ташхисини қўйишида анамнез, айниқса, эпидемиологик анамнезини эътиборга олиш лозим. Авж олиш рўй берганида, бир хил таом еган одамлар касалланиб, айримларидан бактериологик текшириш натижасида сальмонеллалар топилса, бошқаларига ҳам сальмонеллёз ташхисини қўйиш мумкин.

Қоннинг умумий тахлилида лейкоцитоз, нейтрофилёз, баъзан ЭЧТ ортгани аниқлатади, оғирроқ холларда сийдикда оқсил аралашган бўлади.

Бактериологик текширишлар натижаси муҳим аҳамиятга эга. Бемордан стерилланган идишга олинган қусуқ массасида, меъдани чайилган сувда ёки овқат қолдиқларида сальмонеллаларни топиш мумкин. Нажасдан экма олиб, Мюллер муҳитига экилганида ҳам касаллик қўзғатувчилари аниқланади. Тана ҳарорати юқори бўлган холларда қонни сафроли суюқликка экиб, гемокультура олиш мумкин.

Касалликнинг 4-5 кунидан бошлаб ПГАР қўйиб, серологик реакция воситасида танадаги антителолар аниқланади. 5-6 кундан сўнг текшириш қайтарилса, реакция титри ортгани маълум бўлади.

Сальмонеллөз ҳамда бошқа ичкетар касалликларни, баъзан клиник жиҳатдан вабодан фарқлаш мураккаб бўлгани туфайли май-октябрь ойларида ичи бузилиб, шифохонага ётқизилган хар бир бемор нажаси, ичак гурухи микробларидан ташқари, бир марта вабо вибрионига ҳам текширилади.

3.5-жадвал.

Дегидратация шаклларнинг клиник белгилари

	Гипертоник	Изотоник	Гипотоник
Нерв системаси	Умумий безовталиқ, қўзғалувчанлик, кучли чанқаш	Холсизлик уйқувчанлик	Сопор, кома, талваса
Тананинг тана ҳарорати	гипертермия	субфебрил	Нормал, гипертермияга мойил
Шиллиқ қавати	Қуруқшаган	Қуруқ	Айрим холларда шиллиқли
Мушаклар	ўзгаришсиз	Юмшоқ, хамирсимон	Тонуси паст, мушакларни учиб туриши
АКБ	узоқ вақт давомида нормал	Пасайиши ёки кўтарилиши	Паст
Нафаси	Гипервентиляция, тўсатдан нафас тўхташи	ўзгаришсиз	Секинлашган нафас, ўпкада – нам хириллашлар
ОИТ	Кўпинча, суюқ ич келиш, айрим холларда қайт қилиш	Иштача йўқолиши, айрим холларда қайт қилиш. Ичи шиллиқли	Айрим холларада қайт қилиш кофе қўйқасимон, суюқ сувли ич келиши, ичак парези
Диурез	Нормал	камайган	Камайган
Пешобнинг нисбий зичлиги	Бошида 1,001-1,018, кейинчалик 1,025-1,035	Нормал ёки бироз кўтарилиши	Бошида юқори (1,025), сўнгра 1,010 ва паст
Беморнинг ўлимига олиб келувчи сабаблари	осмотик босимининг кескин кўтарилиши, ҳужайра ичи ферментларнинг блокадаси	Қон айланиши этишмовчилиги	Қон айланиши этишмовчилиги

Овкат токсикоинфекцияси. Касаллик шартли патоген ва патоген микроблар ва уларнинг токсинлари тушган овқатларни истеъмол қилинганидан сўнг бошланади. Кўпроқ стафилококк этиологияли овқатдан заҳарланиш турлари учрайди. Бунда касалликнинг яширин даври қисқа (1-3 соатли) бўлиб, кучли гастрит ва токсикоз белгилари билан бошланади. Ич кетиши деярли ҳар вақт ҳам бўлавермайди. Қисқа муддатли ич кетиши (1-5 мартағача) ва нажасда

патологик аралашмалар бўлмаслиги билан фарқланади. Бемор аҳволи яхшиланиши билан ич кетиши ҳам тўхтайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, агар овқатдан заҳарланиш ошқозон ичак фаолиятида қўпинча касалликлари (ошқозон-ичак яраси, ҳавфли ўсмалар, полиплар) бор одамларда учраса, асосий касаллик белгилари кучайиб, ичакдан қон кетиши, интоксиация белгиларининг кучайиши, овқатдан заҳарланишга хос бўлмаган белгилар (ичнинг қорайиб келиши, анемия белгиларининг кучайиши, қорин чарви пардасининг яллиғланиш белгилари ва ҳоказо) кузатилиши мумкин.

Овқатдан заҳарланишнинг шартли-патоген микрофлоралар (цитобактерия, клебсиелла, протейлар, ичак таёқчалари, клостридийлар ва бошқалар) келтириб чиқарган шаклида полиморф этиологияли бўлганлигидан қатъий назар, касаллик бир оз енгил ва ўртача даражадаги заҳарланиш белгилари билан кечади.

Бунда гастрит белгилари устунлилик қиласи ва узокроқ вақт давом этади. Касаллик эпигастрал соҳада нохушлик ва умумий ноқулайлик билан бошланиб, 1-2 соат ўтгач қориннинг юқори қисмида кучсиз оғриқ, кўнгил айниши, қайт қилиш билан фарқланади. Бир вақтда ёки 1-1,5 соат ўтгач ичнинг суюқ келиши, қоринда ғулдирашлар, қоринда хуружли оғриқ бўлиб, у қориннинг юқори қисмидан пастга қараб ҳаракатланади ва ич кетиши билан тугайди. Нажас касаллик бошланишида қўланса ҳидли, кўп миқдорда бўлиб, касаллик оғир кечганда сувдек бўлади, эт увишиши касаллик бошланишида 4-5 соат бўлиб, кейинчалик юқори тана ҳарорати билан алмашади.

Оғир холатларда (айниқса ёш болаларда) интоксиация ва сувсизланиш белгилари кучли бўлиб, тери оқарган, бош айланиши, шиллиқ қаватлар қуруклашиши, тахикардия, қон босимининг пасайиши, хушдан кетиш холати, мушакларда тиришишлар, овознинг хириллаши, коллапс, олигурия кузатилади (7-расм).

Овқатдан заҳарланишга ташхис кўйишда кўпроқ сальмонеллёз гастроэнтеритига ичбуруғ гастроэнтероколит шаклларининг клиник белгиларини ўхшашибни бир оз қийинчилик тутдиради. Ташхис кўйишда маҳсус текширув усуллари муҳим аҳамиятга эга. Бактериологик текшириш учун маҳсус моддалар ёки ошқозон чайнди суви, нажас, касалликка сабаб бўлган овқат колдиқлари олинади. Касаллик қўзғатувчилари одамлар ичагида ва ташки мухитда кўпроқ учрагани учун қуйидаги холларда бактериологик текширув ижобий натижа беради деб, ҳисоблаш мумкин: касаллик қўзғатувчиси нажасда ва қусук моддаларида кўп миқдорда учраши; нажасда ва

шубҳа қилинаётган овқат махсулотларида бир ҳил микроблар топилиши; оммавий захарланғанлардан бир ҳил турдаги микроблар топилиши; аутоштаммлар билан бир ҳил серологик реакциялар туғри келганды ташхис тасдиқланади.

3.3. ЭНТЕРИТ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Вабо. Ўта ҳавфли касалликлар эпидемиясига қарши чора-тадбирлар яхши күрилған бўлса ҳам, хозирда вабо касаллигига анча хушёр бўлишни талаб килади. Вабонинг бошланғич даврига интоксикация белгилари ва қоринда оғриқ бўлиши хос эмас. Касалликнинг биринчи белгилари энтерит белгилари бўлиб, ичнинг сувдек кўп миқдорда кетиши, нажаснинг ранги “туруч ювиндиси” га ўхшаб, у ҳидсиз бўлиши кузатилади. Касаллик оғирлашган сари, қайт қилиш (гастроэнтерит) кузатилади. Тезда сувсизланиш, туз ва сув алмашинувини бузулиши белгилари ривожланади. Вабода ич 3-5 маротаба кетса ҳам миқдори кўп бўлганлиги учун тезда сувсизланиш бўлади. Сувсизланиш даражаси тезда кучайиб, гиповолемик караҳтликка ва мушаклар тиришишига олиб келади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, агарда беморларда ошқозон ичак фаолиятида қўшимча касалликлар бўлса (геморрой, ичакларда яра, полиплар), касаллик қоринда оғриқ, тенезмлар билан кечиши мумкин. Бундай ҳолларда касаллик белгиларини бошланиши, кечиши ва қўшимча лаборатория текширув усуслариға қараб касалликка ташхис қўйиш керак. Вабонинг енгил кечиши белгилари ва бошқа юқумли ичак касалликларига аник, ташхис қўйиш учун бактериологик ва серологик текширувларга асосланиш керак.

Касалликни кечиши бўйича клиникасини қўриб чикадиган бўлсак, вабо вибриони одам организмига оғиз орқали тушгач, меъданинг кислотали муҳити унга асосий тўсиқ ҳисобланади. Шу сабабли вабо меъдасида сурункали яллигланиши бўлган, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиласидиган, яхши овқатланмайдиган одамларда осон келиб чиқади. Меъдадан ўтиб олган вибрионлар ингичка ичакда қулай шароит топади ва тез кўпаяди.


Касалликнинг яширин даври беш кунгача. У турли оғирликда намоён бўлиши мумкин. Вабо касаллигани кўпинча ичак гурухи микроблари қўзғатган ичкетар касаллигидан фарқлаш қийин. Хасталик кўп холларда енгил ва ўртacha оғирликда кечади. Баъзан оғир кечадиган, зудлик билан тез ёрдам кўрсатилмаган холларда биринчи куннинг ўзидаёқ гиповолемик шок оқибатида

ўлим билан тугайдиган холлари ҳам учраб туради.

Одатда касаллик тўсатдан, дарак берувчи аломатларсиз бошланади. Лекин Эль-Тор вабосида 20-30% беморларда касалликка хос белгилар намоён бўлишидан олдин, бир неча соатдан бир кеча-кундузгача хасталикнинг продромал даври белгилари: тана гоҳ совиб (увишиб), гоҳ қизиши рўй бериб, тана ҳарорати $37-38^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Бундай холларни bemорлар оёқ устида ўтказадилар.

Хасталикнинг бу турида продрамал белгилар билан бошланиши эътиборни жалб қилмайди, лекин эпидемиологик жиҳатдан ўта ҳавфлидир, айниқса касалликнинг бу турда бошланиши савдо ва озиқ-овқат муассасаларида ҳизмат қилувчи шахслар ўртасида бўлганида аҳвол янада мушкуллашади.

Одатда, вабо касаллиги bemор ҳожатга бориб, "сабабсиз" ичи суриб, оёқ-қўлларида дармон камайиши билан бошланади. Қисқа вақт ўтар-ўтмас (2-4 соатда) ҳожатга қатнаш 4-5 марта ва ундан ҳам кўп бўлиб, ичакдан чиқариладиган ахлат ипир-ипир, оқ лойқа сув каби бўлади.



8-расм. Вабо. Алgid боскичи:

А) қориндаги тўғриланмайдиган тери бурмаси;

Б) қўл кафти орқасидаги тўғриланмайдиган тери бурмаси.

Кўпроқ холларда касаллик бошланганидан бироз кейин (4-6 соат, айрим холларда 1-2 кундан сўнг), баъзан эса ич бузилиш билан бир вақтда қусиш бошланади. Қайт қилиш ҳам тез-тез такрорланиб туради. Афғонистон, Қорақалпоғистонда рўй берган эпидемияларда 6% гача бўлган bemорларда вабо белгилари ич кетмасдан, аввало фақат қусиш билан намоён бўлган. Бундай атипик, қусиш билан бошланган вабо, 2-4% bemорларда бир неча соатлардан сўнг ич суриш белгилари қўшилиб, танада дармонсизлик, оёқ мушакларининг тиришиб қолиши билан ривожланади, bemор аҳволи оғирлаша боради. Қусиш ва ич бузилиши оқибатида қисқа муддат ичида bemор организмида дегидратация рўй беради. Хасталикнинг оғир ёки енгиллиги дегидратация

даражасига боғлиқ. Шу сабабли даволашда бу аҳвол инобатга олинади.

Дегидратация 4 даражага бўлинади:

I даражали дегидратация - қусиши ва ич суриши 4-5 мартадан ошмайди. Беморнинг умумий аҳволи 1-2 кун ёмонлашади. Бемор организми йўқотган суюқлик тана вазнининг 3 % дан ошмайди. Бундай холдаги bemorлар баъзан ҳаттоқи тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилмайдилар. Улар эпидемиологик жиҳатдан ғоят ҳавфли ҳисобланадилар.

II даражали дегидратацияда - ич суриши ва қусиши тез-тез такрорланиб, кунига 15-20 мартаагача бориши мумкин. Организм сувсизланиши сезиларли даражага бориб, bemor оғиз қуриши, ташналик, холсизлик, бош айланишидан шикоят қиласиди. Тери қуриқшай бошлайди. Қон босими пасаяди. Сийдик ажралиши камайиб, қуюқлашиб кетади. Баъзан болдир мускулларида тиришиш пайдо бўлади. Организм йўқотган суюқлик тана вазнининг 4-6 % ига етади. Вақтида даволанмаса, bemor оғирлашиб қолиши мумкин.

Ш даражали дегидратация - рўй бериши дастлабки соатларданоқ ич суриши ва қусиши жуда тез қайталаниб турганида кузатилади. Бунда қисқа муддат ичидаги bemor организми жуда кўп электролитлар (Na , K , Cl) ва суюқлик йўқотади. Шу даврда организмдан чиқиб кетган суюқлик ҳажми тана вазнининг 7-9 фоизигача бориб қолади. Беморнинг ташналик қийнайди, тери бурмалари узоқ вақт ёзилмайди, овози зўрға эшишилади. Қон босими сезиларли даражада пасаяди. Юз, қўл ва оёқ мускулларида кучли оғриқ берадиган тиришиш кузатилади. Сийдик ғоят кам ажралади. Қон қуюқлаша бошлайди, ундаги калий ва хлор миқдори камайиб кетади, натрий миқдори эса ортади.

IV даражали дегидратация - организм сув йўқотишнинг энг юқори даражаси ҳисобланиб, йўқотилган сув тана вазнининг 10 фоизидан ва ундан ортигини ташкил этганида кузатилади. Баъзан касаллик дастлабки соатларданоқ шиддатли бошланади. Тўхтовсиз ич кетиши ва қусиши натижасида 8-10 соат давомидаёқ bemor ғоят сувсизланиб қолади.

IV даражали дегадратация холатидаги bemorлар ўз вақтида суюқлик юбориб даволанмаган холларда ҳам, бундай оғир холат юзага келиши мумкин. Бу даврда сувсизланиш оқибатида қон қуюқлашади, юрак-қон томирлари фаолияти кескин бузилади, қусиши ва ич суриши эса тўхтаб ҳам қолади. Беморнинг қўл-оёқлари, сўнгра танаси совий бошлайди, тана ҳарорати 35°C гача тушиши мумкин, тери кўкимтир-тупроқ рангида бўлади, буришиб қолади. Томир уриши ва қон босимини аниқлаб бўлмайди. Юз, кўз, лаб атрофи кўкариб кетади. Тананинг деярли барча мускулларида узоқ давом этадиган тиришиш ва кучли оғриқ кузатилади. Нафас олиш сусайиб чуқурлашади (Чейн-Стокс).

Сийдик ажралиши тўхтаб қолади. Қондаги эритроцит ва лейкоцитлар сони кўпаяди (8-расм).

Диагностикаси. Қандай кўринишда ўтишидан катый назар, вабо деб қўйиладиган дастлабки ташхис бактериологик тасдиқланган бўлиши керак. Ташхис қўйиш мақсадида bemor қусуқ массаси, нажасидан олиб 1% ли пептонли сувга экилади. Ич кетиши ва қусиши тез тақорланиб турганда кетмакет 3 та экма олинади. Экма олинганидан кейин bemorга антибиотик бериш мумкин. Олинган экма 6 соат ичида лабораторияга етказилиши шарт. Вабо вибриони топилган холларда лаборатория тахлили 24 соат ичида дастлабки натижани беради, Якуний хулоса 48 соатдан сўнг аниқланади.

Вабо касаллигига ташхис қўйилаётганида эпиданамнезнинг аҳамияти катта. Айниқса, меъда-ичак касалликлари билан оғриган бошқа bemorлар билан, вабо тарқалган жойдан келиб қолган одамлар билан мулоқотда бўлгани ёки bemornинг ўзи кейинги 5 кун ичида шундай эпидемик ҳавфли жойларга бориб келганини аниқлаш зарур.

Диагностика мақсадида bemordan қон олиб, вибриоцид антителолар титри ҳам текширилади. У 2 марта ўтказилади. Касалликнинг 5-6 кунида ва орадан 10 кун оралатиб қон олинади.

Имкон бўлса, қондаги электролитлар ҳамда гематокрит кўрсаткичини аниқлаб, даволаниши унга муқобил равишда тавсия этилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айниқса ёз фаслида вабо касаллиги билан оғриган bemorda бир вақтнинг ўзида ичбуруғ, салмонеллёз ва бошқа меъда-ичак юқумли касалликлари авж олиши мумкин. Бундай bemorларда вабо белгилари тана ҳароратининг 38-39°C га кўтарилиши, қорин бўшлиғида вақти-вақти билан оғриқ бўлиши, ичак чиқиндисида шиллик, қон борлиги билан давом этади. Шундай bemorларнинг ичак чиқиндиларини вабо вибрионларига ҳамда ичак гурухи (дезинтерияга, салмонеллёзга ва бошқа) микробларга текшириш зарур.

Эшерихиоз. Бу шартли патоген ичак таёқчалари бактериялари келтириб чақирадиган касалликдир. Уларнинг клиник белгилари токсинларининг турли таъсир хилларига қараб ҳар хил бўлганлиги учун эшерихиозларни патогенетик токсинларига қараб таснифланади.

Диарея белгиларини келтириб чиқаришда худди вабодаги каби бактериялар энтеретоксинлари муҳим аҳамият касб этади.

Вабога ўхшаб кечадиган эшерихиозларда касалликнинг яширин даври 1-2 кун. Касаллик ўткир бошланади. Bemorлар холсизликка, қувватсизликка, бош оғригига шикоят қиласидилар. Кейинчалик қориннинг юқори қисмида эпигастрал соҳада хуружли оғриқ, кўнгил айнаш, қайт қилиш кузатилади. Бир неча соатдан

сүнг ич сувдек, күп миқдорда, патологик аралашмаларсиз 8-12 мартагача кетади. Сувсизланиш белгилари бошланади. Эшерихиознинг вабога ўхаш белгилари касаллик бошланишида қоринда оғриқ бўлмаслиги, тана ҳароратининг қўтарилилмаслиги ва сувсизланиш белгиларининг тезда ривожланишидир. Бу касалликнинг фарқли томони кейинчалик интоксиация белгиларининг кучайиши ва қоринда оғриқ бўлишидир. Эшерихиозда электролитлар баланси камроқ бузилади, вабодагига ўхаш асоратлар бўлмайди.

Эшерихиозни ичбуруққа ўхшаган шакли ўткир бошланади, интоксиация белгилари кучсизроқ бўлади, тана ҳарорати деярли қўтарилилмайди. Тенезм ва қайт қилиш кам ҳолларда бўлади. Ич кетиши 3-5 мартагача, суюқ, шиллик ва қон аралаш бўлади. Эшерихиознинг бу шаклини ичбуруғ енгил кечишидан фарқлаш жуда қийин, бунда бактериологик текшириш усули асосий аҳамиятга эгадир.

Эшерихиозни энтеропатоген (0151 “Крим”) хили клиник белгилари анчагина енгил кечиши билан ажралиб туради. Кўпчилик bemорларда касаллик субклиник, 30-50% - енгил, қолганларда - ўртча оғирлиқда кечади.

Иерсиниозлар. Иерсиниозлар таснифидаги икки хил шакли диарея белгилари келтириб чиқаради. Биринчиси ичак иерсиниози, иккинчиси соҳта сил бактериялари келтириб чиқарадиган касалликлардир. Касалликни ташхис қилишда клиник белгиларни хилма хиллига (экзантема, лимфа тугунларининг заҳарланиши, ангина, сариқлик мезоденит, аппендицит) ва текширув усуллари алоҳида ўрин тутади. Касалликда ошқозон-ичак фаолияти заарланиши белгилари ўткир бошланиб, тана ҳарорати 38-39°C, қалтираш, бош оғриғи, холсизлик, бўғинларда ва мушакларда оғриқ кузатилада. Кейнчалик қоринда, айниқса ўнг биқин соҳасида кучли оғриқ, ичнинг 10-15 марта қўп миқдорда, сувдек қўланса хидли кетиши кузатилади. Қорин чуқур пальпация қилинганда илеоцекал соҳада ёки қиндиқ атрофида оғриқ сезилади. Йўғон ичакнинг айrim қисмлари қалинлашган ва оғриқли бўлади.

Таққослаш ташхисида эпидемиологик белгилар (мавсумийлик, оммавий касалланиш, илдизмева ва сабзвотлар истеъмол қилиш) аҳамиятга эгадир. Махсус ташхис - қўзғатувчиларни нажасдан, қусук моддаларидан, қондан (септик шаклида) чарви лимфа тугунларидан ва аппендикс бўлагидан (жарроҳлик муолажаси қилинса) топишга асосланади. Бактериологик текширишлар ҳар доим юқори натижа бермаганлиги учун қўшимча агрегация реакцияси (РА) ва нотўғри гемагрегация реакцияси (РНГА) каби серологик текширишлар ўтказилади.

Кампилобактериоз. Юқумли ичак касалликларидан энтерит (гастроэнтерит) белгилари билан кечадиганларини таққослаш ташхисида албатта кампилобактериознинг гастроинтестинал шаклини ҳам кўриш керак. Касаллик кўпроқ ёш болаларда, катталарда эса спорадик холатда бир қўзғалиш билан кузатилади. Касаллик резервуарлари ва манбаи бўлиб асосан уй ва қишлоқ хўжалиги хайвонлари ҳисобланади. Одамлар асосан сув ва заарланган озуқа моддалари орқали касалланадилар. Бу касб касаллиги бўлиб ҳисобланиб, кўпроқ хайвонлар билан мулоқотда бўлувчиларда учраши мумкин. Яширин даври 1-5 кун (кўпинча 1-2 кун). Касаллик ўткир бошланиб, интоксикация белгилари, гастроэнтерит белгилари ва юқори тана ҳарорати кузатилади. Беморлар кўнгил айнишига, эпигастрал соҳасида оғриқ бўлишига, айrim ҳолларда қайт қилишига шикоят қиласидилар. Ич келиши кўп миқдорда суюқ кўпириб келади, шиллиқ ва қон аралаш келиши катталарда деярли кузатилмайди, болаларда эса кўпроқ бўлади. Сувсизланиш белгилари кузатилиши мумкин. Диарея белгилари 1-1,5 ҳафта давом этиши мумкин.

Кампилобактериоз гастроинтестинал шаклини бошқа турдаги гастритлардан фарқлаш бир мунча қийинроқдир. Бунда эдиdemиологик анамнез (хайвонлар билан мулоқот, оммавий заҳарланиш) мухим аҳамиятга эга. Ташхис қўзғатувчиларни нажасдан ажратиб олиш билан тасдиқланади. Экма бриллиантли кўк аралаштирилган қаттиқ озуқа моддаларига олинади. Касалликка ретроспектив (реконвалесценция даврида) ташхис кўйиш учун 10-14 кун оралиғида кўп зардоблар билан серологик реакциялар ишлатилади.

Ротовирус инфекцияси. Ротовирусли гастроэнтеритда болаларда ва катталарда ҳам интоксикация ва диарея белгилари бўлади. Ичнинг суюқ келиши деярли хамма bemорларда учрайди (А.Т.Букринский ва бошқалар, 1989). Гастроэнтерит белгиси иштаханинг пасайиши, қоринда кўп ғулдираш, қунгил айниши ва қайт қилиш билан бошланади. Касаллик енгил кечган bemорларда ич кетиши сувдек, кўкимтир-сариқ рангли қўпиксимон бўлиб, суткасига 5-7 дан 10-15 мартағача бўлиши мумкин. Касалликнинг биринчи ҳафтаси охирларида ич келиши нормаллашади.

Ротовирусли гастроэнтеритнинг ичнинг рангсиз кетиши шаклида вабодан фарқлаш қийинчилик туғдиради, чунки нажас характери деярли бир ҳил кўринишида бўлади, Иккала касаллик ҳам оғир кечганда дегидратация белгилари яққол намоён бўлади. Аммо ротовирусли гастроэнтеритда II ва IV даражали сувсизланиш белгилари деярли бўлмайди. Регидратация чоралари вабода яхши ёрдам беради, ротовирусли гастроэнтеритда эса интоксикация белгиларини бутунлай йўқотмайди. Ротовирусли гастроэнтеритда асосий

фарқли белги бўлиб беморларда юмшок танглай шиллик қаватларида, ёйда ва тилчада катарал белгилар, халқумда шамоллаш белгилари ва майда донадорлик бўлади.

Ротавирусли гастроэнтеритларнинг фарқли эпидемиологик белгилари бўлиб, қиши-баҳор ойларига хос мавсумийлик, юқори заарланиш даражаси, инфекциянинг антропоноз характердалиги ҳисобланади. Ротавирусли гастроэнтеритни бошқа диарея касалликларидан фарқлашни асосий усули бўлиб маҳсус лаборатор текширувлар (вирусларни топиш, ИФА усули билан вирус антиген ва антитаначаларини топиш, нуқтали гибридизация усули, РСК ва бошқалар) ҳисобланади.

Аденовирус инфекцияси. Аденовирус инфекциясининг клиник белгиларидан бири вирусли диарея ҳисобланади. Бу белгига қўшимча равища аъзолардаги заарланишга тегишли клиник белгилар (кератоконъюнктивит, ринит, фарингит, полиаденопатия, бронхит) кўшилиб келганлиги учун бу касалликка ташҳис қўйишида бир оз енгиллик туғдириши мумкин. Аденовирусли деареяда ич келиши 4-5 марта, сувдек, патологик аралашмаларсиз, қоринда оғриқ кучсиз, кучли сувсизланиш белгилари кузатилмайди.

Энтеровирус инфекцияси. Энтеровирусли диарея касаллиги асосан қиши баҳор ойларида кузатилиб, оммавий холларда учрайди. Касаллик енгил интоксикация ва гастроэнтерит клиник белгилари билан ўтади. Беморларда юмшоқ танглайда шиллик қаватларда гиперемия ва ўзига хос ҳамда донадорлик бўлганлиги учун бу касаллик қўпроқ ротавирусли гастроэнтеритларга ҳам ўхшаб кетади. Бу касалликка ташҳис қўйишида бир оз қийинчилик туғдириши мумкин. Ротавирусли гастроэнтеритлар эпидемия ҳолида тарқалганда полиморф клиник белгилар билан бирга асосий синдром диарея белгиси бўлади. Энтеровирус касаллиги эпидемия ҳолида учраганда аксинча, ҳар хил клиник белгилар билан бирга касалликнинг ҳар хил клиник шакллари ҳам учрайди. Аниқ нозология ташҳис вирусларнинг тури ва гурухига (Коксаки, ЕCHO ва бошқалар) тааллуқли антигенларни серологик текшириш усули билан қўйилади. Ташҳис кўш зардоблар билан серологик реакция қўйилганда қондаги антителолар миқдори 4 баробардан ошиқ бўлса тасдиқланади.

3.4. КОЛИТ БЕЛГИЛАРИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР

Ичбуруғ (дизентерия). Ўткир колит белгилари билан кечадиган касалликлардан асосийларидан бири бўлиб ичбуруғ ҳисобланади.

Умуман олганда, дизентерия асосан интоксиация ва колитик синдром билан таърифланади. Гастроэнтероколитик хилида булардан ташкари гастрит ва энтерит аломатлари ҳам кўринади. Инкубацион давр купинча 2-3 кун давом этади, у 1 кунгача қисқариши ва 7 кунгача чўзилиши мумкин. Касаллик кўпинча тўсатдан бошланади. Беморнинг эти увушиб, ҳарорати $38\text{-}39^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади ва 2-4 кунгача юқори бўлиб туради. Ҳарорат субфебрил даражада ёки нормал бўлиши ҳам мумкин. Ҳарорат юқори бўлганда кўпчилик bemорларнинг боши оғрийди, дармони қуриб, бадани қақшайди, кайфияти ёмон бўлади.

Томир уриши ўзгарувчан бўлади, пульс мароми бузилиб, қон босими пасаяди, юрак тонлари буғиқлашади, нозик систолик шовқин эшитилади. Интоксиация кучли бўлганида коллапс юз бериши мумкин.

Бемор қорнининг чапки паст томони бураб оғрийди. Ҳар гал ҳожатхонага бориш олдидан қорин оғриғи безовта қиласди. Ҳожатхонага бориш зарурияти туғилганда, орқа тешик ачишиб, қаттиқ оғрийди ва бу bemорни анча безовта қиласди. Қоринни пайпаслаганда, йўғон ичакда, айникса, унинг чап қисми безиллаб туради ва қисқарган холда худди арқонга ўхшаб қўлга ўннайди.

Симптомлари яққол қўринган дизентерияда bemорнинг аҳволи оғир бўлади, у бир кеча-кундузда 20-30 марта ҳожатга бориши мумкин. Лекин ҳар гал тувакдан турганда bemор енгиллик сезмайди, у гуё ўзини ҳожат қилмагандек хис киласди. Бир кеча-кундузда bemорнинг ичи тез-тез келса ҳам тушадиган аҳлат миқдори $0,5\text{-}1,0$ л дан ошмайди. Чунки bemор ҳожатга борганида озгина аҳлат ва унга аралашшиб асосан шиллиқ ва йиринг чиқади. Шиллиққа озгина кон аралашган бўлади. Касаллик зўриқсан вақтда bemорнинг ичидан аҳлат эмас, балки фақат қон аралаш шиллиқ билан йиринг келади. Йўғон ичак қисқарган холда бўлганлиги сабабли аҳлат ингичка ичакда тўхтаб қолади. Дизентерия оғир ўтганида bemордан худди гўшт селига ўхшаш суюқлик келади. Дизентерия интоксиацияси оқибатида сўлак бези ва бошқа ҳазм безларининг фаолияти бузилади: оғиз қурийди, меъда ширасининг протеолитик хусусияти, ундаги кислота миқдори камаяди. Меъда ва ичакларнинг ҳаракат фаолияти ва секрецияси ҳам бузилади.

Интоксиация кучли бўлган холларда меъда ости бези ва жигар фаолияти

бузилади. Протеинурия, микрогематурия, лейкоцитурия, цилиндрурития ва қовук сфинктерининг спазмига хос белгилар аниқланади. Кон текширилганда бир оз лейкоцитоз, лейкоцитар формуланинг чапга сурилиши, моноцитоз аниқланади. ЭЧТ бир оз тезлашади. Дизентериянинг авжига чиқадиган даври 1-2 кундан 8-9 кунгача давом этади.

Касаллик симптомларининг сўниш даврида интоксикия ва колит аломатлари камаяди. Соғайиш даврида ҳамма органларнинг фаолияти нормаллашади ва организм дизентерия бактерияларидан халос бўлиб боради.


Колитик хили. А) Касалликнинг енгил шакли тўсатдан бошланади, ҳарорат қисқа муддатда 37-38 °С даражагача қўтарилади. Бемор дармони қуриб, иштаҳаси бўғилади, кейинроқ қорни бир оз оғрийди. Бир кеча-кундузда 3-5 марта хожатга боради. Ахлати суюқ ва шилимшиқ, баъзан қон аралаш бўлади. Лекин bemorларнинг чапки паст қисми оғрийди ва қисқариб, таранг тортиб тургани қўлга ўннайди. Ректоскоп билан текширилганда йўғон ичакда катарал ва катарал-геморрагик яллиғланиш аломатлари кўрилади (3.3.-расм). Дизентериянинг бу шакли кўпинча 3-4 кун, баъзан 7-8 кун давом этади. Сўнгра bemor соғая бошлайди.

Б) Дизентериянинг ўртача оғирликда ўтадиган колитик шакли тўсатдан бошланади, bemor боши оғриб, эти увишади, бадани қақшайди. Ҳарорати 39-40 °С гача қўтарилади ва 2-3 кун ўтгач, пасаяди. Иштаҳа йўқолиб, bemor кўнгли айниб, баъзан қусади, қорни қаттиқ бураб оғрийди. Бир кеча-кундузда 10-20 мартагача хожатга боради, хожат вақтида асосан қон аралаш шиллик келади. Бундай симптомлар 2-3 кундан сўнг аста-секин камаяди ва bemor аҳволи яхшилана бошлайди. Ректоскоп билан текширилганда катарал-геморрагик ва катарал-эррозив проктосигмоидит аниқланади. Бир ярим - икки ҳафтадан сўнг соғайиб кетади.

В) Дизентериянинг оғир колитик шакли бирданига бошланади, ҳарорат 39-40 °С гача қўтарилиб, кучли интоксикия бўлади. Bemor баъзан алахлайди, кўнгли айниб, қайт қиласиди. Қорни қаттиқ оғрийди, тез-тез сияди, орқа тешиги доим деярли ачишиб оғриб туради. Бир кеча-кундузда 50 ва ундан кўпроқ марта хожатга боради. Хожат вақтида қон аралаш шиллик, баъзан гўшт селига ўхшаш суюқлик келади. Bemor дармони қуриб, жуда холдан кетади. Териси ва шиллик пардалари қуруқлашиб қолади. Кон босими пасаяди, тахикардия кузатилади. Қорин дам бўлиб шишади, анус сфинктери ишламайди, гўшт селига ўхшаш суюқлик оқиб туради. Кучли интоксикия таъсирида bemor баъзан кома холатига тушиб, алахлаб ётади. Кон айланишида чуқур ўзгаришлар юз беради.

Бундай беморларга кечиктирмай ёрдам бериш зарур бўлади. Йўғон ичак пайпаслаб кўрилганда қаттиқ оғриқ бўлади. Бундай оғир аҳвол 7-10 кунгача давом этади. Ректоскоп билан текширилганда катарал-геморрагик, катарал-эрозив ўзгаришлар, баъзан эса яралар аниқланади.

Ичбуруғ ва сальмонеллёнинг гастроэнтероколит шаклини таққослаш бирмунча қийинчиликларга эга. Шуни эсда сақлаш керакки, сальмонеллёзда интоксикация белгилари биринчи куниданоқ кучли бўлиб, bemорлар коллапс холатига тушиб қолишлара мумкин. Ичбуруғда эса интоксикация белгилари кечроқ (икки - уч кунда) бошланиб, коллапс ҳолати кам ҳолларда учрайди. Сальмонеллёзда кўпроқ гастроэнтерит белгилари устунлик қиласи, ичбуруғнинг гастроэнтероколит шаклида эса гастроэнтерит белгилари қиска бўлиб, тезда гастроэнтероколит белгиларига ўтади (тенезм, йўғон ичак бўйлаб оғриқ, “ичак туфуги” белгиси, ичнинг шиллик ва қон аралаш келиши). Асосий ташхис бактериологик, серологик, аллергологик ва асбоблар ёрдамида текшириш орқали қўйилади ва тасдиқланади.



9-расм. а- ўткир катарал колит
б- фибриноз-некротик колит (А.Ф.Билибин)

Дизентериянинг гастроэнтероколитик хили худди овқат токсикоинфекциясига ўхшаб, қисқа инкубацион даврдан сўнг бирданига бошланади. Кучли интоксикация ва гастроэнтероколитга хос симптомлар кузатилади. Бемор қайта-қайта кусади, шир-шир ичи кетади. Бошланишида аҳлатида қон ва йиринг бўлмайди. Кориннинг ҳамма ери оғрийди. Бемор аҳволининг оғир ёки енгиллиги организм йуқотган суюқлик микдорига боғлик бўлади. Касаллик енгил ўтганда сувсираш - дегидратация кузатилмайди, дизентерия ўртacha оғирликда ўтганда 1-даражадаги дегидратация юз беради, касаллик оғир ўтганда 2- ва 3-даражадаги дегидратация аниқланади. Бемор кўп суюқлик йўқотган холларда гиповолемик шок бошланиши мумкин.

Дизентериянинг гастроэнтерик варианти ҳам учрайди. Бунда гастроэнтерит белгилари ва дегидратация аломатлари яққол күрингани холда колит симптомлари бўлмайди. Дизентериянинг колитик хилида ҳам, гастроэнтероколитик хилида ҳам касаллик белгилари етарли билинмайди. Беморнинг қорни салгина оғрийди, 1-2 кун давомида ичи бузилади. Ахлатида қон ва шиллик бўлмайди. Бемор ҳарорати кўтарилилмайди, қорин пайпасланганда озроқ оғриқ бўлади. Ахлат микроскоп остида текширилганда ҳар бир кўриш майдонида 20 ва ундан кўп лейкоцитлар кўринади. Ректоскоп билан текширганда катарал проктосигмоидит манзараси кўринади. Диагностикада анамнез маълумотлари муҳим роль ўйнайди. Баъзан ўткир дизентерияга хос белгилар 1,5 ойдан 3 ойгача чўзилиши мумкин. Касалликнинг бундай хилини чўзилган дизентерия деб аталади.

Сурункали дизентерия. Ўткир дизентерияли bemorlar 2-5% холларда сурункали хилига ўтади. Нерв системаси, меъда, жигар, меъда ости безлари касалликлари ва ҳар хил гижжа ёки содда ҳайвонлар инвазияси, авитаминоз, алиментар дистрофия ва бошқалар сурункали дизентерия шаклланишига сабаб бўлади.

1. Сурункали дизентериянинг рецидивли хили кўпроқ учрайди. Бунда вақти-вақти билан дизентерия симптомлари қайталиб туради. Рецидивлар бир неча марта такрорланиши мумкин. Рецидив вақтида асосан колит синдроми кузатилади. Бундай bemorларда меъда, ингичка ичак, меъда ости бези, гепатобилиар система аъзолари заарланади. Беморлар асаби бузилиб, тажанг бўлиб қолади. Кўпинча бош оғрийди, иш қобилияти пасаяди. Вегетатив нерв системаси фаолияти ҳам бузилади. Рецидивда ректоскопия манзараси худди ўткир дизентериядагига ўхшаш бўлади. Рецидивлар орасида bemorлар аҳволи бир қадар яхшиланиб қолади. Иш қобилияти тикланади. Аммо бундай кишиларнинг қорни дам бўлиб, мижиғлаб оғриб туради, эпигастрал соҳада оғирлик сезилади.

2. Сурункали дизентериянинг узлуксиз давом этадиган хилида касаллик симптомлари кундан-кунга авж олиб, бетухтов давом этади ва bemornинг аҳволи борган сари оғирлашиб боради. Овқат ҳазм қилиш бузилади, bemor озиб кетади, гиповитаминоз, камқонлик ва дисбактериоз аломатлари кузатилади. Сурункали дизентериянинг бу хили кексайиб қолган ва умман касалманд, заиф кишиларда учрайди.

Дизентерия асоратлари: Ўткир дизентериядан сўнг bemorларнинг 5-15% да рецидив учрайди. Рецидивда баъзан дизентериянинг ҳамма симптомлари кўринади, бошқа холларда эса унинг айрим белгиларигина пайдо бўлади. Баъзи


холларда тўғри ичак чиқиб қолиши, орқа тешик девори дарз кетиши, бавосилнинг зўрайиши ва камдан-кам ичак ёрилиши, натижада перитонит ривожланиши мумкин.

Диагностикаси: Эпидемиологик маълумотлар ва клиник симптомлар билан бир қаторда дизентериянинг диагностикасида лаборатор натижалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бактериологик усул жуда муҳим, бироқ беморларнинг фақат 22-80% дангина дизентерия микробларини ажратиб олиш мумкин бўлади. Бемор ахлатини экиб ундиришда тартиб қоидаларига алоҳида эътибор бермоқ керак. Беморга антибиотиклар тайинланмасдан олдин унинг ахлати Плоскирёв озиқ муҳитига экилади.

Эгри гемагглютинация реакцияси ҳам касалликнинг 5-кунларидан бошлаб мусбат натижа бера бошлайди. Унинг диагностик титри 1:160 ва ундан юқори. Унинг титри 2 ҳафта давомида кўпайиб боради, 4 ва 5-ҳафталардан кейин камая бошлайди. Иммунофлюресцент усулдан ҳам фойдаланилади. Бемор ахлатини микроскоп остида текширилганда лейкоцитлар, эритроцитлар ва эпителиал хужайралар топилади.

Ректороманскопия жуда катта аҳамиятга эга бўлган текширув усулидир. Ректоскоп ёрдамида йўғон ичакнинг пастки 30 см ли кисми шиллиқ пардасида юз берган патоморфологик ўзгаришларни кўз билан кўриш мумкин бўлади. Ректоскопда қуидагича манзаралар кўзга ташланади:

- катарал проктосигмоидит;
- катарал геморрагик проктосигмоидит;
- эрозив проктосигмоидит;
- ярали проктосигмоидит.



10-расм.

- A. Соглом йўғон ичак шиллиқ қавати.
 Б. Катарал-фолликуляр колит.
 В. Эррозив-ярали колит.
 Г. Атрофик колит.

Дизентерия диагностикасида Цуверкалов аллергик реакциясидан ҳам фойдаланилади. Анамнез, эпидемиологик маълумот, клиник симптомлар, лаборатория текшириш натижалари ва ректоскопия манзараларини чуқур таҳлил қилиш йўли дизентерияни қуида қайд қилинган

касалликлардан ажратиб, аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Амёбали ичбуруғ. Касаллик қўпроқ Ўрта Осиё ўлкалари ва Кавказ минтақаларида ёз-куз ойларида кузатилади. Касаллик аста-секин бошланади. Ич келиши 3-5 мартаға кўпайиб бутқасимон, ахлат сифатини сақлаган, қўп миқдорда шиллиқ ва бир тексда тарқалган “малинасимон” қон аралаш келади. Нажасдаги шиллиқ тувақ тагига (тубига) ёпишиб қолади ва энгаштирганданда кўчиб кетиши қийинроқ (бактерияли ичбуруғда шиллиқ суюқроқ бўлади, қон ранги тиник қизил бўлиб шиллиқ аралаш бўлади). Қоринда оғриқ кучсиз, интоксиация белгилари енгил бўлади. Ўз вақтида маҳсус даволаш курси ўтказилмаса, касаллик узоқ вақт давом этиб тўлқинсимон кечиши мумкин. Умумий кўрикда бактерияли ичбуруғдан фарқли равишда кўричак соҳасида оғриқ ва инфильтратлар, йўғон ичак проксимал қисмларида кучсиз, аммо доимий оғриқ кузатилади. Жигар кўпинча катталашади. Колонофиброскопия усулида текширилганда ўнг томонлама гемоколит, ҳар хил катталиктаги яралар кўринади. Яралар шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларигача чуқурликда бўлиб детритлар билан қопланган, агарда тегиб кетилса қон кетишлиар кузатилади. Яна ўзига хос томони шундаки, яра атрофидаги шиллиқ қаватларда деярли ўзгаришлар бўлмайди.

Амёбиаз ичбуруғига маҳсус ташхис қўйишида бемор нажасидан амёбанинг катта вегетатив (тўқима) шаклини эритроцитларни фагоцитоз қилган ҳолатида (паразитоскопия) топишга асосланади.

Агарда нажасдан амёбанинг оралиқ ёки циста ҳолатлари аниқланса, бу ташхис қўйишига асос бўла олмайди, чунки бу холат соғлом паразит ташувчиларда ҳам топилиши мумкин. Нажасдан эозинофиллар Шарко-Лейден кристаллари, эритроцитларни устунсимон ҳолда аниқлаш амёбали ичбуруғда қўшимча ташхисга асос бўла олади.

Балантидиаз. Бу касаллик қишлоқ шароитида қўпроқ тарқалган бўлиб, асосан чўчқалар билан мулоқатда бўладиганларда учрайди. Касалликнинг ўткир шакли худди амёбали ичбуруққа ўхшаб кетади. Касалликка кучли интоксиация белгилари: қўнгил айниши, қайт қилиш, нотўғри турдаги юқори тана ҳарорати ва оғирроқ кечиши хосдир. Касаллик ўткир бошланиб, қоринда кучли оғриқ, ичнинг суюқ, шиллиқ ва қон аралаш (20 мартағача), чириш белгиларини эслатувчи кучли қўланса ҳид билан кетиши кузатилади. Қорин дам бўлиб, йўғон ичак бўйлаб оғриқ, жигарнинг катталashiши безовта қиласи. Ректороменоскопия қилинганда блантидиазга ҳос бўлган яралар кўрилади. Касаллик вақтида даволанмаса сурункали шаклига ўтиши мумкин (В.И.Покровский, 1983).

Балантидиазга ташхис қўйишида худди амёбали ичбуруғдаги каби микроскопия (паразитоскопия) ва қисман нажасни маҳсус озуқа муҳитларига экиш асосий аҳамиятга эга. Нажасдан топиладиган бундай паразитлар соғлом одамларда ҳам учраб қолиши мумкин. Шунинг учун блантидиазга ташхис қўйишида асосан эпидемиологик кўрсатмалар, клиник, ректоромоноскопия белгилари ва бошқа этиологияли ичак инфекциялари инкор этилган ташхис тўлиқ тасдиқланади.

Лямблиоз. Лямблиозда асосий клиник белги энтерит белгилари ҳисобланиб, ич кетиши кўп микдорда, сувдек, кўпикли, кўкимтири рангли ва кўланса ҳидли бўлади. Умумий нтоксикация белгилари кузатилмайди. Касалликка тўлқинсимон кечиш ҳосдик ва кўп рецедив беради. Йўғон ичак зарарланиши иккиламчи холатdir.

Қоринда оғриқ асосан мезогастрал соҳада бўлади. Касалликнинг сурункали кечиши ойлаб ва йиллаб давом этиши мумкин, бунда ремиссия босқичи қайталаниш босқичи билан алмашиб туриши мумкин. Ўт йўлларида ва ўт қопида дискинезия, неврастения белгилари кузатилиши мумкин. Ташхис қўйишида лямбилияларни ингичка ичакнинг юқори қисмидан, 12 бармоқли ичак маҳсулотлари ва нажасдан ажратиб олишга асосланади. Шуни таъкидлаш лозимки, лямбилияларни одам организмидан топиш ҳар доим ҳам инфекциянинг ўткир босқичидан далолат бермайди. Қўшимча таққослаш ташхиси усули бўлиб, «ex juvantibus» бўйича даволаш ёки паразитларга қарши тахминий даволаш ҳисобланади. Агар даволаш яхши самара берса, ташхис ижобий бўлиши мумкин.

Носпецифик ярали колит. Юқумли ва юқумли бўлмаган диарея белгиларини таққослашда ва ташхис қўйишида носпецифик ярали колитнинг ўткир шакли муҳим аҳамиятга эга. Касаллик ўткир бошланиб, ич кетиш суткасига 10-20-30 мартағача бориши мумкин. Нажас шакли бўткасимон ёки суюқ бўлиб қон, шиллик ва йиринг аралаш бўлади. Қоринда хуружли оғриқлар кузатилади. Юқори ҳарорат ва бошқа умумий зарарланиш белгилари бўлади. Ичбуруғдан фарқли равишда бунда нажасда қон микдори кўпроқ (5-20 ва ундан кўп), шунингдек касаллик бошларида аввал фақат қон, кейинчалик эса шиллик ва йиринг келиши кузатилади. Ичбуруқка хос бўлган нажаснинг ахлат сифатини йўқотиши, ичнинг кам микдорда (“ичак туфуги”) келиши ёлғон чақириқлар, тенезмлар ярали колитларга хос эмас. Антибиотиклар билан даволашни самара бермаслиги кўпроқ ярали колитга хос белги ҳисобланади. Ташхис қўйишида асосий ҳал қилувчи усул ректоромоноскопия усули бўлиб, бунда ярали колитга хос белгилар - шиллик қаватларда кучли ўзгаришлар,

тарқалган гиперемия, эрозия ва некрозлар, йўғон ичакнинг бошқа касалликларига хос бўлмаган ярадан қон тирқираб оқиши белгилари кузатилади. Касалликнинг оғир ҳолларида анус атрофида ёрикчалар ва туғри ичакнинг ташқарига чиқиши ҳам кўрилади. Анус сфинкторларининг иккиламчи заарланиши натижасида суюқ нажасни, қон ва шиллиқни тута билмаслик ҳоллари бўлиши мумкин. Кўшимча ташҳис усуллари бўлиб колоноскопия, рентгеноскопия копрология, биопсия, ҳамда қонда гипопротеинемия, анемия ва иммун тақчиллиги белгилари ҳисобланади.

Крон касаллиги. Крон касаллигини ярали колитдан фарқи бўлиб жараённинг йўғон ичак кўндаланг қисмининг шиллиқ ости қаватида жойлашганлигидир ва касаллик узлукли давом этади. Тўғри ичак камдан-кам ҳолларда заарланади. Кўпроқ оғриқ бўлади, қон кетиши камроқ учрайди. Ректоромоноскопияда ичакда ўзига хос ўралган яралар кузатилади.

Дисбактериоз. Ҳар хил сабаблар келтириб чиқарган дисбактериозларда (ферментлар етишмовчилиги, очлик, авитаминоз, кўп миқдорда гормонлар буюриш, кимёвий дорилар ва антибиотиклар ичиш, организм иммунологик ҳолатини сусайиш ва ҳоказолар) ичакларда аста-секин ривожланган яллиғланиш кузатилиб ҳар хил клиник белгиларда намоён бўлади.

Инфекция тарқалиб кетмаган ҳолларда беморларда кўнгил айниши, қайт қилиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, ичнинг шиллиқ ва айрим ҳолларда қон аралаш келиши кузатилади. Ичак бўшлиқларида ортиқча газ йиғилиб, ичак перистальтикаси кучайганда қоринда оғриқ бўлади. Дисбактериозда бўладиган диарея белгиларининг бошқа юқумли ичак касалликларидан фарқи шундаки, юқумли ичак касалликларида умумий интоксикация белгилари ўткир намоён бўлиб, кейинчалик кучаяди, ич кетиши кўпаяди. Дисбактериоз аста-секин бошланиб узоқ давом этади, мақсадга мувофиқ буюрилган дорилар таъсирида ҳам нажас узоқ вақт суюқроқ ҳолатда бўлиши мумкин. Ректоромоноскопияда катарал ёки катарал-геморрагик проктосигмоидит, айрим ҳолларда йирикроқ ярали ўзгаришларни кўриш мумкин (В.Н.Красноголовец, 1989).

Мавзу бўйича тест саволлари:

1. Диарея билан кечадиган касаллик учун қайси клиник симптом умумий ҳисобланади?
 - А. Ич кетиш, қусиш, олигаурия;
 - Б. Интоксикация, истима, холсизлик;
 - В. Қусиш, холсизлик, бош оғриғи;
 - Г. Тана ҳароратини кўтарилиши, холсизлик, қусиш.

2. Қайси юқумли ичак касаллигига қоринда нисбатан оғриқ қузатилмайды?

- А. Вабо;
- Б. Дизентерия;
- В. Сальмонеллөз;
- Г. Эшерихиоз;
- Д. Амёбиаз.

3. Қайси юқумли ичак касаллигига колитик синдром күпроқ қузатилади?

- А. Дизентерия;
- Б. Озиқ-овқат токсикоинфекцияси;
- В. Сальмонеллөз;
- Г. Эшерихиоз;
- Д. Амёбиаз.

4. Қайси юқумли ичак касаллигига колитик синдром кузатилмайды?

- А. Овқат токсикоинфекцияси;
- Б. Эшерихиоз;
- В. Дизентерия;
- Г. Амёбиаз;
- Д. Сальмонеллөз.

5. Қайси юқумли ичак касаллигига ахлатнинг ранги қўқимтириш ва бадбўй бўлади?

- А. Сальмонеллөз;
- Б. Дизентерия;
- В. Вабо;
- Г. Эшерихиоз;
- Д. Гельминтоз.

6. Қайси юқумли ичак касаллигига йўғон ичакнинг дистал қисми кўпроқ яллиғланади?

- А. Дизентерия;
- Б. Сальмонеллөз;
- В. Вабо;
- Г. Ичак иерсиниози;
- Д. Ўлат.

7. Кучли сувсизланиш белгилари қайси ичак инфекциясида кузатилади?

- А. Вабо;
- Б. Салмонеллёз;
- В. Дизентерия;
- Г. Эшерихиоз;
- Д. Лямблиоз.

8. Йўғон ичакни дистал қисмини ўткир яллиғланишида ректоскопияда қандай патологик ўзгаришлар аниқланмайди?

- А. Атрофик проктосигмоидит;
- Б. Катарал проктосигмоидит;
- В. Катарал эрозив проктосигмоидит;
- Г. Ярали сигмоидит;
- Д. Некротик сигмоидит.

9. Эрозив, геморрагик ва ярали проктосигмоидит қайси ўткир ичак инфекциясида кўпроқ учрайди?

- А. Дизентерияда;
- Б. Озиқ – овқат токсикоинфекцияси;
- В. Салмонеллёз;
- Г. Вабо;
- Д. Ботулизм.

10. Қайси ўткир ичак инфекциясида йўғон ичакнинг пастки (дистал) қисми ректоскопияда кўрилганда яллиғланиш белгилари қўринмайди?

- А. Вабо;
- Б. Дизентерия;
- В. Эшерихиоз;
- Г. Амёбиаз;
- Д. Корин тифи.

11. Сальмонеллёзда қайси клиник шакл кузатилмайди?

- А. Бирламчи сурункали;
- Б. Гастритик;
- В. Гастроэнтероколитик;
- Г. Тифга ўхшаш (ичак бузилиши билан ўтадиган хили);
- Д. Энтероколитик.

12. Қуидаги текшириш усулларидан қайси бири ичак амёбиази этиологиясини аниқлайды?

- А. Нажас микроскопияси;
- Б. Ректороманоскопия;
- В. Биликультура;
- Г. Гемокультура;
- Д. Копрокультура.

13. Ўткир ичбуруғ қандай касалликлар билан таққосланади?

- А. Салмонеллөз, эшерихиоз, түғри ичак раки;
- Б. Аскаридоз, лямблиоз;
- В. Геминолипидоз, амёбиаз;
- Г. Бруцеллөз, носпецифик ярали колит;
- Д. Күйдирги, ичак раки.

14. Ичбуруғ колит шаклидаги нажас хусусиятини кўрсатинг:

- А. Оз-оздан қўп миқдорда, шиллиқли, қоннинг қўп бўлиши;
- Б. "Малина желеси"га ўхшаган;
- В. Қўп миқдорда суюқ шиллиқли;
- Г. Гуруч ювинди сувидек;
- Д. Қоннинг қўп бўлиши.

15. Ичбуруғ колитик шаклига тегишли клиник белгини кўрсатинг:

- А. тенезм ва ёлғон чақирувлар;
- Б. ични қўп миқдорда сувсимон кетиши;
- В. қабзият ва ич кетиш алмашиниб туриши;
- Г. ични малинасимон характерлиги;
- Д. аҳлат қон билан кетиши.

16. Ўткир ичбуруғ ташхисида қандай лаборатор усуллар кўлланилади?

- А. нажасни бактериологик текшируви;
- Б. бурундан суртма олиш;
- В. перианал соҳадан суртма;
- Г. копроскопия;
- Д. биохимик.

17. Вабода бактериологик текшириш учун олинадиган моддаларни кўрсатинг:

- А. нажаси ва қусуқ моддаси;
- Б. ҳалқумдан суртма олиш;
- В. тўғри ичакдан суртма олиш;
- Г. перианал қатламидан суртма олиш;
- Д. бурундан суртма олиш.

18. Вабони 5 та клиник хусусиятини кўрсатинг:

- А. тўсатдан бошланиши, ич келиши суюқ оғриқсиз, гуруч ювиндисига ўхшаш, хидсиз;
- Б. қоринда кучли хуружли оғриқ бўлади;
- В. ич кетиши қўланса хидли, шиллиқ аралаш, доимий кўнгил айниши, қайт қилиш;
- Г. узоқ вақт давомли юқори тана ҳарорати, кўнгил айниш билан қайт қилиш;
- Д. кўнгил айниш билан қайт қилиш.

19. Вабо ва салмонеллёзниң фарқловчи белгиси:

- А. Кўнгил айнимасдан қайт қилиш;
- Б. Терида розеолёз тошмалар;
- В. Қон аралаш суюқ ахлат;
- Г. Кўнгил айниш, қайт қилиш;
- Д. Қонли балғам.

20. Эшерихиозниң вабога ўхшаш турига характерли бўлмаган белги:

- А. Тенезмлар;
- Б. эпигастрый ва киндик атрофида хуружсимон оғриклар;
- В. кўнгил айниш, қайт қилиш;
- Г. сувсимон ич кетиш;
- Д. сариқлик.

21. Салмонеллёз гастроинтестинал шаклида клиник белгилар мажмуини кўрсатинг:

- А. Интоксиация белгилари, ошқозон-ичак заарланиши;
- Б. Гипотензив синдром;
- В. Оғриқ ҳисобига бехушлик;
- Г. Гипертензив синдром;
- Д. Интоксиацион шок.

22. Салмонеллөз гастроэнтерит шаклининг клиник белгисини кўрсатинг:

- А. Истима, қалтираш;
- Б. Ичнинг қўп, суюқ кетиши;
- В. Қўнгил айниши, қайт қилиш;
- Г. Қориннинг ҳамма ерида оғриқ, нохушлик;
- Д. Бош оғрифи.

23. Салмонеллөз гастроэнтерит турида нажаснинг хусусиятини кўрсатинг:

- А. Суюқ, қўп миқдорда кўкимтир, кул ранг, бадбўй, қўланса хидли, бир оз шиллик билан;
- Б. Оз-оздан кўпиксимон;
- В. Шиллик ва қўп миқдорда, қонли;
- Г. Ҳазм бўлмаган овқат қолдиқлари билан бўтқасимон;
- Д. Қўланса хидли, бир оз шиллик билан.

24. Овқат токсикоинфекцияси биринчи соатлари учун қўйидаги асосий симптомлар характерли:

- А. ўткир бошланиш, қўнгил айниши ва қайт қилиш;
- Б. аста-секин бошланиш, қўнгил айниши ва қайт қилиш йўқлиги;
- В. «малина желеси» шаклидаги нажас;
- Г. шиллик ва қонли суюқ нажас, гипертермия;
- Д. бош оғрифи, ич кетиш.

25. Салмонеллөз гастроинтестинал шакли таққосланадиган касалликларни кўрсатинг:

- А. Инфаркт миокарди, вабо;
- Б. Вирусли гепатит;
- В. Ошқозон ичак яра касаллиги;
- Г. Менингит;
- Д. Лептоспироз.

26. Бактерияли овқатдан заҳарланишга хос булган хусусиятларни кўрсатинг:

- А. тўсатдан бошланади ва оммавий заарланиш бўлади;
- Б. касаллик аста-секин бошланади;
- В. юқори ва узоқ давомли иситма бўлади;
- Г. тезда сурункали шаклга ўтади ва узоқ кечади;

Д. хушдан кетиши.

27. Қиёсланганда ичбуруғға хос белгиларни курсатинг:

- А. ўткір бошланиши, эт увушиб мушаклар оғриши, қоринда оғриқ, ични тез-тез шиллиқли, қонли кетиши;
- Б. тұсатдан бошланиши, күнгил айниш, қусиши, ични шир-шир кетиши, бадбүй хидли;
- В. ўткір бошланиши, ични шир-шир кетиши, күнгил айнимасдан қусиши, қоринда оғрик бўлмаслиги;
- Г. аста-секин бошланиши, ҳарорат қўтарилемай ўнг томонда оғриқ, нажас қонли, шиллиқ, йириңг аралаш.

28. Қиёсланганда ичбуруғ учун хос нажас характери:

- А. суюқ шиллиқ, қонаралаш, камроқ;
- Б. суюқ шиллиқ, қон, йириңг аралаш кўп хажмда;
- В. суюқ сувсимон, кўпикли, бадбүй хидли;
- Г. суюқ сувсимон, рангиз, картофель хидли;

29. Ичбуруғ колитик шаклини қиёслаш:

- А. амёбиаз, балантидиаз, сальмонеллёз;
- Б. парапроктит, сфинктерит, тўғри ичак полипози;
- В. нохос яраликолит, ичак ўсмаси, сурункали спастик колит;
- Г. ботулизм, корин тифи, вирусли гепатит А.

30. Ичак амёбиазини қиёсий ташхислаганда унинг учун хос белгилар:

- А. касалликнинг секин бошланиши, қориннинг ўнг қисмида оғриқ, нажасда Шарко-Лейден кристаллари, эозинофиллар топилиши;
- Б. касалликнинг ўткір бошланиши, чап ёнбош соҳасида оғриқ, нажас суюқ, қон, шиллиқ ва йириңг аралаш, ёлғон чақирав, тенизмлар;
- В. ўткір бошланиши, ичнинг шир-шир патологик аралашмаларсиз кетиши, киндик атрофида оғриқ, кулдираш;

31. Қиёсланганда амёбиазга хос белгилар:

- А. ўткір бошланиш, қисқа иситма, қоринда оғриқ, ичнинг тез-тез шиллиқ ва қонлик кетиши;
- Б. тұсатдан бошланиш, күнгил айниб қусиши, ични шир-шир кетиши, бадбүй хидли, оғриқ;
- В. ўткір бошланиш, ични шир-шир кетиши, күнгил айнимасдан қусиши, қоринда

оғриқ бўлмаслиги;

Г. аста-секин бошланиши, ҳарорат кўтариilmайди, ўнг томонда оғриқ, нажас қон, шиллик, йиринг аралаш.

32. Қиёсланганда вабога хос белгилар:

А. ўткир бошланиш, қисқа иситма, қоринда оғриқ, ичи тез-тез шиллиқли;

Б. тўсатдан бошланиш, кўнгли айниб қусиш, ичи шир-шир кетиши бадбўй ҳидли оғриқли;

В. ўткир бошланиши, ичи шир-шир кетиши, кўнгли айнимасдан қусиш, қоринда оғриқ бўлмаслиги;

Г. аста – секин бошланиш, ҳарорат кўтариilmайди, ўнг томонда оғриқ, нажасда қон, шиллик йиринг аралаш.

33. Қиёсланганда вабога хос нажас характери:

А. суюқ шиллик, қон, йиринг аралаш, камроқ;

Б. шиллик, қон, йиринг аралаш, кўп ҳажмда;

В. суюқ, сувсимон, кўпикли, бадбўй ҳидли;

Г. суюқ, сувсимон, рангиз, картофель ҳидли.

34. Ич терлама билан қиёсланмайдиган касаллик:

А. Ботулизм;

Б. Ичбуруғ;

В. Тошмали тиф;

Г. Вабо.

35. Қиёслаганда сальмонеллёзга хос белги:

А. ўткир бошланиши, қисқа иситма, қоринда оғриқ, ични тез-тез шиллиқли, қонли кетиши;

Б. тўсатдан бошланиб, кўнгил айниш, қусиш, ични шир-шир кетиши, бадбўй ҳидли, оғриқли;

В. ўткир бошланиши, ични шир-шир кетиши, кўнгил айнимасдан қусиш;

Г. аста-секин бошланади, ҳарорат кўтариilmайди, ўнг томонда оғриқ, нажас қон, шиллик, йиринг аралаш.

36. Қиёслаганда сальмонеллёз учун хос нажас характери:

А. суюқ, шиллик, қон, йиринг аралаш, кам миқдорда;

Б. шиллик, кон, йиринг аралаш, кўп ҳажмда;

- В. Суюқ, сувсимон қўпикли, бадбўй хидли суюқ;
 Г. сувсимон, рангсиз, картофель хидли.

37. Қиёслаганда сальмонеллёзга хос белгилар:

- А. ични шир-шир кетиши, тана ҳарорати тушиши, қусиш, қоринда оғриқ бўлмаслиги, ич сувсимон, ҳидсиз;
- Б. ични шир-шир кетиши, тана ҳарорати юқори, ич бадбўй хидли, кўнгил айниши, қусиш;
- В. қорин чап ёнбош соҳасида оғриқ, ич аввалига шир-шир кетиши, кейинчалик шиллик, қон аралаш.

38. ОТИ билан касалланган бемор учун хос белгилар:

- А. кўпроқ ўткир бошланади, эпигастрияда ва киндик атрофида оғриқ, ичнинг суюқ, бадбўй кетиши;
- Б. касаллик йилнинг иссиқ вақтида учраши;
- В. кўпроқ аста-секин бошланиши, ён томонидан оғриқ, ичи шиллик ва қон аралаш, касаллик йилнинг хамма даврида учрайди;
- Г. тўсатдан бошланиш эпигастрияда оғриқ, кўнгил айниш, қусиш.

Ўзлаштирилган билимларнинг етарли ёки етарли эмаслигини текшириш учун бир қатор жумбоқли масалалар диққатингизга ҳавола қилинади:

1-масала.

Бемор К. тўлғоқли оғриқнинг қорин пастида бўлиши, суюқ нажас (1 суткада 8 марта гача), таркибида шиллик моддалари борлиги, шикоятлари билан ҳаким кўригига бўлган. Бактериологик текширувда Плоскирёв озуқа моддасига экилганда шигеллалар ўсган. Кўрикда bemor аҳволи ўртача, ҳарорати $38,2^{\circ}\text{C}$, тери оқарган. Қорин пальпациясида чап биқин соҳасида оғрик сезилади, сигмасимон ичак қаттиқроқ арқончадек қўлга илинади.

Диагнозни тула куйинг.

2-масала.

Бемор Б. 30 ёшда. Ўзини 2 кун давомида хаста деб ҳисоблади. Касалланиш ҳароратининг кўтарилиши, совқотиши, кўнгил айниши, қусиш, қорин оғриғи, тез-тез суюқ бадбўй ич кетиши билан бошланган. Эпидемиологик анамнезидан шу нарса маълум бўлдики, bemor касалланишдан 5-6 соат олдин бозордан сотиб олинган сомсани истеъмол қилган экан.

Ташхис қўйинг.

Қандай касалликлар билан таққослаш керак?

Ташхисни аниқлаш учун қандай лаборатория текширувларини режалаш лозим.

3-масала.

Бемор К. 37 ёшда. Ҳиндистондан келган. Кейинги 2 йил мобайнида ичининг тез-тез бузилишига, нажасига шиллик, қон аралаш «Малина қиёми»га ўхшаш бўлганлигига шикоят қилган. Бундай ўзгаришлар давосиз ўтган. Оҳирги марта 15 кун олдин қоринда оғриқ, кучанишлар кузатилган. Тана ҳарорати 38°C бўлган. Териси ва шиллик қаватлари бироз оқарган. Тилида караш, бироз қурукроқ. Қоринни пайпаслаб кўрилганда, ошқозон соҳаси ва йўғон ичак бўйлаб оғриқ, сигмасимон ичак бироз оғриқли, жигари 1,5 см. катталашган. Периферик қон таркибидаги лейкоцитлар 12000, нейтрофиллар 72%. ЭЧТ 32 мм/соат. Нажас таҳлили: Нажас бироз суюқлашган, шиллиқли, қонли, микроскоп текширувларида лейкоцитлар, эритроцитлар, Шарко-Лейден таначалари топилган. Қайта бактериологик текшириш натижалари ичбуруғ касаллигига салбий бўлган.

Ташхис қўйинг.

Текширув режасини тузинг.

4-масала.

Бемор Н. 32 ёшда. Касалликнинг 1-кунидан шифохонага тушган. Касаллик ўткир бошланган. Аввал тез-тез суюқ ич кетиши тезда қайта-қайта қусиш кузатилган.

Шифохонадаги кўриқда bemor оғир аҳволда тана ҳарорати $36,4$ градус. Кучли сувсизланиш белгилари: тери қурук, таранглиги пасайган. Томир уриши 1 минутда 100 марта тўлиқсиз. Қон босими $80/40$ мм сим. уст. Юрак тонлари бўғиқ. Беморнинг тили қурук, карашли. Қорин ичига тортилган, пайпаслагандан ичак бўйлаб ғулдираш эшитилади. Бемордан ажралган нажас ва қусуқ сувли, ипир-ипир шилимшиқ парчалари бўлган оқимтирип суюқликдан иборат, сийдик кам миқдорда ажралган.

Бу bemorda қайси синдром касалликнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Ташхисни асослаш учун қайси лаборатор текширувларни ўтказиш керак.

5-масала.

Бемор Р. 30 ёшда. Шифокорга қуйидаги шикоятлар билан мурожаат этади: умумий ҳолсизланиш, бош айланиши, уйқучанлик, тез чарчаш, меҳнат

қобилятигининг пасайиши, диспептик ҳолат, тана ҳароратининг кўтарилиши, бемор бир йилдан бери умуман ҳолсизланиб, дармонсизланиб кетаётганини сезган. Беморнинг аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб, бош айланишлар қўшилган. Иштаҳаси пайсайган. Кўнгли айниб, вақти-вақти билан қусган. Нажас келиши бузилган. Ўқтин-ўқтин киндик атрофида оғриқ қузатилган. Бемор касалхонага келишидан 2 кун олдин дудланган балиқ еганлиги аниқланган. Қоннинг умумий тахлилида: Эр-3 млн. Нв – 68 г/л. р.к.- 0,9, л- 4,2 x 10⁹ г/л. Нейтрофиллар -62%. Лимфоцит- 22%, моноцит – 7%. Эчт- 25 мм/соат. Беморнинг аҳволи нисбатан қониқарли, терининг ранги ва шиллиқ қаватларнинг ранги оқарган. Тили нам, қорин юмшоқ, пайпаслагандаги киндик атрофида оғриқ. Жигар қовурға ёйидан 1,5 см катталашган. Талоқ шишмаган.

Бу масалада bemорда қандай клиник синдромлар намоён бўлган?

Гемотологик кўрсаткичларни баҳоланг.

Қиёсий ташхисот ўтказинг.

Ўзлаштирилган билимларингизни текшириш мақсадида ишчи дафтарларингизга қўйидаги назологик шакллар учун қиёсий ташхисот жадвалларини тузинг:

- Ичбуруғ ва сальмонеллёз.
- Сальмонеллёз ва вабо.
- Ичбуруғ ва амёбиаз.
- Ўткир ичак инфекциялари ва ўткир ичак касалликлари.
- Ичбуруғ ва эшерихиоз.
- Эшерихиоз ва сальмонеллёз.
- Ичбуруғ ва йўғон ичак ўсмаси.
- Ичак лямблиози ва энтероколит.

3.6-жадвал.

Юқоридаги касалликларнинг қиёсий ташхисот жадваллари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

Кўрсаткичлар	Ичбуруғ	Амёбиаз
Кўзғатувчи		
Эпидемиологик анамнез		
Турғунлик даври давомийлиги		
Касаллик бошланиши		
Тана ҳарорати ошиши		
Умумий захарланиш белгилари кўриниши		
Қоринда оғриқ ва тавсифи		
Пайпаслаганда ичак тавсифи		
Ёлғон чақирувлар ва тенезм		
Ич кетиш сони		
Нажас тавсифи		
Умумий қон кўриниши		
Морфологик ўзгаришлар		
Тахмин		

4 БОБ

САРИҚЛИК СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ДИАГНОСТИКАСИ.

4.1. САРИҚЛИК БЕЛГИСИ ҲАҚИДА

Умумий амалиёт шифокори фаолиятида сариқликнинг ривожланиши билан кечадиган жуда кўп терапевтиқ, хирургик ва гематологик профилдаги касалликлар учрайди ва шу билан бирга ўша вақтда уларнинг этиологиясини аниқлаш, айниқса ҳар бир ҳолатда шифокорнинг тактикасини белгилаш жуда қийин. Сариқлик сабабини тўғри аниқлаш, шифокорнинг тўғри тактикаси - касалликнинг оқибатига таъсир кўрсатади. Сўнгги йилларда вирусли гепатитларни гипердиагностикаси ҳолатлари кўпайган ва сариқлик белгиси бўлган кўпчилик bemorlar юқумли касалликлар шифохонасига юборилмоқда.

Бунинг сабабларидан бири гепатология бўйича билимларнинг юқори савияда бўлмаслиги, иккинчи сабаби – поликлиника тизимида текширувлар чукуррок ўтказилмаслиги, bemorни қабул қилаётган вақтда клиник хусусиятларни таҳлили учун етарли вақтнинг етишмовчилиги, ҳамда лаборатор хизмат имкониятларининг сустлиги ҳисобланади.

Бошқа муаммо механик сариқликларнинг гипердиагностикаси ҳисобланади, бунда bemor хирургик ва онкологик бўлимларга ётқизилади ва асосланмаган ҳолда микро ва макрохирургик аралашувлар ўтказилади, бу касалликнинг кечишини ва оқибатни оғирлаштиради. Беморнинг руҳияти онкологик касалликларнинг гипердиагностикаси (канцерофобия ва б.) туфайли яна бир катта талофат кўради.

Мазкур бобда биз сариқлик билан намоён бўладиган қатор юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ёритишга уриндик. Уларга ўткир ва сурункали вирусли гепатитлар A, B, C, D, E, герпес вируси, ЭКХО ва КОКСАКИ вируслари, арбовируслар, аденоvируслар чақирган гепатитлар, ҳамда иерсениялар, сальмонеллёз инфекция, риккетсиялар ва бошқалар чақирган бактериал гепатитлар киради. Юқумли бўлмаганларига механик ва гемолитик сариқликлар киради.

Гепатит касалликларини моҳиятини яхши ва равшан тасаввур қилиш учун жигарнинг гистологик тузилиши ва физиологик фаолияти хақида етарли тушунчага эга бўлмоқ керак.

Маълумки, жигар организм фаолиятида мухим роль ўйнайдиган ва жуда мураккаб функциялар бажарадитан органдир. Жигарнинг асосий массаси эпителиал ҳужайралар (гепатоцитлар)дан ташкил топган. Жигарда артерия ва

вена қон томирлари, ўт суюқлиги ҳаракат қиласиган ўт капиллярлари ва ўт йўллари мавжуд.

Жигар бажарадиган функцияларни шартли равища иккига бўлиш мумкин: 1) Модда алмашинув жараёнида иштирок этиш ва турли заарли моддаларни заарсизлантириш функцияси; 2) Ўт суюқлиги ишлаб чикариш функцияси.

Жигарда V.рота орқали келган микроблар ҳалок бўлади, заарли моддалар заарсизланади ва озуқа моддалари ҳар хил биохимик ўзгаришларга учрайди.

Жигар arteria hepatica орқали кислородга бой артерия қони билан таъминланади. V. рота орқали меъда, ичакдан, қора талоқдан ва ошкозон ости безидан жуда мураккаб моддалар келади. Улар жигарнинг физиологик фаолияти учун зарур асосий моддалардир.

Жигар артерияси ва V. porta томирлари жигар бўлаклари оралиғида майда томирларга тарқалиб кетади. Артерия ва вена томирлари қўшимча томирлар воситасида бир-бирлари билан қўшилиб кетган. Шундай қилиб, жигар паренхимаси бир-бири билан аралашган артерия ва вена қонлари билан таъминланади. Жигардаги қон томирларда қон секин ҳаракат қиласи. Қон ҳаракатини тезлатиб ва секинлатиб турадиган маҳсус мосламалар мавжуд. Жигарга келаётган қондаги моддаларнинг таркибига қараб, қон ҳаракати тезлиги ўзгариб туради.

Бир кеча-кундузда одам организмида 500 мл дан 1000 мл гача ўт суюқлиги ҳосил бўлади. Оқсил, айниқса ёғ моддаларнинг ҳазм бўлиши учун кўпроқ ўт суюқлиги талаб қилинади. Карбон сув моддаларига ўт суюқлиги кам керак бўлади.

Маълумки, эритроцитлар 3—4 ой фаол хизмат қилиб, кейин емириладилар (гемолиз). Эритроцитлар гемолизи натижасида глобин ва гемин моддалари ҳосил булади. Гемин таркибида темир моддаси бор. Геминдан темир моддаси ажраб чиқади ва қолганига сув қўшилиб билирубинга айланади. 1 г гемоглобиндан 40 мг ўт пигментлари ҳосил бўлади. 1 г геминдан 0,9 г билирубин пайдо бўлади. Билирубин ретикулоэндотелия тўқимаси бўлган ҳамма органларда ҳосил бўлади. Бир кеча-кундузда ҳамма эритроцитларнинг 1 фоизи емирилади. Бунинг натижасида 6—7 г гемоглобин ажралади, ундан 200—250 мг билирубин ҳосил бўлади. Билирубин осонгина тўқималарга, жумладан марказий нерв система тўқимасига ўрнашиб олади. Натижада организмда кўп миқдорда билирубин тўпланади ва қисман интоксикацияга сабаб бўлади. Бу билирубин организмдаги суюқликларда, шу жумладан қонда эримайди. Билирубинга осонгина оқсил моддалари, жумладан альбумин бирикади. 1 г

альбумин 15—16 мг билирубинни бириктира олади. Кондаги альбумин билан бириккан билирубин тери ости туқималарида ўрнашиб ололмайди. Билирубиннинг келгуси ўзгаришлари гепатоцитлар фаолиятига боғлик. Гемоглобиндан ҳосил бўлган ва ҳали бошқа моддалар билан қўшилмаган эркин билирубинни гепатоцитлар ютиб олади. Гепатоцитларда билирубин глюкурон кислотаси билан бирикади ва билирубин глюкуронид ҳосил булади. Билирубин — глюкуронид (бириккан билирубин) ўт капиллярларига тушиб, сўнgra ўт йўллари ва ductus choledohus бўйлаб ўн икки бармоқли ичакка тушади. Демак, жигар ўт суюқлигини ҳосил қиласди ва уни ичакка туширади. Жигарнинг ўт суюқлиги ҳосил қилиш функцияси бузилса, одам организмида маълум ўзгаришлар юз беради, аммо бундай одам бир неча ҳафтадан бир неча ойгача яшashi мумкин. Жигарнинг метаболик функцияси бузилганда, чуқур ва ҳаёт учун ҳавфли ўзгаришлар юз беради. Агар метаболик функция бутунлай издан чиқса, одам бир неча соат ичида ҳалок бўлади. Масалан, ошқозон ости безида рак ўсмаси пайдо бўлиб, ўт йўлинни буриб қўйганда, ичакка ўт суюқлиги тушмайди, одамнинг бадани сарғайиб кетади. Лекин бундай одам бир неча ой давомида ҳаёт кечириши мумкин. Ўткир жигар дистрофиясида, яъни жигар хужайралари ёппасига емирилганда, бемор бир неча кун ичида ўлади.

Паренхиматоз гепатитларда қондаги бирикмаган эркин билирубинни гепатоцитлар томонидан ютиб олиши сусаяди ва қонда бирикмаган билирубин миқдори кўпаяди. Глюкурон кислотаси билан бириккан билирубинни гепатоцитлар томонидан чиқариш функцияси (экскреция) ҳам сусаяди. Ундан ташқари, ўт капиллярларida ўт суюқлиги секин ҳаракат қилиши оқибатида, ўт пробкалари пайдо бўлиб, ўт капиллярларини беркитиб кўяди. Натижада ўт суюқлиги тўпланиб қолади ва қонга шимилади ва қонда бириккан билирубин миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, вирус қўзғатадиган гепатитда қон таркибида ҳам бирикмаган ва ҳам бириккан билирубин миқдори кўпаяди. Бирикмаган билирубин буйрак фильтридан ўтмайди ва сийдик орқали чикарилмайди. Бириккан билирубин суюқликда эрийдиган бўлади ва буйрак фильтридан ўтиб сийдик орқали чиқарилади. Сийдикни текшириб, ўт пигментлари борлиги аниқланганда, бириккан билирубин назарда тутилади.

Жигар моддалар алмашинуви жараёнида жуда муҳим роль ўйнайди. Ҳар битта жигар хужайрасида — гепатоцитда жуда кўп хил ферментлар мавжуддир. Уларнинг актив иштирокида мураккаб моддалар алмашинув жараёни юз беради. Қонга тушадиган ана шу ферментларнинг кўп ёки озлигини аниқлаб, жигар паренхимасидаги емирилишнинг қай даражада экани ҳақида фикр юритиш мумкин.


Йўғон ичақда билирубиндан кислород ажраб чиқади ва уробилиноген ва уробилин ҳосил бўлади. Уробилиннинг 30—40 фоизи – V.ротae оркали жигарга боради. Қолгани ахлат билан чиқарилади ва бир қисми парчаланади.

Жигарда уробилиннинг бир қисми яна билирубинга айланади, бошқа бир қисми, хали етарли текширилмаган моддага айланади ва бу модда суяк кўмигига бориб, у ерда гемоглобин ҳосил бўлишида иштирок этади. Ниҳоят уробилиннинг жуда озгина қисми қонга шимилади ва кейин буйрак оркали ташқарига чиқарилади. Сийдик оркали чиқариладиган уробилин фақат ичақда ҳосил бўлади. Ўт суюқлиги ичакка мутлақо тушмаган ҳолатда (масалан, гепатитнинг энг зуриқкан даврида) сийдикда уробилин йўқолади, унда фақат билирубин бўлади (11-расм).

Гепатоцитларда мой кислоталаридан ўт кислоталари пайдо бўлади. Гепатитда, гепатоцитлар заарланганлиги ва бинобарин уларнинг функцияси бузилганлиги сабабли, ўт кислоталари камроқ бўлади. Ўт кислоталари ёғ моддаларини ҳазм қилишда иштирок этади. Жигар функцияси ёғ моддалари алмашинуви билан бевосита боғлиқ.

Машҳур физиолог Клод Бернар қуидагиларни аниқлаган: 1) жигарда углеводлар гликогенга айланади, 2) жигарда гликогендан қанд моддаси ҳосил бўлади, 3) жигарда гликоген фақат углевод моддаларидангина эмас, балки бошқа моддалардан, шу жумладан оксил моддалардан ҳам ҳосил бўлади; 4) истеъмол қилинган овқатнинг таркибидан қатъи назар, ҳатто организм оч қолган холда ҳам, қанд ҳосил бўлаверади; 5) жигарда қанд бўлиши унинг ички секретор функциясига боғлиқдир.

Сариклик (icterus) – бу қонда билирубин миқдорининг (20 мк/моль/л дан юқори) ошиши натижасида унинг тери ва шиллиқ қаватларига йиғилиши билан боғлиқ бўлган сарғайиш. Склеранинг сарғайиши қонда билирубин 50 мк/моль/л, терининг сарғайиши қонда билирубин 80 мк/моль/л кўтарилганда кузатилади.



11-Расм. Билирубин алмашувини схематик куриниши.

Сариқлик табиий кундузги ёруғлиқда яхши күринади. «Ёлғон сариқлик» деган тушунча ҳам бор, бу холатлар күпинча диабетда, қатор воситаларни - акрихин, пикрин кислотаси ва бошқаларни узоқ муддат қабул қылғанда, каротин сўрилишининг бузилиши билан боғлиқ. Ёлғон сариқликда сариқлик кафтлар ва товонларда кузатилади, склерада бўлмайди.

Сариқликнинг келиб чикиш патогенетик типларининг классификациясига асосан (А.Ф. Блюгер, 1968) сариқликнинг 3 та тури фарқланди:

Жигар усти сариқлиги - (күпинча гематологик касалликларда кузатилади).

Жигар - паренхиматоз сариқлик - жигарнинг вируслар, бактериялар, токсинлар билан заарланишидан келиб чиқади.

Жигар ости сариқлиги келиб чиқишида ўт йўлларининг тўсилиши ётади (тош обтурацияларида, шикастланишларида). Механик сариқлик деб ҳам юритилади.

Сариқлик белгиси билан кечадиган патологик холатлардан энг кўп учрайдиганлари бу А, В, С, Д, Е вирусли гепатитлар бўлиб, инфектологиянинг энг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади.

4.2. ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАР

Вирусли гепатит А. Вирусли гепатитлар орасида энг кўп учрайдиган - бу вирусли гепатит А (ВГА) – барча гепатитларнинг 20-40% ини ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларда ВГА билан касалланиш ривожланаётган мамлакатларга нисбатан паст. ЎРВИ ва ичак инфекцияларидан кейин 3-ўринни эгаллади.

Ўзбекистонда ВГАнинг сўнгги эпидемияси – 1997 йилда кузатилган. Касаллик фекал-орал йўл билан юқади: ифлос қўллар, ювилмаган мева ва сабзавотлар, ифлосланган сув орқали.


Вирусли гепатит А учун касалликнинг ўткир бошланиши, сариқлик олди даврининг мавжудлиги хос. Бошланишида диспептик, катарал, баъзан астеновегетатив белгиларнинг ҳамкорлиги хос ҳисобланади.

Кўпинча сариқлик олди даврида беморлар «ЎРВИ», «овқатдан захарланиш» ташҳиси ва бошқалар билан уйда даволанади. Пешобнинг тўқлашиши ва склеранинг сарғайиши билан сариқлик даврига қадам қўйилади. Кўпинча сариқлик пайдо бўлиши билан бемор аҳволи яхшиланади. Касаллик кўпинча енгил ва ўрта оғир шаклларда кечади, ҳамда 95% ҳолларда тузалиш билан якунлади.

ВГА билан аксарият холларда кичик ёшдагилар касалланади ва ташҳис - эпидемиологик анамнезга, сариқлик олди даврининг мавжудлига, жигар ўлчамларининг катталashiшига, сариқликнинг борлигига, пешобнинг тўқлашишига ва нажаснинг рангизланишига асосан қўйилади.

Коннинг биокимёвий таҳлилида: гиперферментемия (АЛТ ва АСТнинг ошиши), гипербилирубинемия, пешобда ўт пигментлари мусбат. Якуний ташҳис маркёрларни: анти - ВГА-Jg M ва JgGни аниқлаш асосида қўйилади.

ЖССТ маълумотига кўра, дунё аҳолисининг 1/5 қисми вирусли гепатит В (ВГВ) билан заарланган ва ҳозир уларнинг 5% и - 550 млн. одам ВГВ вируси ташувчилари ҳисобланди. Ўзбекистонда 20% аҳолида ВГВга қарши антитаначалар аниқланди, 7% ини ташувчилар ташкил этади. Ҳар йили ВГВдан 2 млн га яқин одам ҳалок бўлади, уларнинг 100 мингтаси яшинсимон шаклидан, 500 мингтаси ўткир инфекциядан. ВГВ кўпинча катта ёшдагиларда, айниқса 40 ёшдан кейин ва 1 ёшгacha бўлган болаларда учрайди.



12-расм. Вирусли гепатит А маркёрларини қон зардобида аникланиши

Вирусли гепатит В. Заарланиш материали ВГВ ўткыр ва сурункали шаклларидағи беморлар – қон ва унинг маҳсулотлари, сперма, сұлак, қин ажралмалари, тер, күз ёши бўлиб ҳисобланади. ВГВ билан заарланганларнинг 38% - наркоманлар, 7% - ВГВ билан заарланган оналардан туғилган чақалоқлар, 5% - жарроҳлик амалиёти ўтказганлар, 6% - стоматологик поликлиникаларда даволангандар, 3% - терапевтик bemorлар ҳисобланади.

Беморларни ВГВ билан заарланиши парентерал йўл орқали, яъни турли вена, мушак ичига ва ҳар хил манипуляциялар, операциялар, стоматолог кўригига юз беради, хирурглар, стоматологлар, акушерлар, қон лабораториялари ишчилари ҳавф гурухидагилар бўлиб ҳисобланади.

Гепатит В нинг муҳим фарқловчи хусусияти шундаки, сариқлик бошланиши билан касалликнинг ўзига хос кечиши бўлиб, унинг оқибати ҳар доим ҳам ижобий бўлиб якунланмайди.

Вирусли гепатит В аста-секин бошланиб, сариқлик олди даври 2 ҳаftага чўзилиши мумкин, кўпинча артralгик синдром муҳим ўрин эгаллади, астения ва интоксикация белгилари яққол намоён бўлган ва улар сариқлик даврида ҳам сакланади. Гепатит В нинг продромал даври зардоб касаллигини эслатиши мумкин. Эшакеми ёки додли-папулез тошмалар, майда бўғимлар полиартрити (25% ҳолларда) хос. Айрим ҳолларда гепатит В нинг яшинсимон шакллари кузатилади, у кўпинча ўлим билан якунланади.

5-10% ҳолларда вирусли гепатит В дан кейин ташувчанлик, сурункали гепатит, жигар циррози, гепатоцеллюляр карцинома ривожланиши мумкин.


Вирусли гепатит В ни диагностикасида маркёрларни аниқлаш мухим ҳисобланади.

HBV- инфекция маркёрлари:


- **HbsAg** - юзаки антиген, вирус билан заарланганлиқдан далолат беради. Заарлангандан 1,5 ойдан сўнг қонда аниқланади ва турли хил муддатларда сақланади.
- **Анти-HBs** - тугалланган жараёндан ва эмлашдан кейинги холатдан дарак беради.
- **HBcAg** - гепатоцитда вирус репликасини кўрсатади ва эркин холда қонда аниқланмайди.
- **Анти-HBc IgM** - касалликнинг дастлабки кунларидан пайдо бўлиб, бир неча ойгача сақланади.
- **Анти-HBc IgG** - касалликни бошидан ўтказганлиги кўрсатади.
- **АнтиHBc** - вирус билан зараланганликни кўрсатади.
- **HBeAg** - (HBsAg нинг секретор бўлаги) вирус репликациясидан далолат беради. Қонда HBsAg билан биргаликда пайдо бўлади.
- **АнтиHBe** - вирус интеграциясидан далолат беради. Уни анти-HBcIgG ва антиHBs билан бирга аниқланиши организмни вирусдан бутунлай тозаланганигидан далолат беради.
- **PreS(PreS1 PreS2)** - қонда HBs Ag билан бирга баъзан олдинроқ пайдо бўлади ва актив жараённи кўрсатади.
- **Анти PreS1 PreS2** - инфекцион жараёндан кейинги иммунитетдан дарак беради.
- **HvxAg** - бу ген вирусли гепатит В нинг кичик кодланувчи регион геномидир. Бу 154 та аминокислотадан иборат.
- **АнтиHvx** - бу асосан плазмада жигар хужайралари карциномасида ва жигар вирусли циррозида аниқланади. Буни аниқлашда 3 та серологик тести мавжуд.
- **ДНК-полимераза.** Бу ферментни аниқлаш клиник гепатологияда асосий текшириш усулларида мухим роль ўйнайди. HBeAg ва бу ферментнинг аниқланиши вирусларнинг актив репликациясини билдиради.
- **ДНК** - вирусли гепатит В ДНК си HBeAg мусбат шахсларда аниқланади. Асосан сурункали гепатитларда асосий маркёр ҳисобланади. Занжирли полимераза реакциясида аниқланади.

ВГВ диагностикаси серологик текширувлар В вируси маркёрларига (HBsAg ва анти HBs, анти HBc IgM, IgG синфидағи, HBeAg ва анти HBe, ДНК-ВГВ

ПЦР усулида), уларнинг қондаги концентрациясига, элиминация ва сероконверсиянинг муддатлари асосида тасдиқланди.



13-расм. Вирус маркёрларининг вирусли гепатит «В» нинг вируслар элиминацияси ва реконвалесценция билан тугашидаги аҳамияти.



14-расм. Вирусли гепатит «В» маркёрларининг сурункали тус олишидаги аҳамияти.

Вирусли гепатит С. Вирусли гепатит С ни РНК-сақловчи вирус чақиради, у 1988 йилда АҚШ олимлари томонидан аниқланган ва ўша ерда ВГС нинг лаборатор диагностикаси ишлаб чиқилган. ВГС нинг 6 та турлари маълум. ЖССТ маълумотига кўра, дунёда 200 млн ВГС ташувчилари мавжуд. Ўзбекистонда донорлар орасида ВГС ташувчилари 20%, ВГ билан касалланганлар орасида - 6% ни ташкил этади.

ВГС наркоманлар ва татуировкага қизиқадиган шахслар орасида кенг тарқалган. Бунда заарланиш инъекцион йўл орқали содир бўлади. Касаллик шунингдек, қон ва унинг воситалари трансфузиясидан юқади.


50-60% ҳолларда ВГС билан касаллангандан кейин сурункали гепатит ривожланади, у кўпинча жигар циррозига (80%) ва жигар-хужайра ўсмасига олиб келади.

Бошқа ВГ вируслари фарқли равишда ВГС вируси қон зардобида жуда паст концентрацияларда бўлади, специфик антитаначалар кўринишидаги иммун жавоб жуда суст ва кеч, бу касалликнинг серологик диагностикасини қийинлаштиради. Инкубацион давр бир неча кундан 26 ҳафтани ташкил этади.

Касаллик аста-секин астеновегетатив ва диспептик белгилар билан бошланади, бир неча кунлардан кейин пешобнинг тўқлашиши ва нажаснинг оқариши, жигарнинг катталashiши кузатилади, фақат 15-40% беморларда сариқлик пайдо бўлади. Қон зардобида АЛТ, АСТ фаоллиги бироз ошган.

Ўткир кечиши 20-40% ҳолларда кузатилади, қолган ҳолларда жараён сурункали тус олади, у bemornинг қониқарли аҳволида турғун гиперферментемия билан ифодаланади.

Ташҳис қон зардобида анти- HCV, ҳамда РНК вирусини ПЦР ёки ИФА усулида аниқлаш асосида қўйилади.



15-расм. Гепатит С клиник натижалари.

Вирусли гепатит Д. Гепатит дельта - (HDV) вируси – унинг ташқи қавати - гепатит В вирусининг юзаки антигени (HBsAg) ҳисобланади. Танача марказида, майда РНК (ген) сакловчи, специфик антиген (AgD) бор. Ўзининг репликацияси учун гепатит Д вируси гепатит В вирусининг облигат хелпер функциясига муҳтож. Дельта-инфекция ҳамма жойда тарқалган (Жанубий Италия, Амазонка дарёсини бассейни, Африка, Ўрта Фарбий худудларда). МДҲ худудларида кўпинча: Ўрта Осиё, Молдова, Қозогистонда тарқалган.

Хусусан, ВГД кўпинча сурункали гепатит В бўлган беморларда учрайди. Дельта-инфекциясининг юқиши фақат парентерал йўл орқали юз беради.




Ривожланиш механизмига кўра, касалликнинг 3 та шакли фарқланади:

Аралаш - уткыр гепатит В ва дельта инфекция (коинфекция).

Сурункали гепатит В ва дельта ВГД (суперинфекция).

Сурункали гепатит дельта, ВГД.

Гепатит В вирусининг ташувчанлиги фонида уткыр, чўзилган ва сурункали дельта – инфекция фарқланади.

Соглом жигар**Фиброзли жигар****Жигар циррози****Жигар раки**

HCV- асорат белгилари

Компенсацияланган
Жигар циррози




Декомпенсацияланган
Жигар циррози

Жигар ишининг
бузилиши

16-расм.

Гепатит В ва Д вируси коинфекциясида – касаллик оғир кечади ва ёмон сифатли, фульминант шаклга ўтади. Касаллик ўткир тана ҳароратини кўтарилиши, 38-39°C, яққол интоксикация белгилари билан бошланади. Сариқлик олди даври 2-3 кун давом этади. Сариқлик пайдо бўлиши билан бемор аҳволи кескин ёмоналашади, геморрагик синдром, жигар ва талоқ ўлчамларининг катталаниши қўшилади. Клиник белгилар тез ривожланади,

жигар комаси асорати ривожланади ва 2-3 қундан кейин касаллик летал оқибат билан якунлади.



17-расм. Вирусли гепатит D маркерлари.

Дельта-инфекция ташхиси гепатоцитларда ва қон зардобида дельта AgD вируси маркерларини, унга қарши антитаначалар аниқлаш асосида қўйилади.

Сурункали вирусли гепатитлар. Сурункали вирусли гепатитлар В, С, Д вируслари томонидан чақирилади. Турғун гепатосplenомегалия, гиперферментемия, гипер- γ -глобулинемия, диспротеинемия билан намоён бўлади.

Сариқлик синдромининг намоён бўлиши кўпинча ўртacha ва юкори фаолликдаги сурункали гепатит учун хос, шу билан бирга беморларда томир юлдузчаларини - телеангиоэкстазиялар, кафтда пальмар эритемани кўриш мумкин. Бурундан қон кетишлар, экхимозлар, петехиал тошмалар, жигар ва талоқнинг сезиларли катталашishi бўлиши мумкин. Беморларда жигар асосан қаттиқ, оғриқли бўлади.

Қон зардобида доимий жигар-хужайравий ферментлари фаоллигининг юқорилиги, яққол диспротеинемия. Тимол синамасининг ва В-липопротеидлар миқдорининг ортиши, протромбин индексининг ва сулема титрининг пасайиши аниқланади.

Сурункали вирусли гепатитлар юкори фаолликда кечганда күпинча узок муддатли ва жигар циррози шаклланиши билан тугалланиши мумкин.

Сурункали гепатитлар кўпинча холестатик синдром қўшилиши билан кечади. Етакчи симптомлари - сариқлик, тери пигментацияси, ксантомалар, диспептик белгилар, жигар ва талоқнинг сезиларли катталashiши ва уйқусизлик билан кечадиган терининг қичишиши ҳисобланади. Конда холестерин, ўт кислоталари, ишқорий фосфатаза миқдорларининг юқорилиги аниқланади.

«Сурункали гепатит» ташхиси қўйиш учун инструментал текшириш усуслари зарур: айнан – жигарни ультратовуш билан текшириш.

Якуний ташхисни қўйиш учун жигарнинг пункцион биопсиясини, кейинчалик пунктатни гистологик текширувани ўтказиш зарур.

Инфекцион мононуклеоз (Филатов-Пфейффер касаллиги). Касаллик Эпштейн - Барр (ЭБВ) вируси томонидан чақирилиб, истима, лимфа тугунлари, жигар ва талоқни катталashiши, ҳамда сариқлик белгиси билан кечади. Бугунги кунда шундай фикрлар мавжудки, ЭБВ ва герпес (оддий герпес вируси, цитомегаловирус) оиласига мансуб бошқа вируслар – одам ўсма вируслири бўлишига реал номзодлардан бири ҳисобланади.

Кўп сонли тадқиқотларда аниқланилишича, ЭБВ билан одам популляциясида кенг тарқалган, у билан ер шарининг 80-100% аҳолиси заарланган деб ҳисобланади. Инфекциянинг асосий юқиши йўли – ҳаво-томчи. Шунингдек аниқландики, инфекцион мононуклеоз ўтказган 70-90% шахсларда, орофарингеал ажралмада даврий ЭБВ ажралади.

Баъзан бу касалликни «ўпиш касаллиги» деб ҳам номлашади, инфекциянинг гемотрансфузион ва жинсий юқиши йўллари ҳам фарқланади.

Касалликнинг асосий симптомокомплекси – иситма, 93,9% шахсларда барча периферик лимфа тугунларининг катталashiши, айниқса бўйин, 97,8% оғиз-халқумнинг, бурун-халқумнинг шикастланиши, жигар ва талоқнинг катталashiши кузатилади.

Периферик қонда мононуклеарларнинг миқдорија ва сифатий ўзгаришлари 100% беморларда кузатилади. Шу билан бирга, асосий симптомокомплекс бўлиб - экзантема, энантема, қовоқнинг шиши, тумов, диарея, тери ва склеранинг сарғайиши бўлиши мумкин.

Сариқликнинг яққоллиги жигар ўлчамларининг катталashiшига боғлиқ эмас. Узоқ муддатли ҳароратнинг кўтарилиши, атипик мононуклеарларнинг мавжудлиги, билирубин миқдорининг, АЛТ, АСТ нинг нормал кўрсаткичлари вирусли гепатитлар эҳтимолини истисно қилиш имконини беради. Инфекцион мононуклеоз ташхисини тасдиқлаш учун Пауль-Буннель-Давидсон серологик реакциясидан фойдаланилади, у 85-95% bemорларда мусбат бўлади. Диагностик титри 1:14 га teng.

Цитомегаловирусli инфекция. Касаллик ДНК-сақловчи герпес вирусига мансуб цитомегаловирус (ЦМВ) томонидан чақирилади, етук ёшдагилар касалланади, контакт ва парентерал йўл (қон ва унинг маҳсулотлари) орқали юқади.

Одамларнинг асосий қисми касалликнинг латент шаклини болалик даврларида ўтказадилар. 70-80% катталар қонида вируснейтралловчи антитаначалар аниқланади.

Касалликнинг түгма ва орттирилган шакллари фарқланади.

Түгма цитомегалия кўпгина аъзо ва тизимларнинг шикастлашини билан тарқоқ инфекция шаклида кечади ва айниқса чақалоқ учун хавфли ҳисобланади.

Орттирилган шакли мононуклеозсимон синдром типида кечади, баъзан ўпка, жигарни қисман шикастлаши билан кечади, лекин симптомсиз (1:10) кечиши ҳам мумкин.

Манифест шаклида жигар, талоқнинг катталashiши, тери ва склеранинг сарғайиши, пешобнинг тўклишиши, юқори ҳарорат, қалтираш, томокда оғриқ, бўйин лимфа тугунларининг катталашши (мононуклеозли синдром), қон зардобида боғланган билирубин миқдорининг ортиши, АЛТ, АСТ, ишқорий фосфатазани ошиши, пешобдаги ўзгаришлар кузатилади.

Ҳар куни тана ҳарорати 39-40°C гача кўтарилиши, қалтираш 2-4 ҳафтагача ва ундан ҳам кўп давом этиши мумкин.

Периферик қонда - лимфоцитоз, атипик мононуклеарларни топилиши инфекцион мононуклеоз ҳақида ўйлашга асос бўлади.

ЦМВ диагностикаси учун пешоб, сўлак, ликвор, балғам ва бошқалар олиниб, цитолитик текширув ўтказилади. Усулнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун текширувни бир неча марта ўтказиш тавсия этилади.

ДНК-полимеразани аниқлаш учун РСК, РП, РПГА, тромбоцитларнинг агрегацияси реакциялари ўтказилади. Ҳозирги кунда IgM ва IgG синфидағи маҳсус антитаначаларни реал аниқлаш имконини берадиган ИФА усули катта амалий аҳамиятга эга.

Лептоспироз - Вейл-Васильев касаллиги (сув иситмаси). Ўткир бошланадиган, интоксикация, иситма, геморрагик синдромнинг турли қўринишлари, жигар, буйрак ва асад тизимининг шикастланиши билан ифодалагадиган зооноз касаллик бўлиб ҳисобланади.

Заарланиш асосан ифлосланган сув ҳавзаларида чўмилганда ёки қишлоқ хўжалигида нутрий ёки ондатра этиштириш билан шуғулланадиган шахсларда, ёз ва кузда учрайди.

Сариқсиз ва сариклик шакллари фарқланади.

Касалликнинг сариқлик шакли ўткир, тана ҳароратини 39-40°C гача қўтарилиши, қалтираш билан бошланади, беморлар бош айланиши, бош оғришига, ҳолсизлик, уйқусизлик, икрасимон мушаклардаги, товон, кўкрак, қорин мушакларидағи кучли оғриқларга шикоят қиласидилар.

Беморнинг ташқи кўриниши ўзига хос бўлади – юз гиперемияси ва шиши, скlera томирларининг инъекцияси, конъюнктивит белгилари, 3-5 кунда яrim bemорларда полиморф, симметрик жойлашган скарлатинасимон ёки қизамиқсимон тошмалар пайдо бўлади.

Геморрагик синдром – бурундан қон кетиш, тери ва склерадаги қон қуюлишлар, полилимфоаденопатия қўшилади.

Шу вақтнинг ўзида жигар шикастланишига хос белгилар – қориндаги оғриқлар, жигар ўлчамларининг катталashiши, бироз намоён бўлган сариқликдан токи яққол шафран тусдаги сариқлик пайдо бўлади, талоқ катталашади. Пешоб – пиво рангида, нажас ахолик.

Текширувда – қон зардобида боғланган ва кам миқдорда эркин билирубиннинг ошиши, АЛТ ва АСТ – бироз ошиши, протромбин индекс - пасайган, оқсил-чўкма синамалари суст мусбат. Буйрак шикастланишида мочевина, қолдиқ азот, креатинин миқдори ошади.

Диагностикаси учун текширувнинг бактериологик усули (қон, ликвор, пешоб), биологик усул (денгиз чўчкачаларини заарлаш), серологик (лептоспираларнинг тирик культуралари билан микроагглютинация реакция) ҳал этувчи аҳамиятга эга.

Қонда антитаначаларнинг мавжудлигига текширув - касалликнинг 2-ҳафтасидан текшириалиди, диагностик титр 1:100, 1:200.

Юқори диагностик қийматга РНГА эга, диагностик титр 1:80 ва ундан юқори. Диагностик аҳамиятли бўлиб, касалликнинг 7-кунида қонда, пешобда – 10-кундан кейин лептоспираларни аниқланиши, серологик - специфик антитаначаларни титрининг қайта теширавларда 4 ва ундан кўп марта ошиши, диагностик титр 1:100, 1:200 ҳисобланади.

Ичак иерсиниози. «Иерсиния энтероколитика» чақирадиган ўткир инфекцион касаллик, клиник шаклларининг полиморфизми билан характерланади. Ушбу ҳолатда инфекциянинг тарқалганлиги натижасида ривожланадиган сариқлик шакли аҳамиятга эга.

Иерсиниозлардаги сариқлик қисқа муддатли, 2-ҳафтагача. «Иерсиниоз» ташҳисини клиник тасдиқлаш бошлангич даврнинг биринчи белгилари хизмат қиласиди – ўткир бошланиши, гипертермия, бош оғриши, мушаклардаги, бўғимлардаги, белдаги оғриқлар, кўнгил айниши, қориндаги оғриқлар, суюқ

нажас күринишидаги диспептик белгилар, экзантема, бирок бир неча соатлардан кейин ёки катарал синдром (тумов, йұтал, томоқдаги оғриқлар, ангина) 2-3 кун давомида, ёки артрайлик, артрайгия билан намоён бўладиган, ёки ичак синдроми (үткір гастрит, мезаденит, терминал илеит) устун туриши билан бошланади. «Пайпоқлар», «қўлқоплар», күринишидаги экзантема, ярим беморларда сариқлик синдромини қузатилиши хос.

Қонда - лейкоцитоз, нейтрофиллөз, ЭЧТ ошган. Бактериологик текширувда – бемордан олинган (қон, пешоб, нажас) материални иерсииозга экиш. Серологик диагностика - специфик антитаначаларни аниқланилиши.

4.3. ГЕПАТОЗЛАР

Ирсий пигментли гепатозлар. Унинг асосида билирубиннинг конъюгацияси вазифасини амалга оширадиган глюкуронилтрансфераза ферментининг наслий танқислиги ётади.

Умумий амалиёт шифокорлари иш фаолияти давомида кўпинча Жильбер, баъзан - Ротор, Криглер-Найяра, Дабина-Джонсон синдромлари билан тўқнаш келадилар. Бу ирсий пигментли гепатозларда сариқлик пайдо бўлишига олиб келадиган сабаблар бўлиб: алкоголнинг меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, стресс (ҳам ижобий, ҳам салбий), жисмоний зўриқишиш (кўпинча спортчилар касалландилар), сурункали касалликларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Одатда, 20 ёшгача бўлган шахслар, айниқса эркаклар касалланадилар.

Сариқликдан ташқари учрайдиган энг кўп шикоятлари – ҳолсизлик, қориндаги оғриқлар, суюқ нажас, баъзан жигарнинг катталашиши. Биокимёвий текширувларда - АЛТ, АСТ нормал чегараларда, тимол ва сулема синамаси нормада, эркин билирубин 20-40 мк/моль/л.

Чегараланувчи тартибга ва диета №5 риоя қилинганда, сариқлик 2-3 ҳафта давомида йўқолади, лекин ҳаёт давомида даврий пайдо бўлиши мумкин.

Баъзида гипербилирубинемия үткір касалликларда (грипп, ЎРВИ), ҳамда сурункали касалликлар қўзишида қузатилиши мумкин.

Токсик гепатитлар. Замонавий шароитларда кимёнинг кенг ривожланиши ва кимёвий моддаларни, ҳамда дори воситаларини жигарга тўғридан-тўғри таъсири билан боғлиқ равишда муҳим ўринни эгаллайди. Гепатотроп воситаларга парацетамол, салицилатлар, тетрациклин (гепатоцитлар некрозини чақиради), антидепрессантлар, безгакка қарши, талваса қарши ва бошқа қўплаб воситалар киради.

Үткир токсик гепатит клиникаси вирусли гепатитларни эслатади, лекин сариқлик олди даврининг ва касалликнинг цикллик кечмаслиги билан фарқланади. Анорексия, кўнгил айниш, қусиш, қориндаги оғриқлар бўлиши хос бўлади.

Сариқлик токсик восита дозасига боғлиқ ҳолда, суст ёки яққол намоён бўлган бўлиши мумкин. Жигарнинг катталashiши бир текис ва кескин эмас, баъзан оғриқ кузатилади, бу токсик восита дозасига ва гепатотроп заҳарнинг токсиклик даражасига боғлиқ.

Е.М.Тареев «токсик гепатит» терминини аниқ деб ҳисобламайди, чунки жигарда яллиғланиш реакциялари кузатилмайди. Уни - «жигарнинг токсик-кимёвий заарланиши» деб номлаш тўғри бўлади деб ўтган.

Диагностикада анамнезни тўлиқ йиғиши, ферментларнинг нормал кўрсаткичлари, қонда боғланмаган билирубиннинг устун туриши аҳамиятга эга.

Ўткир алкоголли гепатит. Сурункали алкоголизмли беморларда намоён бўлади. Вирусли гепатитлардан фарқли равища, жараён аста-секин ривожланади, жигар аста-секин катталашади, четлари ўткир ва қовурға равоғида бир текис катталашади. Бироз лейкоцитоз, индикатор ферментлари фаоллигининг ошиши кузатилади, билирубин - аминотрансфераза диссоциацияси характерли, сариқлик бир текис жойлашмайди.

4.4. МЕХАНИК (ОБТУРАЦИОН) ЖИГАР ОСТИ САРИҚЛИГИ. ЎТ-ТОШ КАСАЛЛИГИ

Хуржсимон кечиши хос. Хуруж тўсатдан кўп микдордла ёғли овқат истеъмол қилгандан кейин 3-4 соатдан сўнг, шунингдек чарабагандан, совқотгандан, спиртли ичимликлар ва бошқалар ичгандан кейин пайдо бўлади. Жигар санчиғи ўнг қовурға равоғи остидаги ўткир, кескин санчувчи, кесувчи, куракка, елкага узатилувчи ва ўртacha хуруждада жигар соҳасидаги оғрик ўткир булиб, 6-12 соат давом этувчи оғриқ хуружлари билан ифодаланади. Кўпинча бир вақтнинг ўзида дастлаб овқат, кейин ўт суюқлигини қусиш пайдо бўлади. Беморлар рангпар, безовта, оғриқни камайтирувчи қулай ҳолат қидирадилар. Кўрувда қорин деворлари таранглашган, ўнг қовурға равоғи остида кескин оғриқлар кузатилади. Хуружларда тана ҳароратини кўтарилиши, қалтириаш, пешобнинг тўқлашиши билан кечади. Давомли хуружларда сариқлик кузатилади. Қонда – нейтрофил лейкоцитоз, ЭЧТ ошиши, ферментлар фаоллиги нормал. Ўт қопида ўт тошлари жойлашиши мумкин (75% ҳолларда шикоятлар йўқ). Ўт қопи бўйинчасида ва ўт йўлларида (ўт коликаси, ўткир холецистит)

кузатилиши мумкин. Умумий ўт йўлида - ўт санчиғи, обтурацион сариқлик, холангит.

Ўт суюқлигини 12-бармоқли ичакка оқишининг бузилиши натижасижа пайдо бўлади, бу қонга билирубин ва ўт кислоталарини тушишига олиб келади.

Механик сариқлик патогенезида 2 турдаги холестаз фарқланади:

Жигар ичи холестази – гепатоцитлар даражасидаги жойлашган бузилишлар, кўпинча алкоголь гепатити, дори воситаларнинг ножўя таъсири, жигарнинг бирламчи билиар циррозида кузатилади.

Жигардан ташқари холестаз - ўт қопида, ўт йўлларида, умумий ўт йўлидаги тошлар, ўткир холецистит.

Асосий клиник симптомлар: яшил тусдаги яққол сариқлик, тўқ сарғиш пешоб, нажаснинг оқариши, терининг, айниқса, кафт ва товоннинг сарғайиши. Конда бироз трансаминазаларнинг ошиши, гипербилиру-бинемия, ишқорий фосфатазанинг ошиши.

Холецистит. 20% ҳолларда ўткир холециститда бироз сариқлик кузатилади, у умумий ўт йўлининг туслиши сабабли юзага келади. Умумий ўт йўлининг майда тошлари тиқилишига олиб келади, лекин кўпинча уларда ўнг қовурға равоғи остида оғриқлар, сариқлик, иситма кузатилади. Сариқликнинг яққоллиги обструкция даражасига боғлиқ. Мусбат Мендел симптоми (жигар соҳаси енгил силкитилганда оғриқ) мусбат Френикус симптоми, жигар соҳаси босилганда кескин оғриқлар кузатилади.

Периферик қонда - лейкоцитоз, ЭЧТ нинг ошиши, ферментлар фаоллиги нормада.

Жигардан ташқариги холестазга гумон қилинганда қорин бўшлиғи ва эндоскопик ретроград УТТ (холангипанкреатография) ўтказилади.

Ўткир холангит. Бу ўт йўлларининг ўткир яллиғланиш касаллиги бўлиб, ўт йўлларидаги тошларнинг обтурациясида, ўт йўлларидаги структураларда ва гепатобилиар тизим ўスマларида пайдо бўлади.

Холангит қўзғатувчиси - кўпинча грамманфий бактериялар.

70% ҳолларда холангитда симптомлар триадаси кузатилади:

Иситма, баъсан қалтираш билан кечади, интоксикация белгилари намоён булади. Кексаларда холангит сепсис билан асоратланиши мумкин. Холангитга гумон қилинганда тезкор жарроҳ маслаҳати зарур.

Ошқозон ости бези бошчасининг ўスマси. Одатда кекса ёшдагиларда учрайди. Сариқлик 1-3 ойдан кейин пайдо бўлади. Касаллик бошланишидан олдин умумий ўт йўлини ошқозон ости бези бошчаси ўスマсининг босилиши натижасида юзага келади. Беморлар ҳолсизлик, иштаҳанинг йўқлиги,

эпигастрал соҳадаги белбоғсимон, белга узатиладиган оғриқларга, озишга шикоят қиласидиллар.

Кўпинча эркаклар, 60 ёшлан катталар касалланадилар.

Клиник симптомлар:

- Обтурацион сариқлик муҳим ўрин эгаллади.
- 73% ҳолларда - оғриқлар эпигастрий ва орқада.
- 80% ҳолларда катталашган, оғриқсиз ўт қопи пайпасаланади.
- Озиш, ҳолсизлик, чарчаш, ич кетиш характерли.
- Миграцияланувчи тромбофлебитлар бўлиши мумкин.
- Пальпацияда эпигастрыйда қаттиқ харакатсиз ҳосила аниқланади.
- Қўлтиқ ости лимфа тугунлари катталаниши мумкин.

Диагностика учун қорин бўшлиғи УТТ ва эндоскопик ретроград холангипанкреатография, нажасни яширин қон кетишга текшириш ўтказилади. Лаборатор тестларда лейкоцитоз, гипохромия, макроцитар анемия, ЭЧТнинг ошиши, ишқорий фосфатаза фаоллигининг, қонда диастазанинг ошиши, нажасда стеркобилиннинг бўлмаслиги. Оқибати яхши эмас.

4.5. ЖИГАР УСТИ САРИҚЛИГИ КУЗАТИЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР

Инфекцион касалликлардан безгакда гемолитик сариқлик кузатилади.

Безгак. Плазмодиялар чақирадиган ўткир паразитар инфекцион трансмиссив касаллик, иситма пароксизмалари, сариқлик, гепатосplenомегалия, анемия билан характерланади. Касалликнинг патогенезида эритроцитларнинг гемолизи муҳим ўрин эгаллади, безгак паразити таъсирида уларнинг ўлими кузатилади.

Ташхис қўйишда анамнестик маълумотлар (бемор эндемик ўчоғдан (Африка, Осиё, марказий Америка), тана ҳароратни қалтираш фазалари билан алмашиниб характерли кўтарилиши, иссиқ, терлаш катта аҳамиятга эга. Безгак паразити турига қараб: 3-кунлик, 4-кунлик ва тропик безгак фарқланади.

Ташхисни тез қўйиш мумкин, агар периферик қон суртмасида плазмодиялар аниқланса («йўғон томчи» усули).

Қонда АЛТ, АСТ нормал кўрсаткичлари билан бирга эркин билирубин миқдорининг ошиши характерли.

Гемолитик сариқлик. Эритроцитларнинг осмотик резистентлигининг, механик турғунлигининг пасайиши ва парчаланишининг кучайиши билан боғлиқ.

Гемолитик сариқлиқда гемоглобин кўп миқдорда ишлаб чиқарилади, у 45 г/суткасига етиши мумкин, нормада 6,25 г/сутка. Мувофиқ равишда билирубин миқдорининг ортиши кузатилади, бунда 35% и боғланмаган. Боғланмаган билирубин эримайди ва пешоб орқали чиқарилмайди, организм учун тўқима заҳари хисобланади.

Сариқликнинг бу тури етук ёшдагиларда кузатилади, бунда жигар кам шикастланади, морфологик гепатоцитлар шикастланмайди.

Гемолитик криз баъзан тўсатдан ривожланади, ҳарорат кўтарилади, қусиши, тери ва склеранинг сарғайиши, талоқнинг катталлашиши, беморларда нажас ва пешоби тўқлашади.

Клиник хусусиятлари – сариқлик суст намоён бўлган, тери лимон-сарғиш тусда, рангпар. Анемиянинг яққоллиги эритроцитлар парчаланиши ва ҳосил бўлиши тезлигига боғлиқ. Анемия кўпинча кризларда кучаяди. Беморларда қориндаги ва оёкллардаги оғриқлар, иситма, бош оғриши, АБ тушиши, коллапс кузатилади. Конда - ретикулоцитоз 20%, лейкоцитоз, боғланмаган билирубин миқдорининг ошиши кузатилади. Касаллик оқибати яхши, анемия 4-5 ҳафта ичида йўқолади, наслий характерга эга бўлиши мумкин.

Ирсий микросферацитоз (Минковский-Шофбар касаллиги).

Касаллик доминант ёки рецессив типда берилади. Эритроцитлар мембраналарининг дефекти - нуқсони натижасида пайдо бўлади, уларнинг ҳужайра ичи парчаланишининг кучайишига олиб келади.

Асосий симптомлари: сариқлик, анемия, спленомегалия, пешобда ўт пигментлари мусбат. Бунда сариқлик бирдан ривожланмайди, у юқумли касалликларнинг асоратлари ва қўшилиш натижасида келиб чиқади. Кризис вақтида Нв миқдори 40-50г/л кескин пасаяди.

Ўроқсимон анемия. Гемолитик криз ва ўткир оғриқ синдроми, жигарнинг ўткир шикастланиши ўнг қовурға остидаги оғриқлар, иситма, интенсив сариқлик билан намоён бўлади.

Конда - сурункали зардоб трансаминаза фаоллигининг, ишқорий фосфатазанинг ошиши, қонда билирубин юқори миқдорда.

Талассемия. Глобин синтезининг ирсий бузилиши, сариқликнинг пайдо бўлиши, жигар ва талоқнинг сезиларли катталлашиши билирубиннинг боғланмаган фракцияларнинг ошиши, ретикулоцитлар миқдорининг ошиши, эритроцитларнинг морфологик ўзгаришлари (анизопойкилоцитоз, «нишонсимон») билан характерланади.

Гемолитик кризлар, иситма, суяк кўмиgidаги, жигардаги - сидероз, баъзан фиброз ўзгаришлар кузатилади.

4.6. ЖИГАР ЦИРРОЗИ

Жигар циррозида сариқлик одатда касалликнинг кечки босқичларида пайдо бўлади, жигарнинг функционал резервларининг камайиши натижасида ривожланади. Жигар циррозининг энг кўп сабабларидан бўлиб ҳисобланди: В, Д ва С вируси чақирган сурункали юкори фаолликдаги гепатитлар. Жигар циррозининг энг кам сабаблари бўлиб ҳисобланади:

- бирламчи билиар цирроз,
- гемохроматоз,
- Вильсон касаллиги,
- Токсик дори воситаларини узоқ вақт қабул қилиши натижасида келиб чиқиши мумкин.

Жигар циррозининг клиник қўриниши озиб кетиш, қоринни шишиши, уйқучанлик, умумий ҳолсизлик, иштаҳасининг ёмонлашиши, милкларни қонаши билан намоён бўлади. Жигар қаттиқ, ғадир-будур юзали, палмар эритема хос.

- Кечки босқичларида - жигар етишмовчилигини клиникаси намоён бўлади;
- Хушнинг бузилиши;
- Иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниш, қайт қилиш;
- Қориннинг катталашиши, асцит;
- Сариқлик, кўпинча паренхиматоз;
- Жигарнинг катталашиши ва пальпацияда унинг оғриқлилиги, кечки босқичларида – унинг кичрайиши;
- спленомегалия (портал гипертензияда);
- қон қуюлишлар;
- тананинг юкори қисмида томир юлдузчалари;
- кафтнинг қизариши;
- гинекомастия;
- Оёқлардаги шишлилар билан характерланади.

Мавзу буйича тест саволлари:

1. ГВ кайси маркери қон зардобида топилиши гепатоцитларда вирус репликацияси давом этаётганлигидан далолат беради?

- А. Юзаки антиген
- Б. Антиген С
- В. Антиген Е

- Г. Юзаки антитело
- Д. С антитело
- Е. Реконвалесценция

2. Вирусли гепатит А да сариқлик даври бошланиши билан организмда интоксиация холатини күрсатинг:

- А. Пасаяди
- Б. Кучаяди
- В. Ўзгармайди
- Г. Бироз кучаяди
- Д. Сусаяди

3. Вирусли гепатит В ни продромал даврида қайси клиник вариант учрамайди?

- А. Катарал
- Б. Диспептик
- В. Артраптик
- Г. Астеновегетатив
- Д. Арапаш

4. Вирусли гепатит В да сариқлик даври бошланиши билан организмда интоксиация холатини күрсатинг:

- А. Кучаяди
- Б. Пасаяди
- В. Ўзгармайди
- Г. Бироз кучаяди
- Д. Сусаяди

5. Поликлиника шароитида вирусли гепатитни барваqt аниклашда қайси тахлилий текширув қўлланилади?

- А. Биохимия усули
- Б. Гемокультура
- В. Серологик тахлил
- Г. Қоннинг умумий тахлили

6. Жигар ости сариқлигига киравчи касалликларни курсатинг:

- А. Ут тош касаллиги

- Б. Вирусli гепатит
- В. Гемолитик сариқлик
- Г. Алкоголь гепатит
- Д. Ирсий гепатит

7. Жигар усти сариқлигига кирудук касалликни күрсатынг:

- А. Тромбоцитопения
- Б. Механик сариқлик
- В. Вирусli гепатит
- Г. Иерсиниозлар
- Д. Токсоплазмоз

8. Жигар сариқлигига кирудук касалликтарни күрсатынг:

- А. Вирусli гепатитлар
- Б. Малдрия
- В. Гемолитик сариқлик
- Г. Сепсис
- Д. Токсоплазмоз

9. Ангина, полилимфоаденопатия, гепатосplenомегалия, экзантема ва сариқлик синдроми билан кечувчи касалликни күрсатынг:

- А. Инфекцион мононуклеоз
- Б. Механик сариқлик
- В. Вирусli гепатит
- Г. Лептоспироз
- Д. Лейшманиоз

10. Үмумий интоксиация сариқлик, ренал, геморрагик, менингеал синдромлар қайси касалликка характерли?

- А. Лептоспироз
- Б. Малдрия
- В. Механик сариқлик
- Г. Вирусli гепатит
- Д. Бруцеллөз

11. Қонда билирубин, АЛТни озрок күпайиши, ишқорий фосфатаза жуда ортиши қайси касалликка хос?

- А. Механик сариқлик
- Б. Вирусли гепатитлар
- В. Гемолитик сариқлик
- Г. Алкоголь гепатит
- Д. Ирсий гепатит

12. Юқори иситма, артрайлик синдром, бош оғриғи, экзантема, ич кетиши ва сариқлик қайси касалликка характерли?

- А. Иерсиниозлар
- Б. Механик сариқлик
- В. Вирусли гепатитлар
- Г. Инфекцион мононуклеоз
- Д. Куйдирги

13. Тери қичишиши, озиб кетиши, жигар ва ўт халтасининг катталашы бориши, сариқликнинг кучайиши қайси касалликка хос?

- А. Ўт йули раки
- Б. Гемолитик анемиялар
- В. Лептоспироз
- Г. Вирусли гепатитлар
- Д. Куйдирги

14. Гипербилирубинемия АЛТнинг жуда ортиши, лейкопения, лимфоцитоз қайси касалликка хослигини күрсатинг:

- А. Вирусли гепатитлар
- Б. Механик сариқлик
- В. Гемолитик сариқлик
- Г. Холецистит
- Д. Лептоспироз

15. Тери сариқлиги, «кофе куйкасидек» қусиши, жигарни қисқариши, гипербилирубинемия қайси комага характерли?

- А. Жигар комаси
- Б. Диабетик кома
- В. Уремик кома
- Г. Безгак комаси
- Д. Гиповолемик шок.

5-даражали тест саволлари

№	Савол	Жавоб №1	Жавоб №2	Жавоб №3	Жавоб №4	Жавоб №5
1	<p>Мосликни аникланг. Касаллик: 1.Вирусли гепатит; 2. Ўт-тош касаллиги; 3. гемолитик сариклик. 4. Иерсиниозли гепатит.</p> <p>Клиник белгилар:</p> <p>А)интоксикация , Б)кориндаги оғрик, В)рангпарлик, Г)Истима, Д)иштахасизлик</p>	1а,2б,3 а,4г	1б,2а,3 в,4г	1в,2а,3 б,4а	1г,2а,3 б,4в	1а,2в,3 б,4в
2	<p>Мосликни аниқланг. Касаллик:1.Вирусли гепатит А; 2.Вирусли гепатит В; 3.Иерсинозли гепатит; 4.Токсик гепатит.</p> <p>Касалликни қўзғатувчи лари:</p> <p>А)Пикарнавирус. Б)Гепаднавирус. В)Гепатоксик моддалар Г)Бактерия</p>	1а,2б,3 г,4в	1б,2а,3 в,4г	1в,2а,3 б,4г	1а,2б,3 в,4г	1б,2а,3 г,4в
3	<p>Мосликни аникланг. Касаллик: 1.Вирусли гепатит А; 2.Ўт-тош касаллиги; 3.Иерсиниозли гепатит.</p> <p>Ташхислашда хал қилувчи текширув усуллари:</p> <p>А) Биохимик.</p>	1аб,2в, 3г	1бв,2а, 3г	1бв,2а, 3б	1бг,2б, 3г	1бг,2б, 3г

	Б)ИФА. В)УТТ. Г)Бактериологик.					
4	Мосликни аникланг. Касаллик: 1.Вирусли гепатит В; 2. Инфекцион мононуклеоз; 3.Үт-тош касаллиги. Касалликни бошланишидаги белгилар: А) Бүгімдегі оғриқлар, интоксикация. Б) Юқори истима, теридаги тошмалар. В) Қоринда оғриқ, қусиши.	1а,2б,3 в,	1б,2а,3 в	1а,2в,3 б	1в,2а,3 б	1а,2в,3 б
5	Мосликни аникланг. Касаллик: 1.Хомиладорлык гепатози (синдром Шихана), 2.Вирусли гепатит В, 3.Механик сариқлик; 4.Гемолитик сариқлик. Характерли клиник белгилар: А) интоксикация, сариқлик. Б)Қийновчи зарда, юқори бўлмаган сариқлик. В)сариқликни узоқ сақланиши, интоксикацияни пастлиги; Г)сариқликни тўлқинсимон кечиши, талоқни катталашиши, сийдикни тўқ бўлмаслиги	1б,2а,3 в,4г.	1а,2б,3 г,4в	1в,2а,3 г,4б	1г,2в,3 б,4а	1в,2г,3 а,4б
6	Мосликни аникланг. Касалликлар. 1.Вирусли гепатит А; 2.Механик	1б,2а,3 в	1а,2б,3 в	1в,2б,3 а	1в,2а,3 б	1б,2в,3 а

	сариқлик; 3.Иерсиниозли гепатит. Трансаминазалар фаоллигига таъсир қилувчи омиллар: А)Этиологик факторни таъсири йўқ. Б) Вирусни цитопатик таъсири. В)Бактерияни яллиғланиш чақириши ҳисобига.					
7	Мосликни аникланг. Касалликлар: 1.Вирусли гепатит А; 2.Вирусли гепатит В; 3.Вирусли гепатит С. Вирусли гепатит Д. Ташхисни асослашда исботловчи қўрсаткичлар: А)HBsAg +. Б)Анти- НАВ +. В)Анти-НСВ+ , Г)Анти-НДВ +	1б, 2а,3в,	1а,2б,3 в	1в,2б,3 а	1в,2а,3 б	1б,2в,3 а
8	Мосликни аникланг. Касалликлар : 1.Вирусли гепатитлар 2.Механик сариқлик.3. Гемолитик сариқлик. Касалликларни бошланиши ва кечишидаги клиник белгилар. А) Сариқлик олди даври синдромлари, интоксикация, сариқлик, сийдик ва нажасдаги ўзгариш. Б) кўп холларда ўнг қобирга остида оғриқ бўлиши, оғриқдан кейин	1а, 2б,3в.	1б,2в,3 а	1в,2а,3 б	1б,2а,3 в	1в,2а,3 в

	тезда сарғайиш, В) Юқори истимадан сүнг сарғайиш, талоқни катталашуви, анемия, сийдикни түқлашмаслиги, нажасни оқармаслиги.					
9.	Мосликни аникланг. Касалликлар:1. Вирусли гепатит В.2. Ўт-тош касаллиги. 3.Гемолитик сариқлик. Ташхислашда ги таҳлилий кўрсаткичлар. А)Лейкацитоз, УТТ, билирубин миқдори юқори трансферазалар паст. Б) Лейкопения, Билирубин ва трансаминазаларни ортиши.В)Лейкоцитоз, эритропения, эркин билирубини ортиши, трансферазаларни ортмаслиги	1б, 2а,3в	1а,2б,3 в	1в,2б,3 в	1б,2в,3 а	1а,2б,3 в
10	Мосликни аникланг. Касалликлар: 1.Вирусли гепатит А.2.Иерсиниозли гепатит. 3.Механик сариқлик. Даволашда кўлланиладиган усуллар. А)Дезинтоксикацион препаратлар Б)Дезинтоксикацион ва антибиотикотерапия. В) спазмолитиклар, антибиотик, жарроҳлик йўли билан.	1а,2б,3 в	1б,2а,3 в	1в,2а,3 б	1а,2в,3 б	1в,2а,3 б

	Мосликни аникланг. Касалликлар: 1. Вирусли гепатит А, 2. Вирусли гепатит В. 3. Ўт-тош касаллиги. Касалликларни эпидемиологик хусусиятларини кўрсатинг: А) Парентерал муолажалар асосий, мавсумийлик, ёшга боғлиқлиги йўқ, касаллика қарши вакцинацияни самараси юқори. Б) Мавсумийликка эга, Бемор ёши муҳим, ижтимоий холатни таъсири бор. В) Хамма ёшни заарлаши мумкин, Трансмиссив йўл асосий. Г) Катта ёщдагилар кўп касалланади, овқат рационига боғлиқ, масумийлик йўқ.	1б,2а,3 г	1а,2б,3 в	1б,2в,3 а	1б,2в,3 а	1г,2в,3 а
11.	Мосликни аникланг: Касалликлар 1. Вирусли гепатит А. 2. Вирусли гепатит В. 3. Иерсиниозли гепатит. Касалликларни даволашда қайси усуллар кўлланилади. А) Пархез, дезинтоксикацион, гепатопротекторлар. Б) Пархез, Дезинтоксикацион, гепатопротекторлар оғир холларда гармонотерапия. В) Пархез,	1а,2б,3 в	1б,2а,3 в	1в,2а,3 б	1в,2а,3 б	1а,2в,3 б
12.						

	Дезинтоксикацион, антибиотикотерапия.					
13.	Мосликни аникланг: Касалликлар 1.Вирусли гепатит С. 2. Вирусли гепатит Е. 3.Хомиладорлар гепатози (синдром Шихана). Касалликларни даволашда қайси усуллар қўлланилади. А)Пархез, дезинтоксикацион, гепатопротекторлар.Б)Пархез, Дезинтоксикацион, гепатопротекторлар, этиотроп. В) Пархез, Дезинтоксикацион, Жарроҳлик йўли билан хомиладорликни тўхтатиш.	16,2а,3 в	1а,2б,3 в	1в,2а,3 б	1а,2в,3 б	16,2в,3 а
14.	Мосликни аникланг: Касалликлар.1.Вирусли гепатит Е, 2. Вирусли гепатит В.3.Ўт-тош касаллиги. Касаллик оғир кечганда асорат пайдо бўлса, белгиларини кўрсатинг: А)Жигар қисқариб, интоксикация белгилари кучаяди, УЖЭ белгилари пайдо бўлади.Б)Хомиладорларда касаллик асорат билан кечиб-қон кетиш, бола ташлаш кузатилиши мумкин, УЖЭ ривожланиши мумкин.	16,2а,3 в	1а,2б,3 б	1в,2а,3 б	16,2в,3 а	1а,2б,3 в

	В)Коринда оғриқ кучайиб, перитонит белгилари намоён бўлади.					
15	Мосликни аникланг: Касалликлар. 1.Вирусли гепатит С, 2.Вирусли гепатит Д. 3.Токсик гепатит. Касаллик кечиш хусусиятларини курсатинг: А)Енгил, билинар-билинмас, сариқлик юқори бўлмаган, тўлқинсимон кечади. Б)Касаллик кўп холларда оғир, асоратли, чўзилган-сурункаликка ўтишга мойил кечади. В)Оғирлик даражаси юқори бўлмайди, даволаш бошланса тез белгилар қайтади, сурункаликка ўтмайди. Г) Клиник кечиши ҳаммасида ҳам бир хил	1a,2б,3 в	1б,2а,3 в	1в,2г,3 а	1б,2а,3 г	1в,2а,3 г

Мавзу бўйича вазиятли масалалар:

1-вазият

Бемор В. 4 ёшда. Шифохонага касалликни 5-куни келган. Шикоятлари онасини сўзидан касалликни 4-5-кунида сийдик ранги қизарган. Кўрилганда тана ҳарорати $38,1^{\circ}\text{C}$, кўзи бироз сариқ рангда, териси сариқ рангда. Бемор холати ўрта оғир, хушида, бехол. Иштахаси пастроқ. Тери ва кўз склерасида сариқлик (++), (+). Нафас олиши бурун орқали равон. Ўпкада дағал нафас эшитиляпти. Юрак тонлари бўғиқ, ритмик. Тили оқ караш билан қопланган. Қорни юмшоқ бироз оғриқли. Жигари $+2+2,5+2,5$ см катталашган. Сийдиги тўқ сариқ рангда. Ахлати ахолик. Менингиал белгилар йўқ.

Клиник ташхисни қандай таҳлиллар асосида тасдиқлаш даркор?

2-вазият

Бемор Б. 8 ёш. Шифохонага касалликни 8 куни қабул қилинганды. Касаллик бирданига бошланған, деморнинг ҳарорати 39^0 С гача күтарилиб, уни бош оғриғи безовта қилған, ичи кетған. Иситмаси 5 кун давом эттеган. Кейин $37,5^0\text{С}$ га түшганды, касалликни 8 куни демор яна иситмалай бошлаганды. Иштахаси йүқолған, күнгли айниганды, пешоби қизарған. 13 куни ўнг қовурға тагида оғриқ пайдо бўлғанды, демор қайт қилған, сарғайғанды ва касалхонага келғанды. Касалхонада деморни аҳволи ўрта оғирликда. Бехол, иштахаси паст, күнгли айниганды, ўнг қовурға остида оғриқ бўлғанды. Териси сариқлиги +++, томир уриши ўртача баландликда, юрак товуши бўғиқ, ўпкада дағалроқ нафас эшитилмоқда. Қорни бироз шишганды, юмшоқ, жигари $3,0\text{-}3,0\text{-}3,5$ см катталашганды. Талоги +1,0 см катталашганды. Пешоби тўқ, нажаси суюқ, кулранг. Менингеал белгилар йўқ.

Беморнинг диагнозини аниқланг? Текшириш режасини тузинг.

3-вазият

Бемор Т. 28 ёш. Касаллиги 10.03 куни қувватсизликка, иштахасини пасайиши, ошқозон соҳасида бироз оғриқ, күнгил айниши, бир марта қусиши каби алломатлар билан бошланғанды. 15.03 да деморни аҳволи бироз оғирлашганды, кескин холсизлик, бош айланиши, иштаханинг йўқлиги, қайта-қайта қусиши кузатилиб, сийдик ранги тўқлашганды, нажас эса рангсизланганды. 16.03 да тери ва кўз оқида сариқлик пайдо бўлғанды. Касалликнинг 7 кунида кўрилганда деморни аҳволи ўртача, тана ҳарорати $36,5^0\text{C}$. Тери ва шиллиқ қаватлари сарғайғанды. Ўпкада везикуляр нафас, юрак тонлари бўғиқлашганды. Пульс 68 та, ритмик. А/Б 100/70 мм.см.уст. га teng. Тил караш билан қопланғанды, қорни юмшоқ, жигарнинг пастки қирғоғи ўнг қовурға остидан 1,5 см чиқиб турибди, эластик, бироз оғриқли, талоқ бироз катталашганды. Сийдик тўқ сариқ, нажас рангсиз.

Ташхисни аниқланг ва асосланг?

Беморни текшириш режасини тузинг.

4-вазият

Қизалок С. 4 ёш. Шифохонага консультацияга келди. Онасини сўзидан шикояти йўқ. Қизалокни бир хонада турадиган акаси ВГА билан юқумли касалликлар шифохонасида даволанғанды. Текширувда сийдикдаги уробилин ва ўт пигментлари кучсиз мусбат. Конда Аст-1,4 ммоль/л, Алт-2,7 ммоль/л. Объектив кўргандаганда ички органларда ўзгариш топилмади.

Таҳминий ташхис қўйинг?

Профилактиканы ташкил этинг.

5-вазият

Бемор С. 10 ёш. Шифохонага касалликни 5 куни келди. Касаллик бирдан бошланган, bemорни қалтироқ босиб, иситмаси күтарилиган, күнгли айниб, боши оғриган, қусган, ичи суюқ келган. Касалликнинг 1 куни бирданига тошма тошган. Келгандаги аҳволи ўрта оғир, холсиз, күнгил айнишига, қорин оғришига шикоят қиласиди. Иситма $39,2^{\circ}\text{C}$. Юзи қизарган, Кўз оқи сарғайган, тана, қўл-оёғида нуктали-доғли папулёз тошма кўринади. Юрагида бўғиқроқ товуш. Тили оқ карашли. Томоги қизарган, қорни юмшоқ, киндик атрофида оғриқ сезади. Жигари +2,5 см қовурға ёйи остидан чиқиб туради. Пешоби қизарган. Менингеал белгилар йўқ.

1. Касалликни диагнозини аниқланг.
2. Лаборатор тешириш усулларини тузинг.
3. Даволаш режасини тузинг.

6-вазият

73 кунлик бола, тери қопламлари сарғайган, умумий аҳволи қоникарли, эмиши фаол. Қон биохимик текширилганда билирубин кўрсаткичларидан умумий билирубин боғланмаган фракцияси ҳисобига ошган. Умумий қон тахлилида ва Нв миқдори меърида. Эритроцитлар резистентлиги ўзгармаган. Қон зардобида АЛТ ва АСТ фаоллиги меърида.

1. Сизнинг ташҳисингиз.
2. Текшириш режасини тузинг.
3. Қандай даволашни тавсия қиласиз?

7-вазият

Бола 10 ёш. Шикояти: ўнг ёнбошида оғрик, оғрик хуружсимон бўлиб, ўнг кўкрак остига узатилади. Ортнер, Крувуазье белгилари ижобий. Пальпацияда қорни ўт пуфаги проекциясида оғрикли. Терида сезиларсиз сариқлик, склерада субктерик, қонда трансаминалар (АЛТ, АСТ) текширилганда фаоллиги меърида. Билирубин эркин фракцияси ҳисобига бироз ошган.

1. Ташҳис қўйинг.
2. Текшириш режасини тузинг.
3. Даволашни тавсия қилинг.

8- вазият

Бемор В. 1 ёшда. Шифохонага касалликни 5 куни қуидаги юқумли вирусли гепатит ташхиси билан келган, касалликни 4-5 қунида сийдик ранги қизарған. Күрилганды тана ҳарорати $38,1^{\circ}\text{C}$, күзи бироз сарық рангда, териси одатдаги рангда, жигари катталашған.

Савол:

- Клиник ташхисни кандай тахлиллар асосида тасдиқлаш даркор.
- Беморга даволаш усулларини тавсия килинг.

9 - вазият

1,5 ойлик бола шифохонага сарғайыб кетғанлиғи, истимаси күтарилғанлиғи, қайт қилаётғанлиғи муносабати билан ётқизилди. Объектив күрганды, умумий ахволи нисбатан оғир, тери ва шиллиқ каватлари сарғайған (++) . Тили оқ караш билан қопланған. Қорни бироз дам. Жигари + 3,0; + 4,0 см ўртача қаттиқлиқда. Қара талоги + 2,0 см, сийдиги түқ рангда, ахлати оқарған. Биохимик тахлилларда билирубин ва трансаминазалар міндори ошған. Анамнезидан маълум бўлишича, боланинг опаси вирусли гепатит билан касалланған экан.

Савол: 1. Тўғри ташхис кўйинг.

2. Ушбу касалликни қайси касалликлар билан дифференциал диагноз қилинади?

5 БОБ**ЭКЗАНТЕМА СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ****5.1. ЭКЗАНТЕМА (ТОШМА) ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Юқумли касалликларда кўп учрайдиган симтомлардан бири бу экзантема белгиси бўлиб, касалликни диагностика қилишда хал қилувчи аҳамиятга эга. Бирламчи экзантемаларни кўринишлари, турлари ва касаллик даврларида пайдо бўлиши, жойлашишини ўзига хослиги қўйидагилардан иборат:

1) Розеола – унча катта эмас, доғча – диаметри 2-5 мм, кўпинча думалоқ, қизгиш рангда – терини сўргич қатламини қон томирларини махаллий кенгайиши туфайли ҳосил бўлган. Баъзи вақтда – теридан бироз кўтарилиб турадиган тошма.



18-расм. Қорин тифидаги тошмалар.

Асосий фарқи (бошқа тошмаларга нисбатан) – эзганда (босилганда) йўқолиб кетади ва эзишни тўхтатганда – яна пайдо бўлиши. Қорин тифида

касалликни 8-10 кунларыда розёлөз тошмани аниқлаш касалликни ташхислашда хал қилувчи белгилардан бири бўлиб ҳисобланади (18-расм).

2) Майда нуктасимон тошма – розеолага ўхшаш, кўпгина майда элементлардан иборат, қизил рангда, бироз теридан кўтарилиган, гиперемияланган фонда бўлиши мумкин, ўлчами – 1 мм гача. Скарлатинада касалликни биринчи кунларидан гиперемияланган фонда пайдо булади, табиий бурмаларда тошмалар қуйиклашиб, йўллар пайдо қиласи (Пастия симптоми), бурун, лаб учбурчагида тошма бўлмайди (19-расм).



19-расм. Майда нуктасимон тошма (скарлатина).

3) Доғ – розеолага ўхшаш, лекин бироз каттароқ ўлчамда (5-20 мм), теридан кўтарилимаган, бу ҳам – терини қон томирларини локал кенгайиши туфайли ҳосил бўлади, шакли – нотўғри овал, қирғоги – “фестонли” (20-расм).



20-расм. Доғ

4) Эритема – катта доғларни (11-20 мм) бир-бири билан қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Қирғоқлари кескин ажралиб туради. Эритемани ичида ўзгармаган тери бўлиши мумкин.

Эритема ҳам – терини сўргичли қатламини қон томирлари кенгайиши туфайли ҳосил бўлади. Яллиғланиш жараёни кузатилмайди.

Эритемани – минтақавий (махаллий) ўткир ялиғланишдан фарқлаш зарур. Масалан, сарамас, сибир яраси, жароҳатланиш ва бошқалар. Бундай холларда – теридан бироз кўтарилиб туриш ва пайпаслаганда – оғриқ борлиги кузатилади (20-расм).

Шуни айтиб қўйиш керакки – ҳозирги кунгача шаклланишда батафсил фикр йўқ. Масалан, “эрите ма” ва “инфекцион эритема – тугунчали эритема” (яни – тошма тугунчалардан иборат).

Псевдотуберкуллёзда учрайдиган – баъзи жойларни териси қизарип қолишини ҳам (“қўлкоп”, “капюшон”, “носки” – белгилар) “эрите ма” деб аталмайди (21-расм).



21-расм.



22-расм.

5) Тугунча (папула) – теридан күтарилиб туради, терини (дермани) сургичли қатламида қон томирларни кенгайиши, чегараланган шишиш, инфильтрат ривожланиши ва эпидермисни пролиферацияга учрашиш туфайли ҳосил бўлади. Ўлчами 1-20 мм. Шакли, ўлчами, консистенцияси ва

бошқалари ҳар хил бўлиши мумкин. Бир-бирига қўшилса – бляшкаляр деб аталади (22-расм).

6) Дўмбоқ, дўнглик – тугунчага нисбатан чукурроқ жойлашиши ва пайпаслаганда ҳар маҳал инфильтрат мавжудлиги билан фарқланади.

Кейинчалик некрозга учраб, яра ҳосил бўлиб, чандик ҳосил бўлиши билан яқунланиши мумкин.



23-расм. Тугун

7) Тугун (узел) – чекланган, қаттиқ, терини чуқур ва тери ости ёғли қатламларида жойлашган, ўлчами – 10-50 мм (1-5 см) ва ундан ҳам каттароқ тошма бўлиб ҳисобланади (23-расм).

8) Торвоқ – типик қўриниши – ўртаси оқимтири, чегаралари қизғич. Кўпайиш ва бир-бири билан қўшилишга мойилликка эга. Шунинг учун баъзан “географик карта”га ўхшаб кетади. Ўткир ривожланади, терини сурғичли қатламини капиллярларини кенгайиши, уларнинг ўтказувчанлигини ошиши ва ташқарига эксудат чиқиши туфайли ривожланади. Қичишиш, ачишиш кузатилади.

9) Пуфакча – ўлчами 1,5-5 мм, сероз, камдан-кам – сероз-геморагик суюқлик саклаган тошма. Одатда, пуфакча экзантемани бир босқичидир (доғ ёки розеола – тугунча – пуфакча – эррозия - қараш - корочка).



24-расм. Пуфакчалар

10) Герпетик тошма – майда, бир-бирига яқын жойлашған пуфакчалар гурухи, эритематоз – ялиғланиш асосида жойлашған.



25-расм.

11) Пустула – йириңгча – йириңг билан тұлдирилған пуфакча. Күпинча пуфакчанинг навбатдаги босқичидир.



26-расм. Пуфак

12) Пуфак – ўлчами 5 мм дан каттароқ.

Тери ялиғланган асосда жойлашиши мүмкін (Сарамасни буллөз шакли, сибир ярасини ҳосил бўлиш босқичида ва бошқалар). Баъзи вақтда ўзгармаган терида кузатилади (травматик) (26- расм).

Лекин инфекцион касалликларда ҳам учраши мүмкін (илон чаққанда, куйиш, тери касалликлари – пузырчатка ва бошқ.).

13) Геморрагия – қон томирни жароҳатланиши, ўтказувчанлиги ортиши ёки деворини бутунлилигини ўзгариши туфайли терига қон қуилиши.

Бошланишида ранги қизил, кейинчалик – ўзгаради – кўқимтири, сарғич ва кейинчалик тўқлашади. Изсиз йўқолади (28 расм). Ҳажми ва шаклига қараб номланади:

Петехия – нуқтасимон, нормал терида (бирламчи) ёки розеоалар билан биргаликда (27 расм).

Пурпурা – 2-5 мм. Каталиқдагиси.

Экхимозлар – 5 мм.дан каттароқ жойни эгаллагани.

Кон куилиши – инъекция қилган жойларда қон қуилиши

Энантемалар – иккиламчи булиб фаркландади.

а) Эрозия – 29 расм.

б) Яра- Язва



27-расм. Петехия



28-расм. (Крым- Конго гемморагик истимаси)

**29-расм. Яралар****30 расм. Геморрагик тошмалар**

Юқорида келтирилган тошмалар аниқланганда врач ташхисни түғри аниқлаш учун қўйидаги саволларга жавоб бериши керак:

- Тошмани турини аниқлаш.
- Пайдо бўлиш муддатини аниқлаш.
- Кўпроқ, аниқ жойлашган жойни аниқлаш
- Тошмани “кўйиқлашишини” аниқлаш
- Босқичма-босқич пайдо бўлишини аниқлаш
- Узоқ-қисқа вақт давомида бўлишини аниқлаш
- Тошма тошишини қайталанишини аниқлаш

з) Бир-бирига қўшилишга мойиллигини аниқлаш

Ҳар вақт эсда тутиш керакки – тошмалар ноинфекцион касалликларда ҳам учраши мумкин.

5.2.ТОШМАЛАР БИЛАН КЕЧУВЧИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДИАГНОСТИКАСИНІ АЛГОРИТМИ

Юқумли касалликлар

1. Паратифлар
2. Псевдо туберкулөз
3. Тошмали тиф

Бриль касаллиги (битли)
4. Канали тошм. тиф
5. Лептоспироз
6. Марсель истимаси

Юқумли бўлмаган

II. Розеола

1. Иккиламчи захм
(сифилис)

III. Доғсимон

1. Кизамиқ
2. Қизилча
3. Инф. мононуклеоз
4. Канали тошм. тиф
5. Энтеровир. тошма
6. Лептоспироз
7. Инфекцион эритема
8. Трихинеллөз

IV. Эритема

1. Рожа (сарамас)
2. Күйдирги
1. Инф. эритемалар
2. Қизил волчанка
3. Бошқа тери касал.

V. Тугунча (папула)

1. Қорин тифи
2. Сувчечак
3. Кизамиқ
1. Иккиламчи захм
(сифилис)
2. Тери касал.

VII. Пуфакча (везикула)

- | | |
|------------------------|--------------------------|
| 1. Сувчечак | 1. Тери касал. |
| 2. Герпет. инф-я | 2. Ўраб олувчи темиратки |
| 3. Везикул. риккетсиоз | |
| 4. Маймун оспаси | |

VIII. Пуфак (пузырь)

- | | |
|-------------------|---|
| 1. Рожа (сарамас) | 1. Эксудатив эритема |
| 2. Күйдирги | 2. Лайелла синдроми |
| | 3. Стивенс-Джонс синдроми
(сульфаниламид. аллерг.) |

VIII. Геморрагик тошма

- | | |
|--------------------------------|--------------------|
| 1. Менингококкли инф. | 1. Гемор. васкулит |
| 2. Скарлатина | 2. Тромбоцитопения |
| 3. Псевдо туберкул. | 3. Анемиялар |
| 4. Страфилакоккли инф. | 4. Авитаминозлар |
| 5. Пневмокок., стрептокок. инф | 5. Диабет |
| 6. Тошмали тиф | 6. Лейкозлар |
| 7. Геморрагик истималар | |

Майды нүктасымон тошма

1. Скарлатина (расм 4.12.)
 - 1.1 Касалликни 1-чи кунидан бошлаб пайдо бўлади
 - 1.2 Қизарган терида фонида аникланади
 - 1.3 Табиий бурмаларда қалинлашган
 - 1.4 Тулаш билан яқунланади

Тошма билан бир қаторда – интоксикация, тонзилит аломатлари кузатилади, бурин - лаб учбурчагида тошма бўлмайди, оқарган бўлади.

2. Сохта туберкулёз.
 - 2.1 Касалликни 3-4 куни пайдо бўлади.
 - 2.2 Тошмани ўзига хос жойларда пайдо бўлиши (“пайпок”, “қўлқоп”, “ёқа” синдромлари).



31 расм. Майда нуқтасимон тошма

2.3. Касаллик оғирроқ кечади ва узоқ вақт давом этади, тана ҳарорати 7-10 кун давомида баланд бўлади.

2.4. Тонзиллит аломатлари йўқ.

2.5. Касалликни кечишида – мезоденит, терминал илеит, менингит ва бошқа синдромлари бўлиши мумкин.

3. Медикаментоз аллергияни ташхислашда қуйидаги маълумотларга таяниш керак:

3.1. Дорилар қабул қилганлиги (кўпинча сульфаниламиidlар).

3.2. Анамнезда бундай холатлар учрагани.

3.3. Тошмалар касалликни 2-3-чи қунига келиб пайдо бўлиши, тана ҳарорати меъёрлашгандан кейин.

3.4. Тошма йўқолиши қучли тулаш (тери кўчиши) билан яқунланади.

Майда нуқтасимон тошмада ташхис излаш алгоритми

Майда нуқтасимон экзантема



ха

Тонзилит борми

→ Скарлатина ташхиси



Беморда йириングли
ўчоғлар (абсцесс, остео-
миелит, йириングли артрит
ва бошқ.) борми

ха

→

Стафилококкли инфекция



Беморда мезоденит,

ха

терминал илеит, сариқлик
белгилари борми → Сохта туберкулөз ташхиси

↓ йўқ

Бемор сульфанил-
амиидлар қабул қилганми ха → Медикаментозли дерматит
ташхиси

↓ йўқ

Анамнезда сульфанил-
амиидларни қабул қилганда ха → Скарлатинасимон қайталанувчи
шундай холат кузатилган → эритема (Фереоля-Бенье
касаллиги)

↓ йўқ

Бемор танасига мазълар
(дорилар) суртканми ха → Контактли дерматит ташхиси
1. Кўп холатларда пайдо бўлиши (70-80%)
2. Кечроқ пайдо бўлиши (касалликни 7-10-чи кунлари)
3. Асосан моноформли, қирғоқлари аниқ, теридан бироз кўтарилиб туриши
4. Сони кўп эмас (санашни иложи бор)
5. Кўпинча қорин, қўкракни паст қисмларида жойлашган
6. Янги элементлар пайдо бўлиши мумкин
7. Кўпинча 2-4 кун сақланиб туради ва изсиз йўқолади

Беморларда тана ҳарорати баланд, жигар ва талоқ катталашган, қонда лейкопения (хамда тиф-паратифга хос бошқа белгилар мавжуд – ангина Дюге, Падалка симптоми, оқимтирилик ва бошқалар).

Розеолёз тошма тошишни тошмали тиф ва Брилль касаллигига ўзига хослиги

1. Деярли барча bemорларда кузатилади (85-95%)
2. Касалликни 2-4-чи кунлари пайдо бўлади
3. Тошмалар сони ўта кўп (санаб бўлмайди)
4. Тошмалар теридан кўтарилимаган, қирғоқлари аниқ эмас
5. Кўпинча тананинг ёнбош қисмида, қўкракда, оёқ-қўлнинг бурма қисмида жойлашган

6. Розеола билан бир қаторда қон қүйилишлар (петехия) мавжуд
7. Күпинча 3-4 кун сақланиб қолади

Тошмали тифга хос бошқа белгилар билан бир қаторда кузатилади (тана ҳарорати баланд, кучли бош оғриқ, уйқусизлик, безовталаниш, Киара-Авцино белгиси – пастки қовоқда сиёх ранг доғлар, Розенберг белгиси – юмшоқ танглайда энантема, лейкоцитоз ва бошқ.).



32-расм. Розеолез тошмани сохта туберкулёзда тошишини үзига хослиги

1. Типик майда нұктасимон тошмалар билан биргалиқда учрайди
2. Сохта туберкулёзни оғир шаклларида фақат розеолез тошма бўлиши мумкин
3. Касалликнинг 3-4 куни тошади
4. Танани барча жойларида бир хил жойлашади (баъзи жойларда қўйикланиш – йўқ) (32-расм).
5. 3-5 кун сақланиб туради

Мезоденит, терминал илеит, жигар ва талоқни катталашиши, диарея ва бошқа (сохта туберкулёзга хос) белгилар билан биргалиқда кузатилади.

Иккиламчи заҳмда розеолез тошмани тошишини үзига хослиги:

1. Бирламчи заҳмдан кейин 40-50 кун ўтгач пайдо бўлади.
2. Кўпинча тана ҳарорати қониқарлигига пайдо бўлади (билинмаган холда). Баъсан кучли бўлмаган захарланиш (интоксикация) аломатлари мавжудлигига пайдо бўлади. Шунинг учун bemor кўпинча юқумли касалликлар шифохонасига – қизамиқ, қизилча, қорин тифи ва бошқа ташҳислар билан жўнатилади.

3. Розеоладан ташқари (2-5 мм) майда доғлар (5-10 мм) бўлиши мумкин.
4. Кўпинча танада аниқланади.
5. Узоқ вақт (3 ҳафтагача) давомида сақланиб туради.

Чивин чақиши

1. Танани очик жойларида аниқланади.
2. Чақкан жойда қичишиш ва шишиш (инфилтратия) кузатилади.

5.3. ЭКЗЕНТЕМА СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧУВЧИ КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИКАСИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

Юкумли касалликларда, айникса болалар хаво-томчи юкумли касалликларида эрта ташхислашни эпидемиологи нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган касалликлар клиникасини кўриб чиқамиз.

Қизамиқ. Қизамиқда инкубацион давр ўртacha ҳисобда 8-10 кундан 17 кунгача чўзилиши мумкин. Профилактик мақсадда иммуноглобулин олган болаларда инкубацион даври 21 кунгача чўзилади.

Қизамиқ клиник кўринишида 3 та давр фарқланади: продромал, тошмали, пигментация.

Касаллик бошланиши - катарал давр – 3 – 4 кун давом этади, тана ҳароратини $38,5\text{-}39^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, интоксикация ва катарал симптомлари пайдо бўлиши билан бошланади.

Беморда тез-тез аксириш, бурундан қўп суюқлик ажралиши овоз бўғилиши ва қуруқ йўтал кузатилади.

Ёруғликдан кўзлари ачишади, ёшланади, конъюктивалари қизариб кетади қовоқларни шишиб, бўртиб туради. Умумий аҳвол кескин ўзгаради, бола безовта, инжиқ, ёмон ухлайди, ланж, иштаҳаси пастлайди.

Дастлаб касаллик бошида ичи суйилади, қоринда оғриқ пайдо бўлади.

Жуда оғир ҳолатларда касалликнинг биринчи кунларидан бошлаб умумий интоксикация белгилари кескин намоён бўлади, талваса ва хушни йўқотиши кузатилиши мумкин.

Қизамиқда катарал давр 3-4 кун давом этади, баъзан 5-7 кунгача чўзилади. Бу давр учун патогномоник белги оғиз шиллиқ қаватида ўзига хос ўзгаришлар бўлишидир. Тил илдизи соҳасида, лунж, милк ва лаб шиллиқ қаватида четлари қизил бўлган кулранг-оқиши нукталарни бўлиши билан характерланади. Бунда шиллиқ қават гулсимон, ғадир – будир қизарган, нозиклашган, Филатов – Бельский – Коплик симптоми пайдо бўлади. Бу белгилар тошма тошгунча 1-2-3

кунларда намоён бўлади, бу тошма пайдо бўлгунча қизамиқ ташхисини қўйишида ёрдам беради ва продромда бошқа этиологияли катарал кўринишларни фарқлашда ёрдам беради.

Қизамиқ катарал даври учун юмшоқ ва қаттиқ танглайдага майда пушти - қизил доғлар кўринишида энантемалар пайдо бўлиши характерли, қизамиқ энантемалари терига тошма тошгунча 1-2 кун давомида аникланади.

Баъзан қизамиқнинг катарал даврида терида нуқтасимон, скарлатинасимон ёки уртикар тошма пайдо бўлиши кузатилади. Продромал тошма асосан кам ва суст намоён бўлади. Қизамиқ тошмаси пайдо бўлгач, касаллик авж олиш даврига ўтади.

Тошма тошиш даври касалликнинг 4-5 кунидан бошланади ва доғли-папулёз тошмалар пайдо бўлиши билан характерланади.

Тошманинг биринчи элементлари қулоқ орқасида, бурунда майда пушти доғлар шаклида пайдо бўлади. Тезда ўлчамлари катталашади, бир-бирлари билан баъзан кўшилади, нотўғри шаклга эга бўлади. Тошма элементлари микдори жуда тез кўпаяди, биринчи сутка охирида бутун юз ва бўйинни қоплайди, кўкрак ва тана юқори қисмида алоҳида элементлар шаклида бўлади.

Иккинчи суткада бутун танани ва қўлни юқори қисмини тошма қоплайди, учинчи кунда оёқ ва қўлларда тарқалади.

Тошмани этапли тошиши - қизамиқ учун муҳим диагностик аҳамиятга эга. Қизамиқда тошма оёқ - қўлнинг ички ва ташки юзасини бир текисда қоплайди.

Тошманинг биринчи кунида тана ҳарорати катарал давридагига нисбатан юқори. Тошма тошишидан 1-2 кун олдин у бир қанча тушади ва тошманинг биринчи куни яна янги кўтарилиш кузатилади, график кўринишида икки букрилик эгри чизик ҳосил қиласиди. Тошма тошиши даврида ҳарорат юқорилигича сақланади. Асоратланмаган кечишида тошма тоша бошланган кундан 3-4 кун ўтгач, ҳарорат нормалашади. Тошма даврида бемор умумий ахволи оғир, безоталаниш, алаҳсираш, баъзан уйқунчанлик кузатилади.

Периферик қонда лейкопения кузатилади. Қизамиқда умумий интоксикация белгилари касаллик оғирлигини белгилайди.

Кейинчалик тошмалар тезда қорайиб, жигар ранг тус олади, ва пигментанция даври бошланади. Пигментация ҳам этапли, яъни дастлаб юздан, тана ва оёқ-қўллардаги тошмалар пигментацияланади. Бу давр 1-1,5 хафта давом этади ва терида майда қипиқланишлар бўлади.

Пигментация даврида тана ҳарорати нормаллашади, катарал симптомлар йўқолади ва беморнинг умумий ахволи аста-секин тикланади. Қизамиқнинг реконвалесценция даврида узоқ муддат астения ва анергия (иммунитетнинг сусайиши) холати ушланиб туради.

Қизамиқни баъзи даврлари давомийлиги бузилган бўлиши мумкин - тошма даври қисқариб, катарал даврнинг бўлмаслиги, тошма босқичли тошишини бузилиши кузатилади.

Митигирланган қизамиқ инкубацион даврида иммуноглобулин олган беморларда кузатилади.

Баъзан бундай bemорларда Филатов - Бельский - Коплик доғлари бўлмайди, тошма рангпар, майда ва кам бўлади (баъзан бир нечта элемент), тошма тошиш босқичлилиги бузулади, катарал белгилар жуда суст намоён бўлган ёки умуман бўлмайди.

Митигирланган қизамиқда асоратлар кузатилмайди.

Қизамиқнинг яширин шакли кўпинча 6 ойгача бўлган болаларда учрайди, уларда касаллик онасидан ўтган пассив имунитет фонида кечади.

Атипик агрессив симптомли қизамиқ (гипертоксик, геморрагик, ёмон сифатли) холатларни киритиш мумкин, улар жуда кам учрайди.

Тирик қизамиқ вакцинаси билан эмланганларда қонида антителолар ҳосил бўлади, бўлмаган бўлса, уларда қизамиқнинг барча хусусиятларини сақлаган холда типик кечади.

Асоратлари. Қизамиқда асоратлар касалликнинг турли давларида пайдо бўлиши мумкин. Асосан улар иккиламчи микроб флорасини қўшилишидан иборат. Асоратлар қизамиқда факат ўлимга сабаб бўлиши мумкин, асоратланмаган қизамиқдан болалар ўлмайди.

Кўпинча асоратлар нафас аъзолари томонидан бўлади: ларингит, ларинготрахеобронхит, зотилжам. Ларингит ва ларинготрахеит асосан продромал даврда пайдо бўлади ва тошиши билан йўқолади. Улар сабабчиси қизамиқ вируси бўлиб, жараён катарал характерга эга.

Некротик, фибриноз-некротик, ярали ларингит ва ларинготрахеит пигментация даврида вужудга келади, лекин касаллик бошланишда ҳам бўлиши мумкин. Улар узоқ муддатли, баъзан тўлқинсимон кечади, афония ва хиқилдоқни яққол стенози билан намоён бўлади. Бу вирус – бактериал асоратdir.

Қизамиқда ўпкани яллигланиши барча давларда ривожланиши мумкин, эрта зотилжам, продром даврда ривожланади, қизамиқ вируси чақирган лимфа

ва қон айланиши бузилиши билан боғлиқ. Үпкадаги үзгаришларни аниқлаш қийин бўлади.

Эрта пайдо булган зотилжам жуда оғир кечиши билан фарқланади. Бунда МНС шикастланади. Бунда үпкадаги физикал үзгаришлар яққол бўлмаслиги мумкин, чунки бронхопневмония ўчоқли шаклида кечади.

Кечки зотилжам тошма пигментацияси даврида (тошма тошгач 4-5 кундан кейин) пайдо бўлади. 1-2 кун тана ҳарорати нормалашгач, яна кўтарилади, умумий ахволи ёмонлашади. Хансираш, цианоз ва үпкада физикал үзгаришлар пайдо бўлади. Қизамиқдаги зотилжам секин кечиши билан фарқланади ва абцессланишига мойил бўлади. Ҳозирги вақтда антибиотикларни ўз вақтида қўлланилиши зотилжамни текис кечиши ва тузалишини таъминлайди.

Оҳирги йилларда қизамиқда эмпиема ва абцесслар кам учрайапти. Энг кўп ва жуда оғир зотилжам 2 ёшгacha бўлган болаларда учрайди. Қизамиқ зотилжамини ўлим билан тугаши кўпинча 2 ёшгacha бўлган болалар орасида кузатилади.

Отит - энг кўп учрайдиган қизамиқ асорати. Оҳирги йилларда фақат катарал отит кўп учраб, йириングли отит кам учрайди. Отитлар кўпинча қизамиқни пигментация даврида пайдо бўлади.

Стоматит - қизамиқда катарал ёки афтозли бўлади. Овқатланиши бузилган ва авитаминоз сабабли кучсизланган болаларда некротик ёки ярали стоматит ривожланади. Гангренозли стоматит (нома) оҳирги йилларда учрамоқда.

Колит ва энтероколит пигментация даврида иккиламчи микроб флоросини қўшилишидан, яъни шартли патоген (шигелла, патоген туридаги замбуруғлар, стафилококклар, энтерококклар) микроблар келтириб чиқаради.

Кератит: қизамиқда кам учрайдиган асоратлар - диарея ва авитаминоз белгилари бўлган болаларда, айниқса кўзга ёмон парвариш бўлганда учрайди.

Асаб тизими томонидан асоратлар - булар энцефалит, серозли ёки йириングли менингит оғир кечиши ва ўлим билан тугаши мумкин.

Алоҳида холатларда қизамиқ асорати энцефаломиелит бўлиши мумкин, параплегия ёки орқа мияни бошқа шикастланиш белгилари билан бирга намоён бўлади.

Ташхис типик қизамиқда қийинчилик туғдирмайди. Касалликни ўткир бошланиши, катарал белгиларни аста–секин кучайиши, коньюктивит бўлиши,

энантема ва Филатов–Коплик доғларини пайдо бўлиши, ўзгармаган тери орасида мақуло – папулёзли тошмаларни этапли тошиши тошмали ва ЎРВИ касалликлар билан фарқлашда ёрдам беради.

Қизамиқни фарқлаш керак: ЎРВИ, қизилча, зардоб касаллиги, энтеровирусли инфекциялар, Стивенс -Джонсон синдроми ва ҳ.к.

Қизамиқка ташхис қўйишда қийинчиликлар бўлса, беморга серологик текширишлар қўллаш мумкин, 5-7 кун интервал билан олинган бемор зардобида жуфт зардобрларда қизамиқ антителолари титри 4 ва унда юқори баробар бўлса, маҳсус диагностик тест ижобий ҳисобланиб, ташхис тасдиқланади.

1 ёшгача бўлган болаларда қизамиқ кузатилмайди, чунки онасидан трансплацентар йўл билан антителолар бори ҳисобига касалланмайдилар. Агар онаси қизамиқ билан кассалланмаган бўлса, бола биринчи кунидан касалланиши мумкин.

Хомила ривожланишинг эрта босқичларда қизамиқ вируси билан трансплацентар йўл орқали заарланга бўлса, касаллик ўткир ости склерозланувчи панэнцефалит шаклда намоён бўлади.

Агар заарланиш хомиладорликнинг оҳирги ҳафталарида юз берса, у холда бола қизамиқ белгилари билан туғилиши ёки биринчи кунда намоён бўлиши мумкин.

Тұғма қизамиқ ташхисини қўйиш жуда қийин, чунки касаллик клиник белгилари яширин ёки кучайтирилган шаклда бўлиши мумкин.

Ташхис қўйиш эпиданамнезга асосланади. Янги туғилган чақалоқ иммунологик толерантлик ҳисобига вирус нейтралловчи антителалар ҳосил бўлмаслиги мумкин.

Скарлатина (Қизил қўйлак).

Скарлатина – бу ўткир инфекцион касаллик бўлиб, умумий интоксикация, ангина ва майда нуқтасимон тошма гиперемияланган тери фонига тошиши билан характерланади.

Қўзғатувчиси β-гемолитик стрептококк. Инфекция манбаи –стрептококкли инфекция билан касаланган бемор. Тарқалиш йўллари –ҳаво-томчи, майший-мулоқот, 3-нчи шахс орқали, заарланган тери (куйган ва ҳакозо), алиментар йўл. Юқумли даври – антибиотик олганларда 5-10 кун, олмаганларда - 22 кун. Юқумлилик индекси - 40%, иммунитет – антитоксик, мустаҳкам.

Скарлатинанинг клиникаси инкубацион даври –2 – 7 кун. Касаллик ўткир, юқори ҳарорат, қайт қилиш, томоқда оғриқ билан бошланади. Бир неча соатдан сўнг баданда тошма тошади. Тошма майда нуқтали гиперемирланган тери

фонида, таббий бурмаларда күпайиб тошиш хусусиятига эга. Тошма касалликнинг 3-5 куніда йўқолади ва унинг ўрнида қипикланиш пайдо бўлади. Касаллик учун характерли бўлган Филатов симптоми – оғиз-бурун-лаб учбурчагида тошма йўқлиги.

Томоқда - чегараланган қизил фонда - ангина катарал шаклидан то некротик шаклигача кузатилиши мумкин. Регионар лимфа тугунлари катталашиши аниқланилади.

Характерли тил – касаллик бошланишида оқ қуюқ караш билан қопланган, касалликни 3-4 кунидан бошлаб «малинасимон» тусда шундай холда 2 хафтагача сақланади.

Юрак – томир тизимида ўзгаришлар «инфекцион юрак сифатида» 2-4 хафтагача сақланади.

Умумий қон тахлилида - лейкоцитоз, нейтрофиллёз, ЭЧТ күтарилиши.

Скарлатинанинг клиник классификацияси:

1) Типик шакли оғирлик бўйича:

- Енгил
- Ўрта оғир
- оғир

2) Атипик шакли:

- Экстрабуккал шакли
- Билинар билинмас (скарлатина тошмасиз)
- Гипертоксик
- Геморрагик

Қизилча (Rubella) – ўткир инфекцион касаллик, қизамиқ сифат тошма, сезилмас катарал симптомлар ва лимфа тугунларнинг катталашиши билан характерланади.

Кўзгатувчиси вирус, инфекция манбаи – бемор одам, тарқалиш йўли – ҳавотомчи йўл билан, 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар касалликка мойиллиги юқори бўлади. Бу касаллик, айниқса, ҳомиладор аёллар учун ҳавфлидир, уларнинг ҳомиласи туғма нуқсонлар билан туғилиши мумкин.

Юқумли даври – касаллик бошлангандан 2 ҳафтагача, иммунитет мустаҳкам. Инкубацион даври 15-24 кунгача. Касаллик бошлангандан катарал симптомлар кам намоён бўлади, умумий аҳволи ўзгармайди.

Терига майда пушти рангли, папулёзли тошмалар тошади. Патогномоник симптом – орқа бўйин ва орқа энса лимфатугун катталашиши билан характерланади.

Мавзу бўйича тест саволлари**1. Скарлатинада тошма характери:**

- А. нуктасимон тошма, гиперемияланган тери фонида
- Б. тошма пуфакчалари кўп катакли бўлади
- В. розеола тошма
- Г. розеола –петехиал тошма

2. Скарлатинада тилдаги ўзгаришларни кўрсатинг:

- А. «сўргичли» малинасимон тил
- Б. ўзгармаган
- В. оқ караш билан қопланган
- Г. «географик» тил

3. «Ёнаётган томок» қайси касалликка хос?

- А. скарлатина
- Б. қорин тифи
- В. иерсиноз
- Г. Қизамиқ

4. Скарлатина қўзгатувчисини кўрсатинг:

- А. Стрептококк
- Б. Страфилакокк.
- В. Диплококк.
- Г. Пневмококк

5. Сув чечак касаллигида гормонларни қўллаш учун кўрсатма:

- А. сув чечак энцефалити
- Б. ўта енгил формаси
- В. енгил формаси
- Г. ўртacha оғирликдаги формаси

6. Сувчечакни атипик турлари:

- А. Рудиментар, гемморагик, гангреноз.
- Б. Буллёз
- В. Флегманоз.
- Г. Висцерал

7. Қизамиқ касаллигіда патогномоник симптомни құрсатинг:

- А. Филатов симптоми
- Б. Мирсу симптоми
- В. Филатов-Бельский-Коплик симптоми
- Г. Пастия симптоми

8. Қизамиқ қүзғатувчисининг организмга кириш дарвозаси:

- А. ошқозон ичак шиллиқ қавати
- Б. заарланган, бутунлиги бузилған тери оркали
- В. қон махсулотлари қуйганда
- Г. юқори нафас йүллари шиллиқ қаватлари орқали

9. Болаларда қизамиқ касаллигини таққосlama ташхисини үтказиш:

- А. менингококк юқумли касаллиги
- Б. тошмали касалліктер
- В. паротит
- Г. юқумли мононуклеоз

10. Эмланган болаларда қизамиқнинг асосий белгилари:

- А. терида тошмалар қўп
- Б. кучли интоксикация
- В. узоқ муддатли яширин давр, кучсиз интоксикация
- Г. қисқа муддатли яширин давр, кучли интоксикация

11. Қизамиқ катарал даврининг клиник қўриниши:

- А. тана ҳароратини қўтарилиши, кучсиз интоксикация, йўтал
- Б. юқори ҳарорат, димогини битиши, акса уриш
- В. температура, димоф битиши, йўтал, конъюктивит, Филатов-Бельский-Коплик белгиси
- Г. ҳарорат, конъюктивит, йўтал

12. Қизамиқ тошмаларидан сўнг терида қуидаги ўзгаришлар қолади:

- А. пигментация- терининг майда кепакланиши
- Б. Из қолдирмай йўқолади
- В. терининг пластинкасимон кўчиши
- Г. терида яра қолади

13. Беморни далада кана чаққан. Қасаллик юқори ҳарорат билан бошланган. Танасида геморрагик тошма, бурни қонаган. Ташхис?

- А. Геморрагик иситма
- Б. Бруцеллөз
- В. Ку-иситма
- Г. Тошмали тиф

14. Қайси қасаллика лаб-бурун учбурчагида тошма күзатылмайды?

- А. Скарлатина
- Б. Қизамиқ
- В. Қызыл қўйлак (Краснуха)
- Г. Сув чечак
- Д. Бўғма

15. Скарлатинада тошма кўриниши:

- А. Қизарган терида майда қизил тошмалар
- Б. Тери ранги ўзгармаган майда тошма
- В. Қизарган терида йирик папулёз тошма
- Г. Тери ўзгармаган майда пуфакчали тошмалар
- Д. Тери ранги ўзгармаган эритематоз тошма

16. Скарлатинада тилдаги ўзгаришларни кўрсатинг?

- А. ўзгармаган
- Б. оқ караш билан қопланган
- В. «сўрғичли» малинасимон тил
- Г. «географик» тил
- Д. афтоз тил

17. Скарлатинанинг ўткир даврида теридаги ўзгаришлар:

- А. намлик, бичилиш
- Б. куруқлик, букувчи буғимлар юзасида тошма
- В. намлик, тери ўзгаришсиз
- Г. Ўзгармаган тери фонидаги тошма
- Д. тери ўзгаришсиз

6 БОБ

МЕНИНГИТ ВА МЕНИНГОЭНЦЕФАЛИТ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧАДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ДИАГНОСТИКАСИ

6.1. МЕНИНГИТ ВА МЕНИНГОЭНЦЕФАЛИТ БЕЛГИСИ ХАҚИДА УМУМІЙ МАЪЛУМОТ

Менингитлар ва менингоэнцефалитлар юқумли ҳамда юқумли бўлмаган касалликларда учрайди. Ушбу синдром кузатиладиган юқумли касалликлар оғир кечуви, ноадекват даволаганда нохуш оқибатлар кузатилиши билан ажралиб туради. Ушбу синдром кузатилган беморлар аҳволини ўз вақтида баҳолаш ва тўғри танланган тактика, УАШ босқичидаёқ, касаллик оқибатида муҳим аҳамиятга эга.

Менингеал синдром умуммия ва бевосита менингеал симптомлар ийғиндисидан иборат. Умуммия симптомларга кучли бош оғриши, енгиллик келтирмайдиган қайт қилиш, баъзан оғир ҳолларда психомотор қўзғалишлар, алаҳлаш, галлюцинациялар, талvasалар киради.

Менингеал симптомларга гиперестезия, тоник мушак тортишишлари (энса мушаклари ригидлиги, Керниг симптоми, Брудзинский симптомлари, «Лессаж» симптоми, кўқрак ёшидаги болаларда катта лиқилдоқнинг бўртиб чиқиши), реактив оғриқ феноменлари (кўз олмасига, ташқи эшитув йўлининг олдинга деворига босилганда оғриқ, ёноқ равоғлари ва каллани перкуссия қилинганда бош оғригининг кучайиши), қорин, периостал, пай рефлексларининг пасайиши киради.

Менингизм – ликворнинг яллиғланиши ўзгаришларисиз менингеал симптоматиканинг клиник намоён бўлиши билан характерланади. Менингизмнинг клиник белгилари мия қобигларида яллиғланиш ҳисобига эмас, балки уларнинг токсик қитиқланиши ва мия ичи босимининг ошиши сабабли келиб чиқади. Кўпинча менингизм грипп, бошқа ЎРВИлар, қизамиқ, қорин тифида кузатилади.

Биз сизларга юқорида санаб ўтилган синдромлар билан кечувчи юқумли касалликлар билан таништириш ва уларга асосий клиник характеристика берамиз.

Менингококли менингитга ўткир тана ҳароратининг 39-40°Сача кўтарилиши, кучли қалтираш характерли. Катта ёшдаги болалар аниқ локализациясиз диффуз характердаги кучли бош оғришига шикоят қиласидилар,

одатда пешона, чакка, энса соҳаларида кузатилади. Болалар бошларини ушлаб оладилар, безовта бўлиб қоладилар, қичқириб юборадилар, уйқулари бузилади. Бош оғриғи ҳаракатланганда, бошни ҳаракатга келтирганда, кучли ёруғлик ва товушли таъсирловчилар таъсирида кучаяди. Баъзи беморларда қўзғалувчанлик тормозланиш, атрофга бефарқлик билан алмашинади. Айниқса, нерв устунлари ва илдизчаларига босилганида кучаядиган, умуртқа бўйлаб оғриқлар кузатилиши мумкин. Гиперестезия йирингли менингитнинг етакчи симптомларидан биридир. Қайт қилиш ҳам менингитнинг муҳим симптомидир. У касалликнинг биринчи кунидан пайдо бўлиб, овқат истеъмол қилиш билан боғлиқ эмас. Кўпчилик bemорларда қайт қилиш такрорий ва қўп марталаб кузатилади. Баъзи ҳолларда қусиш бошланаётган менингитнинг биринчи манифест белгиси ҳисобланади. Менингококкли менингитда эрта ёшдаги болаларда талвасалар муҳим симптомдир. Одатда улар клонико-тоник бўлиб, кўпинча касалликнинг биринчи кунидан намоён бўяди. Менингеал симптомлар 2-3- кундан аниқланади. Кўпинча энса мушаклари ригидлиги, Керниг симптоми, Брудзинскийнинг юқори симптоми аниқланади. Пай рефлекслари кўпинча кучайган, бироқ оғир интоксикацияларда бўлмаслиги ҳам мумкин, товон клонуси, Бабинский симптоми, мушак гипотонияси ҳам аниқланиши мумкин. Бош мия нервларининг (одатда III, VI, VII, VIII жуфт) тез ўтиб кетувчи зарарланиши кузатилиши мумкин. Ўчоқли симптоматиканинг пайдо бўлиши мия шиши ривожланганлигини кўрсатади. Менингококкли менингитда турғун қизил дермографизм, лабларда герпетик тошмалар аниқланади. Бемор юзи рангпар, склераларни енгил инъекцияси кузатилади. Пульс тезлашган, юрак тонлари бўғиқлашаган, артериал босим пасайишга мойил. Оғир ҳолларда нафас олиш тезлашган, юза. Перкуссияда кутича товуши аниқланади, аускультацияда — дағал нафас. Эрта ёшдаги болаларда кўпинча ич кетиши кузатилиб, бунда у касалликнинг биринчи кунидан пайдо бўлади ва биринчи ўринга ўтиши мумкин, бу эса ташхислашни қийинлаштиради. Тилнинг қуруқлашиши, баъзан чанқаш, жигар ва талоқнинг катталashiши ҳарактерли.

Интоксикация натижасида пешобда ўзгаришлар аниқланиши мумкин: оз миқдорда альбуминурия, цилиндруррия, микрогематурия. Периферик қонда лейкоцитоз, нейтрофилли силжиш, анэозинофилия, ЭЧТнинг ошиши аниқланади.

Ташхислаш учун орқа мия суюқлигининг ўзгариши катта аҳамиятга эга. Касалликнинг биринчи кунида ликвор тиник бўлиши мумкин, бироқ нейтрофиллар миқдорининг кўплиги ҳисобига тезда хиралашади. Плеоцитоз 1 мкл да бир неча мингга етади. Бироқ, плеоцитоз паст, оқсил миқдори кўп,

шакар ва хлоридлар пасайған холлар ҳам учрайди. Менингококли менингоэнцефалит – касалликнинг биринчи қунидан энцефалитик симптоматика: ҳаракат қўзғалувчанлиги, эс-хушнинг бузилиши, талvasалар, бош мия III, IV, V, VIII, баъзан бошқа нервларнинг заарланиши қузатилади ва устунлаик қилади. Геми- ва монопарезлар бўлиши мумкин. Баъзан бульбар параличлар, мияча атаксияси, кўз ҳаракатидаги бузилишлар ва бошқа неврологик симптомлар қузатилиши мумкин. Касаллик айниқса оғир кечади ва ноxуш якунланади.

Менингококли менингит ва менингококцемия - аралаш шаклларнинг клиник симптоматикасида менингитнинг ва менингоэнцефалитнинг ҳам, менингококцемиянинг ҳам белгилари намоён бўлиши мумкин.

Клиник жиҳатдан миянинг ўткир бўкиши ва шишиши кескин бош оғриши, талvasалар, хушнинг йўқотилиши, психомотор қўзғалишлар, қайта қусиш билан намоён бўлади. Бош мияни энса тешигига тиқилиши натижасида узунчоқ миянинг эзилганда ўта хавфли симптомлар ривожланади: пульс кам, аритмия, артериал босим пасаяди, нафас шовқинли, юза, Чейн - Стокс типида, кўпинча гипертермия, юзнинг гиперемияси, цианоз, кўп терлаш. Гипоксия, гипокапния, нафас алкалози характерли. Ўлим ўпка шиши ва нафас тўхташи сабабли содир бўлади.

Кичик ёшдаги болаларда касалликнинг кечуви церебрал гипотензия синдроми ривожланиши билан оғирлашиши мумкин. Бу синдромнинг юзага келиши бензилпенициллинни массив дозаларини парентерал киритиш, ҳамда интенсив дегидратацион даво ўтказилиши билан боғлиқ. Клиник манзараси кескин токсикоз ва сувсизланиш, юз маъноси ўткирлашган, кўзлари ботган, кўз атрофида қора доғлар, талvasалар, гипотония қузатилади, менингеал симптомлар сусаяди ёки умуман йўқолади, катта лиқилдоқ ботади. Пай рефлекслари йўқолади, орқа мия каналидаги босим паст, ликвор кам миқдорда томчилаб чиқади (церебрал коллапс).

Менингококли менингитнинг кечуви яллиғланиш жараёнини мия қоринчалари эпендимасига тарқалганда сезиларли оғирлашади. Яллиғланишда эпендиматитга ҳос ўзгаришлар менингококли менингитнинг ҳам эрта, ҳам кечки босқичларида пайдо бўлиши мумкин, айниқса даволашни кеч бошланганда.

Клиник жиҳатдан эпендиматит менингоэнцефалит симптомлари билан характерланади. Етакчи симптомлар уйқучанлик, ҳаракат безовталиги, прострация, кома ёки сопор, кучайиб борувчи мушак гипертонуси, ҳатто опистотонусгача, талvasалар, гиперестезия, кўл-оёқларни қалтираши, кучли

қусиши ҳисобланади. Бир ёшгача бўлган болаларда катта лиқилдоқнинг шишиши, калла чокларининг ажралиши аниқланади. Боланинг холати характерли: тақим соҳасида оёқлар чалиштирилган ва олдинга чўзилган, кафтлар флексирланган, бармоқлар мушт қилинган.

Люмбал пункция ҳал қилувчи диагностик аҳамиятга эга. Баъзан ликвор тиник бўлиши мумкин, лимфоцитлар устунлиги билан 50-100-200 ҳужайра атрофида плеоцитоз. Бундай менингококли менингитнинг сероз шакллари одатда даволашни эрта бошланганда кузатилади. Бу холларда антибиотиклар билан даволаш сероз яллиғланиш босқичидаёқ тўхтатувчи эфект беради. Менингококни аниқлаш учун бактериологик текширув ва қон суртмаларини (йўғон томчи) текшириш катта аҳамиятга эга. Серологик диагностика стандарт диагностикумлар йўқлиги сабабли кенг тарқалмаган. Серологик усуллардан РПГА ва иммуноэлектроосмофорез реакцияси (ВИЭФ) усуллари энг кўп сезгир. Бу реакциялар юқори сезгир ва маҳсус антителоларнинг ҳамда бемор қонидаги менингококк токсинининг минимал миқдорини аниқлай олади.

Менингококкли инфекцияни менингеал ва энцефалитик ўзгаришлар кузатиладиган МНС зарарланиши билан кечадиган токсик грипп ва бошқа ЎРВИлар билан таққосланади. Бу касалликларни таққослашда орқа мия суюқлигини текшириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Асоратланмаган грипп ва бошқа ЎРВИларда ликвор меъёрида. Менингококк менингитини бошқа менингеал симптоматика билан кечувчи юқумли касалликлар (дизентерияни оғир шакли, сальмонеллёз, қорин тифи ва б.), билан таккослаш лозим.

Кўпинча менингитни характерини – сероз ёки йириングлилигини аниқлаш қийинчиллик туғдиради.

Мия қобигларини сероз яллиғланиши энтеровируслар, туберкулёз микобактериялар, лептоспиралар, полиовируслар, эпидемик паротит вируси томонидан чақирилиши мумкин. Менингитни сабабини ликвор текшируви кўрсатади. Ҳамма сероз менингитларда, этиологиясидан катъий назар, ликвор тиник, лифоцитлар миқдори кўпайгани ҳисобига плеоцитоз, оқсил миқдори бир оз кўпайган. Сероз менингитни инкор этган холда ва менингитни йириングлилиги аниқланганда, текширувни иккинчи босқичида уни этиологиясини аниқлаш лозим. Менингококклардан ташқари, мия қобигларини йирингли яллиғланиши бошқа бактериал флора тарафидан чақирилиши ҳам мумкин: пневмококклар, стафилококклар ва стрептококклар, Афанасьев — Пфейффер таёқчаси, клебсиеллалар ва б.

Менингококк инфекциясини ўтказгандан сўнг церебрал астения, астеновегетатив кўринишлар, эпилептиксимон синдромлар каби кўринишлар

узоқ вақт қузатилиб туриши мүмкін. Кеч бошланған даво оқибатида ақлий ривожланиш түхташи, карлик, күрүв нервини қисман атрофияси ва гидроцефалия қузатилади.

Бир ёшгача бўлган болаларда менингококкли менингитни спазмофилиядан, МНС органик шикастланишлари билан таққослаш лозим. Лейкин бундай холларда тана ҳарорати нормал сақланади, катта ликилдоқни таранглиги ва шиши аниқланмайди, Лессаж симптоми аниқланмайди. Ликвор ўзгармайди. Катта ёшдагиларга нисбатан, кўкрак ёшида бўлган болаларда кўпроқ холларда жараёнга мия моддаси, эпендима қўшилади ва у мия суюқлигини хайдаш йўлларини ёпилишига олиб келиб, гидроцефалияни ривожлантиради. Даволаш ўз вақтида бошланған холларда эпендиматит ва гидроцефалия кам учрайди.

6.2. МЕНИНГОКОККЛИ ИНФЕКЦИЯ КЛИНИКАСИ

Менингококкемия (менингококкли сепсис). Менингококк бактеремияси баъзан менингиал симптомларсиз ўтади, бошқа холларда эса менингит хам менингококкемия билан биргаликда учраши мүмкін. Бу шаклнинг клиникаси турлича бўлиши мүмкін. Баъзан менингококкемия енгил ўтади, бунда bemorning ҳарорати 2-4 кун кўтарилиб туради, озгина интоксикация бўлади. Bemorning аҳволи оғирлашмайди. Менингококкемиянинг бундай турини аниқ белгилаш қийин. Менингококкемия аксарият холларда бирдан бошланади, 6-8 соат давомида ҳарорат $38-40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Интоксикация билан бир вақтда менингизм белгилари пайдо бўлади: бош қаттиқ оғрийди, bemor талvasага хам тушади, кўпинча қайт қиласи ва бехуш бўлиб ётади. Шуниси борки, мия пардалариниг яллиғланишига хос ушбу симптомлар бўлгани холда, орқа мия суюқлигига яллиғланишига хос ўзгаришлар топилмайди. Касаллик бошланганидан кейин 8-12 соат ўтгач, bemor баданида геморрагия аломатлари кўринади, майда тошмалар билан бир қаторда 0,5-1 см катталиқдаги қонталашлар пайдо бўлади. Бадандаги тошманинг юлдузчаларга ўхшашиб бўлиши жуда характерлидир. Бу тошмалар кўпинча думба, сон, болдир, кўз қовоғи, кўз склераси ва баъзан юзда пайдо бўлади (33-расм).

Иситма 1-2 кун юқори бўлиб туради ($39-40^{\circ}\text{C}$), сўнгра у турлича кўринишда давом этади, кейинрок субфебрил даражага тушади. Кучли интоксикация пайтида тахикардия, гипотония, хансираш аниқланади. Bemor

тили караш билан қопланади, у кўп чанқайди, чақалоқ болаларда диспепсия белгилари (қусиш, ич кетиш) қузатилади.

Менингококкемияда баъзан буғимларнинг синовиал пардаси заарланиб полиартрит симптомлари пайдо бўлади, кўзнинг томирли пардаси яллиғланади. Бунда кўз парданинг ранги ўзгариб тўқ қизил тусга киради. Эндокардит, пневмония камроқ учрайди. Қон текширилганда юқори лейкоцитоз (20000-40000), нейтрофилёз борлиги, лейкоцитар формуланинг чапга сурилгани аниқланади, анэозинофилия ҳам бўлади. Менингококкемияни ўз вақтида тўғри даво қилинса, касаллик қўпинча bemornining соғайиши билан якунланади.



33 расм. Менингококкемиядаги тошмалар

Яшин тезлигида кечадиган менингококкемия жуда кучли интоксиация билан таърифланади. Касаллик бошланиши билан бемор хушини йўқотади ва ҳар хил тартибсиз ҳаракатлар қиласверади, уни кетма-кет тутқанок тутиб туради. Беморнинг юзи қизарган ва бўртган бўлади. Шиллиқ пардалар ва тери қизариб, кўкариб туради. Касаллик бошланишида тахикардия ўрнига брадикардия аниқланади, қон босими кўтарилади. Нафас аритмияси ва бош мия шишига хос белгилар пайдо бўлиши ҳавфли аломат ҳисобланади. Мана шундай холда ётган bemorni бирданига нафаси тўхтаб, ўлиб қолиши мумкин. Бош мия шишиганда узунчоқ мия катта энса тешигига кириб қолиб эзилиши мумкин.

Баъзан ўткир менингококк сепсисида буйрак усти безларига қон қуйилади ва Уотерхауз-Фридериксен синдроми кўринади. Бу синдром жуда кучли интоксиация, қайталаниб турадиган коллапс белгилари ва бош мия заарланишига хос бўлган бошқа симптомлар билан таърифланади. Бу ўзгаришлар тўсатдан бошланади. Бемор эти увишиб, қалтирайди. Ҳарорат жуда

юқори күтарилиб, бемор хушидан кетади, қусади. Касаллик бошланишиданоқ бадан терисига қон қуйилади, петехия тошмаси кўринади. Пульс жуда тез ва суст уради, кейинчалик мутлақо қўлга илинмайди. Қон босими борган сайин пасайиб боради. Бемор хансираф нафас олади. Менингеал синдром аниқланади. Конда юқори лейкоцитоз ва нейтрофиллар формуласининг чапга сурилиб қолгани қўзга ташланади. 15-30 соат ичидаги бемор кома холатига тушиб, ўлиб қолиши мумкин. Беморнинг бунчалик эрта ўлишининг сабаби буйрак усти безларига қон қуйилишидир.



34 расм. Геморрагик тошмалар ва ўзига хос менингиал холат


Сурункали менингококкемия. Менингококк инфекциясининг бу хили кам учрайди. Бир неча ҳафтадан бир неча йилгача давом этади. Ҳарорат доимий иситма ёки интермиттенс кўринишида бўлади. Апирексия даврида беморнинг ахволи анча яхшиланади, баданидаги тошмалар анча камаяди. Сурункали менингококкемияда баъзан артрит, полиартритлар бошланади. Конда нейтрофиллөз, лейкоцитоз, ЭЧТ тезлашгани кўринади. Сурункали менингоэнцефалитда гломерулонефрит, эндокардитлар бошланиши мумкин.

Менингококкемиянинг менингит билан ўтадиган хили 25-50% холларда учрайди. Бунда менингококкемиянинг симптомларидан ташқари бош мия пардасининг заараланганига хос белгилар аниқланади.

Менингит. Инкубацион даври 4-6 кун давом этади. Касаллик тўсатдан бошланиб, бемор эти увишиб қалтирайди. Ҳарорати $39-40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Боши қаттиқ оғрийди, кетма-кет қайт қиласи. Интоксикация тез кучайиб бориб, бемор хадеб безовталанаверади. Баъзи беморлларда, айникса, болаларда тутқаноқ тутади. Иситма турли шаклда бўлиб, 2-3 кундан, то 7-14 кунгача, гоҳида 20-25 кунгача чўзилади. Иштаҳа бўғилади, биринчи қунларидек баданда геморрагик тошма пайдо бўлади.



35 расм. Брудзинский симптоми ва энса мушаклари қотиши



36 расм. Менингитда бемор холати (ўқланган милтиқ холати)

Баъзан бадан терисида (касалликнинг оғир формасида) майда тошмалардан ташқари, 0,5-1 см катталиқдаги қонталашлар кўзга ташланади. Бундай геморрагия белгилари склерла, конъюктива, танглай, бурун шиллик пардасида хам учрайди. Баъзан меъда, бачадон, буйракдан қон кетади. Бемор безовталаниб, алахлайди, уни уйқуга тортаверади, лекин ухлай олмайди. Беморнинг юзи, кўзи қизарган ва бўртиган бўлади, у қуёш ёки электр нурига қарай олмайди. Касалликнинг 2-3 куни учук тошади, жигар ва талоқ озгина катталашади. Менингеал симптомлар пайдо бўлади: энса мушаклари тортишиб, қисқариб туради. Керниг ва Брудзинский симптомлари яққол аникланади (расм 34 ва 35). Болалар бошини орқасига ташлаган холда ётади, катта ёшдаги bemorлар эса боши орқага ташланган, оёклари қорнига тортилган холда бўлади. Керниг симптоми ва энса мушакларининг тортишиб, қисқариб туриши баъзан 4 ёшгacha бўлган соғлом болаларда хам учрайди. Чақалоқларда менингитнинг энг характерли симптоми лиқилдоқнинг таранг тортиб, бўртиб туришидир. Талваса


капталардагига қараганда, болаларда күпроқ бўлади. Агар бемор болани қўлтиқ остидан қўтариб олса, унинг оёқлари қорнига тортилган холатда бўлади. Бош мия нервларининг заарланишига оид симптомлар пайдо бўлади: аизокория, конвергенция ва аккомодациянинг бузилиши, кўзнинг ғилай тортиши. Булардан ташкари, оёқ-қўлларнинг фалажи, ярим фалаж аломатлари учрайди, Россолимо, Бабинский симптомлари аниқланади.

Эпендиматит синдроми билан кечадиган менингит.

Менингит диагнози кеч аниқланган ва унга нотўгри даво қилинган холларда эпендиматит симптомлари пайдо бўлади.

Серозли менингит.

Менингит баъзан серозли менингит кўринишида ўтади. Бунда менингиал синдром яққол кўринмайди. Орқа мия суюқлиги тиник бўлади. Плеоцитоз аниқланади (1 мл да 200-800 ҳужайра). Плеоцитоз асосан лимфоцитлар ҳисобига бўлади.



36 расм. 1. Орқа мия пункцияси вақтида бемор холати.

2. Орқа мия суюқлиги.

3. Менингококкли менингитда “йирингли қалпоқ”.

Менингоэнцефалит.

Менингеал синдром суст ифодаланган бўлади. Асосан энцефалит симптомлари аниқланади, касаллик бирданига бошланади, bemor психикаси бузилиб, уни талваса тутади, оёқ-қўллари фалаж ёки ярим фалаж бўлиб қолади. Менингококкли энцефалит кўпинча ўлим билан тугайди.

Диагностикаси ва дифференциал диагностикаси.

Менингококкли менингит тўсатдан бошланади, bemorни ҳарорати қўтарилиб, бош қаттиқ оғриб, қусади ва Кернig, Бруздинский, энса мускуллар таранглилигини ортиши симптомлари пайдо бўлади.

Периферик қонда ўзгаришлар кузатилади: юқори лейкоцитоз (10 000-30000 минг), нейтрофиллөз, чапга силжиш. Менингит диагнозини аниқлашда орқа мия суюқлигини текшириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Менингококкли менингитидаги ликвор лойқа ва йириングли босими юқори бўлади (нормада 130-180 мм.сув устини) плеоцитоз кўпаяди (1000-10000 ҳужайра топилади), нейтрофиллөз 60-100% аниқланади. Оқсил миқдори 1-3,3% ни ташкил қиласиди. Панди ва Нонне - Аппельт реакциялари мусбат бўлиб чиқади. Қанд ва хлоридлар бироз пасаяди (нормада 1,6-2,7 мк/моль). Орқа мия суюқлиги олингандан сўнг беморнинг аҳволи бироз яхшиланади (36 расм).

Бундан ташқари, беморнинг бурнидан, кўзидан, бўғимидан чиқкан суюқликни, қонни экиш мумкин, серологик усуллардан РПГА, ИФА ларни қўллаш мумкин.

6.3. МЕНИГОКОККЛИ БЎЛМАГАН МЕНИНГИТЛАР КЛИНИКАСИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ

Пневмококкли менингит тўсатдан бошланмай, бир қадар секинроқ бошланади, лекин интоксикация кундан кунга кучайиб боради. Касалликнинг биринчи ўчоги - пневмония, йириングли отит, трахеобронхит борлиги аниқланади. Тўла бўлмаган менингеал синдром билан бирга энцефалит белгилари кўринади. Бу хил менингит узоқ давом этади ва касаллик вақти-вақти билан зўриқиб туради. Ана шундай вақтда орқа мия суюқлиги йириングли бўлиб, плеоцитоз кўпаяди (600-1300 гача этади). Оқсил миқдори ҳам кўпаяди 6,5-9,7%.

Страфилококкли менингит тўсатдан бошланади, ҳарорат 39-40°C гача кўтарилиб, сепсисга оид симптомлар пайдо бўлади. Ички органларда ўзгаришлар кўпроқ аниқланади. Жигар ва талоқ катталашади, қон босими пасаяди. Бу менингитнинг энг муҳим хусусияти - абсцесслар пайдо бўлишидир. Шу сабабдан, ликворда ва қонда страфилококклар топилади. Ликвордаги ўзгаришлар: плеоцитоз кўпаяди (1 мм да 1.500-2.000 ҳужайра топилади). Чўктириш реакциялари мусбат натижа беради. Периферик қонда нейтрофиллар кўпайиб кетади (60-100% гача). Лейкоцитоз 15.000-30.000 атрофида бўлади.

Сил менингити. Бу касаллик аста-секин ривожланиб боради. Ҳарорат субфебрил даражага кўтарилади, сал бош оғрийди. Бемор дармонсизлик сезади. Орадан таҳминан 1 ҳафта ўтгач, менингеал синдром пайдо бўлади. Касалликнинг 8-10 кунлари бош мия нервларининг заарланишига оид белгилар кўзга ташланади (кўз филай тортиб туради, анизокория, птоз ва кўриш

хамда эшитиш ёмонлашади). Аввал беморни уйқу тортаверган бўлса, энди (ўртача 1 ҳафта ўтгач) у безовталаниб, ножуя ҳаракатлар қила бошлайди. Эсхуши хам йўқолиб, оёқ-қўллар фалаж ва яrim фалаж бўлиб қолади. Касалликнинг 3-ҳафтасида bemорни талваса тутади. Кейин bemор кома холатига тушиб, кўп ўтмай ўлиши мумкин. Синчиклаб сўраб суриштирилса, bemорнинг қачонлардир сил билан оғриганлиги ёки сил бор bemорга яқин юрганлиги аниқланади. Орқа мия суюқлиги тиниқ бўлади, плеоцитоз кўринади (1мл да 200-700 хужайра). Унда оқсил кўпаяди (1,0-3,3%). Панди ва Нонне - Аппельт реакциялари мусбат бўлиб чиқади. 12-24 соат ўтгач ликворда фибриндан ташкил топган юпқа пардача ҳосил бўлади. Ана шу пардачадан сил таёкчаларини ажратиб олиш мумкин. Конда лимфоцитоз бўлади.

Асоратлари:

Даво кеч бошланганда турли асоратлар ва қолдиқ аломатлар аниқланади. Менингитдан соғайган кишиларда астения синдроми (тажанглик, тез чарчаш, бosh оғриғи) учрайди. Ёш болалар менингитдан сўнг йиглоқи бўлиб қолади. Даволаш пайтида антибиотиклар дозаси кам бўлса, менингит қайталаниб зўриқиши мумкин. Энцефалит билан ўтадиган менингитда камдан-кам холда оёқ-қўллар фалаж ёки яrim фалаж бўлиб қолиши кузатилади.

Реконвалесцентларнинг 3% да қулоқ оғир тортиб, кўзи хиралашади. Гидроцефалия кам учрайди.

УАШ тактикаси:

Менингококк инфекцияли bemорлар ва унга гумон қилинган bemорларни юқумли касалликлар касалхонасига бокс бўлимига ёткизиш лозим. Даволаш касалликни оғирлик даражасидан келиб чиқсан холда бошланади.

Менингококкли менингитда – пенициллинниг натрийли тузи катта дозаларда (200-500 минг ЕД ҳар бир кг оғирликка/суткасига) ҳар 3 - 4 соатда м/о га, полусинтетик пенициллинлар.

Пенициллинни қўтара олмаслик холларида левомицетин сукцинат 50-100 мг/кг оғирликка суткасига в/и га ёки м/о га, Роцефин 0.5-1.0 – 1 ёки 2 марта суткасига в\и га тайинланади.

Дезинтоксикацион даво - 5-10% глюкоза, реополиглюкин ва бошқалар в/и га юборилади.

Дегидратацион даво - лазикс, фуросемид, диакарб, 15-20% ли маннитол эритмаси 1-3 г/кг қуруқ модда суткасига хисобидан вена ичига тайинланади.

Энцефалит белгилари намоён бўлганда – ГКС – преднизолон 1-3 мг/кг, дексаметазон 1-3 кун давомида вена ичига ёки мушак ичига қилиш лозим. Шулар билан бирга симптоматик даво ҳам ўтказилиши лозим.

Мавзу буйича тест саволлари:

1. Менингококкли менингитни бошлангич даврига хос симптомлар:

- А. Истима, бош оғриши, қусиши.
- Б. Қалтираш, қусиши, қориндаги оғриқ
- В. Бош оғриши, истима, холсизлик
- Г. Истима, тошма тошиши, қусиши.

2. Менингококцемияни характерли симптомлари:

- А. юлдузсимон геморрагик тошма
- Б. брадикардия
- В. тошма тошганда ҳарорат тушиши
- Г. диарея

3. Менингококкли менингитда ликворда бўладиган ўзгаришлар:

- А. ликвор лойқа, босим билан чиқади
- Б. ликвор тиник, секин томчилаб тушади
- В. ликвор қизғиш рангда, босим билан чиқади
- Г. ликворда ўзгариш бўлмайди
- Д. ликвор қон билан

4. Менингококкли назофарингитда асосий шикоятлар:

- А. ҳарорат кўтарилиши, томоқда қизариш, оғриқ бўлиши
- Б. Қоринда тез-тез ҳуружли оғриқ, ич кетиши
- В. Бўғинларда шиш ва тошмалар
- Г. Тана ҳароратини тушиб кетиши, ҳолсизлик

5. Менингококцемияда буйрак етишмовчилигидан дарак берувчи, эрта пайдо бўладиган белги:

- А. АҚБнинг тез тушиши, коллапс
- Б. полиурия
- В. иситманинг тез кўтарилиши
- Г. диарея

6. Менингококкли менингитда антибиотик беришни тўхтатишнинг объектив критерияси:

- А. ликворнинг тозаланиши
- Б. эс-хушининг ойдинлашуви

- В. менингиал белгилар йүқолиши
 Г. баш оғрифининг йүқолиши
 Д. тахлиллар хulosаси

7. Менингококколи менингитда характерли клиник белгиларини күрсатынг:
- А. Брудзинский, Кернига
 Б. Падалка, Филиппович.
 В. Филатов, Бельский
 Г. Говоров-Годелье, Авцин

8. Менингококкли менингит дифференциал диагностикасига хос:
- А. Баш оғриғи, қусиши, истима
 Б. Истима, қалтираш, терлаш
 В. Баш айланиши, истима, қорин оғриши
 Г. Истима, күнгил айниб қусиши.

9. Менингококкли менингит диагностикасида характерли белгилар:
- А. Ликвор лойқа, босим билан чиқади
 Б. Ликвор тиник, босим билан чиқади
 В. Ксантахром, босим билан чиқади
 Г. Босим паст, ранги кизғиши.

10. Туберкулөзли менингит киёслаганда:
- А. Касаллик аста секин бошланади, истима субфебрил, баш оғириши кучли.
 Б. Үткір бошланади, яшинсимон кечади, терида тошмалар тошиши
 В. Истима юқори, холати оғир бүлмайди, қорин оғириши безовта қиласы
 Г. Қусиши билан бошланади, менингеал белгилар суст ривожланган бүлади.

11. Страфилакоккли менингитда дифференциал диагностика үтказилғанда:
- А. Үткір бошланади, күп холларда иккиламчи бүлади, тузалиш тез бүлади
 Б. Субфебрил истима билан бошланади, терида геморрагик тошмалар, менингеал белгилар суст ривожланган
 В. Аста-секин бошланади, тутқаноқ тутиш, коллапс холатлари кузатылади
 Г. Яшинсимон бошланади, қусиши, ич үтиш характерли

12. Менингоэнцефалитда кузатыладын симптомлар:
- А. Бабинский, Гордон

Б. Падалка, Филиппович
 В. Розенберг, Авцин
 Г. Бельский, Филатов

13. Туберкулёзли менингитда ликворни кўриниши:
 А. Ксантахром, цитоз 300-4000, лимфоцитозли
 Б. Лойка, цитоз 30-40, нейтрофиллёзли
 В. Рангиз, цитоз 2-3 та лимфоцитозли
 Г. Қизғиш, цитоз, эритроцитлар, лейкоцитлар катта микдорда
14. Страфилококкли менингитда орқа мия суюқлигини характери
 А. Лойқа, босим билан, цитоз юқори
 Б. Ксантахром, цитоз 50-60 та, лимфоцитозли
 В. Рангиз, цитоз 10-15 та, лимфоцитоз
 Г. Ранги ўзгармаган, босим билан, цитоз 2-5 та
15. Антибиотик терапияни қайси менингитда самараси яхши:
 А. Менингококкли менингит
 Б. Туберкулёзли менингит
 В. Страфилококкли менингит
 Г. Иерсиниозли менингит

Вазиятли масалалар:

1-масала

Бемор 25 ёш. Клиникага касалликнинг 3-чи кунида бош оғришига, уйқусизлик, юқори ҳарорат, кўп марта қайт қилишга шикоят қилиб келди. Касаллик бошланганига 3 кун бўлган, касаллик тумов белгилари билан бошланган. Касалликнинг 2-чи куни, 17 соатидан сўнг кескин бош оғриш, жунжикиш, тана ҳароратини $39,9^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиган. Бир неча соатдан сўнг қайта қайт қилган. Кейинги куни ҳар 20-30 минутда қайт қилган. Бош оғриги кузатилган. Касалхонага келган вақтда аҳволи оғир, тана ҳарорати $37,8^{\circ}\text{C}$. Эс-хуши жойида, саволларга қийланиб жавоб беряпти, тутилиб қоляпти. Юзи оқарган, кўкрак, қорин, қўл-оёқларда цианотик тусдаги кўплаб полиморф тошмалар тошган. Тошмалар марказида некроз соҳалари бор. Пульс минутига 52 та, ритмик. А/Б 90/60 мм. см.уст. Юрек тонлари бўғик, ўпкада везикуляр нафас, қорни юмшоқ оғриқсиз. Энса мушакларининг ригидлиги йук. Кернинг ва Брудзенский симтомлари манфий.

1. Клиник ташхисни асосланғ.

Жавоблар эталони:

- Назофарингитни ўткир бошланиши, сүнгра тана ҳароратини күтарилиши, кескин бош оғриши, күп марта қайт қилиш, некроз соҳага эга бўлган геморрагик тошмалар бўлиши, менингеал белгилар манфийлиги каби белгилариға асосланиб менингококкли инфекция, менингококкемия оғир кечиши. Асорати инфекцион-токсик шок деб ташхис қўйиш мумкин.

2-масала

Бемор 43 ёш, стационарга касалликнинг 7 куни келди. Касаллик аста секин бошланди, умумий холсизлик, иштаҳани пасайиши кузатилди. Касалликнинг 3-куни меъёрий бош оғриши, уйқу бузилиши холатлари кузатилди. Касалликнинг 5-куни ҳарорати ўлчангандада $37,6^{\circ}\text{C}$. Кечқурунлари кучайвчи терлаш, жунжикиш бўлмаслиги, касалликнинг 7-куни ҳарорат $38,0^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиб, бош оғриши кучайган, 1 марта қайт қилган, ич келмаган. Касалхонага келганда ахволи ўрта оғир, тана ҳарорати $38,2^{\circ}\text{C}$, эзилган, ҳаракати аднамик, териси оқарган, нам, тошмалар йўқ. Дермографизм турғун, кенг, қизил. Периферик лимфа тугуллари майда оғриқсиз. Акроцианоз, нафас олиш 1 минутда 28 та. Ўпкада перкутор товуш сустлашган, дағал нафас – ўпка бўйлаб тарқалган, хириллашлар эшитилмоқда. Юрак тонлари бўйик, А/Б $100/60$ мм.см.уст. пульс 1 минутда 82 та. Тили қуруқ, оқ караш билан қопланган, қорни юмшоқ, оғриқсиз, жигар ва талоқ пайпасланмаяпти. Менингеал белгилар суст намоён бўлган. Анизокария – ўнг қорачиқ чапдан кичик. Орқа мия пункциясида ликвор босим билан отилиб чиқди. Тиник, рангиз, 24 соатдан сўнг ликворда плёнка ҳосил бўлди. Цитоз 250 мм 3 , лимфоцитлар – 68%, Панди реакция +++. Қанд – 1520 ммоль/л, оқсил 96 ммоль/л, хлоридлар 1 ммоль/л.

1. Ташхисингизни шакллантиринг.

2. Қайси белгилари менингококкли менингитни туберкулёзли менингитдан фарқлайди.

3 - масала.

Бемор Ш. 17 ёшда, касалхонага касаллик бошлангандан сўнг 22 соат ўтгач, қаттиқ бош оғриғи, совқотиш, иситма $39,6^{\circ}\text{C}$, уч марта қусиши каби шикоятлар билан қабул қилинди. Касаллик ўткир бошланган, совқотишдан сўнг

ҳарорати 39°C гача кўтарилиб, бош оғриган, З соат ўтгач аҳволи оғирлашган, ҳарорати 40°C гача кўтарилиб, қўнгил айниш, бош айланиши кайд этилган. Кун бўйи уйда бўлиб, кечга яқин хушидан кетган. Касалхонага келган вақтда bemorning аҳволи оғир, ҳарорати 38,7°C, мажбурий холатда - ёни билан гужанак бўлиб ётибди, юзи қизарган. Ўпкасида - нафас олиши везикуляр, юрак товуши сусайган, пульс - 98 та бир дақиқада, кучсиз, ярим тўлик. Қон босими 100/70 с.у. Қорин юмшоқ, оғриқсиз. Менингеал белгилари аниқ сезилади. Энса мускуллари таранглиги, Керниг симптоми, юқориги Брудзинский симптоми мусбат.

Ётоқхонада талабалар орасида бир неча ҳафта давомида резанда бўлганлар аниқланган.

1. Тахминий ташхисингиз?
2. Юқоридаги симптомлар асосида миянинг қайси бўлими зарарланганлиги ҳақида ўйлаш мумкин?
3. Беморни текшириш режасини тузинг.
4. Ташхисни тасдиқлаш учун қандай қўшимча лаборатория маълумотларини олишни мўлжалляяпсиз?

4– масала

Бемор Б., 22 ёшда, талаба, илгари ҳеч касалланмаган. Касаллик енгил назофариагит сифатида бошланган. Бир кеча-қундуздан сўнг аҳволи бирдан оғирлашган, титраш билан бош оғриғи кучайиб, бўғинларида оғриқ пайдо бўлган. Шифохонага бод касаллиги ташхиси билан қабул қилинган. Кўрик вақтида bemorning ранги оқарган, тошмалар йўқлиги, кучсиз гиперемия, қўлнинг тирсак бўғинида, қўпроқ чап томонда кучли оғриқ бўлиб, бўғим ҳаракати бузилган. Тахикардия, юрак оханги аниқ. Қон босими 110/60 мм с.у. Қонда Нв- 85 фоиз, лейц. - 13000, э - 1 фоиз, т/я - 16 фоиз, с/я - 73 фоиз, базофиллар 1 фоиз, лимфоцитлар - 8 фоиз, моноцитлар 1 фоиз, ЭЧТ - 30 мм/с, бод касаллигига қарши даволаш - пенициллин 200000 ТБ ҳар 6 соатда, аспирин, преднизалон. Бир кундан сўнг бўғинларда оғриқ камайган, лекин қусиш ҳамда менингеал белгилар қўшилган. Люмбал пункция қилинганда орқа мия суюқлиги тиник, цитоз 1 мм^3 да 200, нейтрофил характерда. Бир кундан сўнг ступор ҳамда менингеал белгилар кучайган. Орқа мия суюқлиги қайта текширилганда йирингли бўлиб, нейтрофиллар кўпайган. Суртмада менингококклар топилган.

1. Ташхисни асосланг.
2. Таққослаш ташхисотини үтказинг.

5 – масала

Бемор А., 23 ёшда, юқумли касалликлар клиникасига касалликнинг 6-куни қабул қилинган.

Шикоятлари: қаттиқ бош оғриши, күнгил айниши, мушакларда оғриқ. Касаллик 11/X да бошланган бўлиб, оғриқ бўйин атрофида бошланиб, бошини ён томонга бурганда кучайган. Умумий холсизликни сезган. Эртасига соат 21.00 да аҳволи оғирлашиб, эти жунжикиб, титраб, тана ҳарорати $40,9^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиган, бош оғриги кучайиб, 2 марта қусган.

Бемор клиникага келган вақтда аҳволи оғир бўлиб, ҳарорати $37,8^{\circ}\text{C}$, хушини йўқотган, bemor ўринда ён томонлама гужанак бўлиб етибди. Юзида, танаси, оёқ-қўлларида геморрагик тошмалар жуда кўп бўлиб, катталиги 0,1-0,3 см дан 0,5-0,7 см гача, нотўғри шаклда. Тошма марказида тери некрози кузатилади. Нафас олиши - везикуляр. Пульс – 88 та бир дақиқада, ритмик, ўртача тўлиқлиқда, охангиси сусайган. К/Б 220/55 мм с.у. Ўнг томондаги лабтиришмалари силлиқланган. Диплопия. Энса мускуллари таранглиги, Керниг, Брудзинский симптомлари мусбат. Кабзият, сийдик ажралиш бемалол. Сийдикда 0,16 фоиз оксил, қанд йўқ, кўрув майдонида лейк. - 1-4, эр 7-8. Кон анализи эр. - 4000000, лейк. - 23000, эозинофиллар - 0 фоиз, ёш хужайралар - 4, т/я - 30, с/я - 58, лимф. - 4, мон. - 4 фоиз, ЭЧТ -36 мм/соат.

12-кунга келиб ўнг тизза, тизза-товорон бўғимида кучли оғриқ бошланиб, бўғинларда ҳаракатланиш сусайган.

1. Клиник ташхисни асосланг.
2. Қандай қўшимча лаборатория текширувлари үтказиш лозим?

6 – масала

Бемор Б., 29 ёшда, клиникага 20/IV куни ётқизилган. Шикоятлари: бош оғриги, кўп маротаба қусиши, уйқусизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши. Касаллик 17/IV да тумов белгилари билан бошланган, ҳарорати кўтарилимаган. 18/IV да, соат 17.00 ларда bemor кучли бош оғриги, титрашни хис этган, тана ҳарорати $39,3^{\circ}\text{C}$ га кўтарилиган, бир неча соатдан сўнг қайта қусган. Кейинги кунларда қусиши ҳар 20-30 дақиқада қайтарилиб, бош оғриги кучайган. Клиникага ётқизилган вақтда bemor аҳволи оғир, ҳарорати $38,7^{\circ}\text{C}$, хуши жойида, бирор саволларга ҳар вақт ва тўғри жавоб бермайди, вақти-вақти билан

хушини йўқотади. Юзи оқарган. Кўкрак, қорин, оёқ-қўл терисида полиморф тошмалар бор, тошмалар қўкимтири рангда, марказида некроз. Пульси - 92 бир дақиқада, юмшоқ, ритмик. К/Б 90/60 мм с. у. Юрек оханги сусайган, ўпкада везикуляр нафас, Қорин одатдаги шаклда, пайпаслаб кўрилганда оғриқсиз. Энса мушаклари таранглиги йўқ. Керниг, Брудзинский симптомлари манфий. Люмбал пункция қилинганда орқа мия суюқлиги типик, таркиби ўзгармаган. Кон текширилганда эр -4000000, Нв - 120 Г/л, лейк - 17,8, эоз - 0, ёш хуж - 10, т/я -22, с/я - 54, лимф - 8, мон. - 5 фоиз; ЭЧТ - 20 мм/с.

1. Клиник ташхисни асослаб куйинг.

7 – масала.

Бемор Ю., 29 ёшда, тўсатдан касалланган - қусиш, кучли бош оғриғи, мушакларда оғриқ, адинамия. Касаллик бошлангандан бир неча соат ўтгач хушидан кетган. Касалхонага келганда эрталаб ҳарорати $39,5^{\circ}\text{C}$, хуши жойида эмас, алахлаш, безовталик белгилари бор. Кўрув вақтида юзи қизарган, конъюнктивит, лабида учук тошган, ўпкада кўп микдорда хўл хириллашлар бор. Пульс ритмик, 96 марта бир дақиқада, К/Б - 90/60 мм с.у. Энса мушаклари таранглиги мусбат. Бемордан орқа мия суюқлиги олинди, унинг таҳлилида - рангсиз, тиник, цитоз - 25 бир мм^3 , оқсил - 0,25 фоиз, қанд - 1,83 ммоль/л. Панди реакцияси - манфий.

1. Зарурий текширув усуллари.

2. Таққослаш ташхисоти.

8 - масала

Бемор Ш.,12 ёшда, касаллик ўткир бошланган, 13/II соат 17.00 да иссифи кўтарилиб, кўп марта қусган, тунни жуда нотинч ўтказган, ухлай олмай бесаранжом бўлган, эртасига қусиш ва ич кетиш кузатилган. Ҳаким кўргач, 2 маҳал пенициллин буюрган. Кун-тун безовта бўлиб, алаҳлаб, эртасига хушини йўқотган ва "тез ёрдам" машинасида касалхонага келтирилган. Бемор касалликкинг 3-куни оғир аҳволда, ҳарорати 40°C , хириллаб юзаки нафас оляяпти, кучли умумий цианоз, тошмалари йўқ. Пульси юмшоқ, аритмия, юрак товуши сусайган, К/Б 60/0 мм с.у. Ўпкада кўплаб тарқоқ қуруқ ва ҳар хил намли хириллашлар бор. Қорин тортилган, жигар, талоқ катталашган. Менингеал симптомлар кучли даражада, кўзлар кенг очилиб, қорачиги кенгайган, ёруғликка реакция йўқ. Пай рефлекслари чақирилмайди. Ўнг томондаги оёқ-қўлларда гиперкинез, чап томонда харакатсиз, мушак тонуси

жуда сусайган. Бабинский, Гордон симптомлари иккала томонда мусбат. Клоник талvasa. Динамикада гиперемия, клоник талvasa, цианоз сақланиб қолған. К/Б қисқа муддатда 50/30 мм с.у. дан 70/60 мм с.у. га күтарилған. Кучли терлаш бўлиб, юзи қизарған. Нафас олиши тезлашиб ёрдамчи мускуллар иштирокида, кейинчалик нафас олиш сусайиб бирдан тўхтаган ва нафас олиш яна тикланган.

1. Ташхисни асослаб қўйинг.
2. Менингококк менингит касалларида хакимлар тактикаси - ўткир ўпка шиши, мия моддаси шишиши ҳамда тиқилиш синдроми бўлган пайтда қандай бўлиш керак?

9– масала

Бемор X., 5 ёшда. 18/IV соат 2 ларда тўсатдан касалланган, ҳарорати кўтарилиб; совқотиш, қусиши, кучли бош оғриғи, пайдо бўлган. Участка хакими текшириб, грипп деб ташхис қўйган. Ўша куни кечга бориб ота-оналари bemор терисида тошмалар пайдо бўлганлигини кўришган. Тунда бола жуда безовта бўлиб, бош оғриғига, суюклари оғриётганига, "оёқлари куяётганига" шикоят қилған. 19/IV да эрталаб қайта кўрилгач Верльгоф касаллиги деб ташхис қўйилған. Шифохонага келтирилганда bemор жуда оғир ахволда: лаб ва тирноқларида кучли цианоз. Тана ва оёқ-қўлларида жуда кўп тошмалар, оёқ ва юзидағи баъзи тошмалар 1-2,5 см катталиқда, баъзиларининг марказида некроз склерасида қон қуишлиши белгилари кўрилған. Оёқ-қўллар совукроқ, пульс ва қон босими аниқланмаяпти. Нафас олиши 60 та, ўпкада ўзгариш йўқ. Корин ичга тортилған, жигар ва талоқ катталашмаган. Бемор хушидан кетган. Менингеал симптомлари мусбат. Пай ва тери рефлекслари чақирилмаяпти. Корачигнинг ёруғликка реакцияси йўқ.

Олиб борилған муолажалардан сўнг 1 соат ўтгач пульс - 120-130 бир дақиқада, К/Б - 40/0, сўнгра 90/40 мм с.у. аниқлана бошлади. цианоз анча камайди, кўп миқдорда сийдик ажратди.

Кейинги олиб борилған шиддатли даволаш муолажалари натижасиз қолди, bemор ахволи яхшиланмади, вақти-вақти билан психомотор ўзгаришлар, қисқа муддатли тиришиш, теридага геморрагиялар кўпайиб, кўкимтир тусда, кўк "ўлимтик" доғларни эслатувчи цианоз сақланиб қолди. Нафас олиш юзаки, тез-тез, қисқа-қисқа бўлиб, қон босими 80/40, 80/30 мм с.у.

Шифохонага келганидан 20 соат ўтгач, К/Б яна пасайди 40/0, цианоз кучайди, нафас олиш сони камая бошлади. 12-16 та бир дан, сўнгра нафас олиш

тўсатдан тўхтади. Нафас олишни тиклаб бўлмади. Ўлим касалликнинг иккинчи куни юз берди.

1. Кенг асосли ташхис қўйинг.
2. Ўлим сабабини кўрсатинг.
3. Қандай лаборатор текширувлар ташхисни тасдиқлайди.

10 - масала

Бемор Б., 24 ёшда, ётоқхонада яшайди, у ердан бир неча киши менингококкли инфекция касаллиги билан шифохонага келтирилган. Касалланган куни дарсларга қатнашган; ўзини яхши хис қилган. Кечга бориб тўсатдан совқотиш билан ҳарорати кўтаралган, кучли иссиқлик сезган, томоғи, боши оғриган, танаси қақшаб оғриган. Орадан 3 соат ўтгач клиникага менингококцемия ташхиси билан етказилган.

Кўриқдан ўтказилаётганда ҳарорати $38,5^{\circ}\text{C}$, бўшашибган, юзи қизарган, кўз оқи қон томирлари кенгайган, оёқ қолларида кўп, майда геморрагик тошмалар, бурундан қон кетиш холати кузатилган. Эс-хуши жойида. Пульс уриши бир дақиқада 100 марта. Менингеал симптомлар мусбат. Умумий аҳволи ўртacha оғирликда. Люмбалъ пункция қилинди -суюқлик тиник, тез-тез томчилаб ажралди, суюқлик таркиби ўзгаришсиз. Шифохонага ётқизилгандан сўнг 6 соат ўтгач аҳволи оғирлашди: қайта-қайта қусиши, пульси юмшоқ, акроцианоз, хансираш, К/Б 80/50 мм с.у., 30 дақиқадан сўнг 60/10 мм с.у., яна қусиши, кўзгалиш, алахлаш, ҳарорати $37,2^{\circ}\text{C}$. Геморрагик тошмалар, айниқса йирик элементлари $2 \times 1,3$ см, некрозли, лабларида учук тошмалари. Тезлик билан фаол патогенетик даволаш олиб борилгандан сунг 2 соат ўтгач, К/Б кўтарилиб, 90/50 мм с.у. цианоз йўқолди, bemor тинчланди, кейинги 12 соат давомида қон босими 90/50 - 80/60 мм с.у. атрофида бўлди. Қон экмасида менингококк топилган. Қон таркиби: эр -3500000. Нв - 66 фоиз, Р.К. - 0,9, лейк - 19500, эоз-4 фоиз, т/я-4 фоиз, лимф -16 фоиз, мон - 6 фоиз, ЭЧТ - <0 мм/с. Сийдик текшируви: нисбий оғирлиги - 1015, оқил - жуда кам излари, кўп миқдорда ўзгармаган эритроцитлар, лейкоцитлар, эпителий тўқималари.

1. Ташхис қўйинг, асоратларини аникланг.

11 - масала

Бемор Ю., 21 ёшли, талаба. Тўсатдан 16 куни соат 19°° ларда касаллик - титроқ, бош оғриғи, ҳароратнинг кўтарилиши 40°C, безовталиқ, қусиши, мушак ва суюкларда оғриқ каби белгилар билан бошланган. З соатча вақт ўтгач беморга, "тез ёрдам" хакими кўригидан сўнг, "грипп" ташхиси қўйилди. Бемор ётоқхонада қолдирилган. Бемор тунни жуда безовталиқ билан ўтказган - чанқаш, тананинг қақшаб оғриши, айниқса оёқларидаги оғриқ bemорни безовта қилган, эрталабга яқин кучли қўзғалиш содир бўлиб, хушини йўқотган. Атрофдагилар танасига тошмалар тошганини аниқлашган.

Шифохонага ётқизиш вақтида: ҳарорати 39,4°C, хуши ўзида, безовта, оёқ-қўллари совуқ, тирноқлари кўкарган, юзи, танасида йирик, кўкимтир доғлар, шулар фонида геморрагик тошмалар, жуда кўп, ҳар хил катталиқда, кўплаб қонталашлар ($5 \times 7 \text{ см}^2$ ва ундан катта), тошмалар кўкимтир-қизил рангда. Конъюктивалар ва кўз олмаси қон томирлари кенгайган, чап кўз ковоғи оқлигига, пастки қовоқ орқасида анчагина катталиқда қонталаш бор. Пульс аниқланмаяпти, К/Б 30/0 мм с.у. Тахикардил 150-160 бир дақиқада. Нафас олиши 46-50 та, юзаки. Ўпкада кучсиз везикуляр нафас. Тил қуруқ, жигарранг караш билан қопланган. Томоқни кўриб бўлмади. Қорин юмшоқ, оғриқсиз, жигар қовурға чети бўйлаб жойлашган, талоқ катталашмаган. Қорин рефлекслари суст. Энса мушаклари таранглиги йўқ. Керниг симптоми иккала томонда, Бабинский симптоми мусбат. Бемор изтиробда, ёрдам сураяпти, кўп суюқлик ичяпти.

1. Ташхис кўйинг, асоратларини аниқланг.
2. Касалликлар билан таккослаш ташхисотини утказиш зарур?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдукодиров Х.А., Магзумов Х.Б. Принципы ранней и диф.диагностики заболеваний, протекающих с синдромом диареи// Ташкент. 1993г. 6.
2. Ахмедова М.Д., Облоқулов А.Р., Бобохужаев С.Н. “Юқумли касалликларда ҳамширалик иши.”// Бухоро, 2007.
3. А.К.Белоусова А.К, Дунайцева В.Н. Инфекционные болезни// Ростов-на-Дону, 2006 г.
4. Васильев В.С., Комар В.И, Цыркунов В.И. Практика инфекциониста// Мн. Высш.ШК.,1992 г.-495с.
5. Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У. «Инфекционные болезни в деятельности ВОП»// Ташкент. -2007 г.
6. Даминов Т.А. Инфекционные болезни с детской инфекцией// Ташкент 2010-2011 г.
7. Даминов Т.А., Таджиева Н.У. Корь// Ташкент.2005 г.
8. Маджидов В.М. Юқумли касалликлар// Тошкент, 1992.
9. Учайкин В.Ф.“Руководство по инфекционным болезням” // 2001 г.
10. Зокирходжаев А.Х. “Болалар юқумли касалликлари”// 2008
11. Зокирходжаев А.Х. “ Юқумли касалликлар”// 2011
12. С.Н Соринсон. Инфекционные болезни в поликлинической практике// Руководство для врачей – СПб; Гиппократ, 1993 г.-320 с.
13. Мусабаев И.К., Мусабаев Э.И. Искусство, методы врачевания и дифференциальная диагностика инфекционных заболеваний// Ташкент 1999г.
14. Учайкин В.Ф.. Руководство по инфекционным болезням // М.,ГЭОТАР МЕДИЦИНА,1998г. 96с.
15. Учайкин В.Ф. “Руководство по инфекционным болезням”// 2001 г.
16. Ющук Н.Д., Венгеров Ю.Я. «Лекции по инфекционным болезням»// . – М, 1999г.
17. Покровский В.И., Пак С.Г. и др. «Инфекционные болезни и эпидемиология»// - М, 2008г.
18. Christie C., Hammond J.,Reising S., et al: Clinical and molecular epidemiology of enterococcal bacteremia in a pediatric teaching hospital. J Pediatr //125: 392 – 399, 2000.
19. Moellering R.C. Vancomycin-resistantenterococci.// Clin Infect Dis 26:1196-1199, 1998.
20. Mc Kinney R.E., Katz S.L., Wilfert C.M.: Chronic enteroviral meningoencephalitis in agammaglobulinemic patients//. Rev Infect Dis 9:334-356, 1997
21. Romero J.R., Rotbart H.A.: Sequence analysis of the downstream 5' nontranslated region of seven echoviruses with different neurovirulence phenotypes//. J Virol 69: 1370-1375, 1999/
22. Интернет-сайтлар – www.infectology.ru, www.cdc.com

Ўқув қўлланма

Мирзакаримова Дилдора Баҳодировна

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА ВА ҚИЁСИЙ ТАШХИСЛАШ

Муҳаррир: Абдураҳимов А.

Корректор ва дизайн: Назиржонов О.

Тасдиқнома № 3693-615f-9ccc-0187-7582-2706-6992, 31.10.2020.

Формат 60x84/16. Гарнитура Times New Roman.

Муқова учун расм манбаси:

<https://cdn.sanity.io/images/0vv8moc6/dermatologytimes/0ab53e2dc465059351277b637a48af00ad22b1ef-5472x3648.jpg?fit=crop&auto=format>

Шартли б.т. 9.77. Адади 10 дона. Буюртма №90.

«RE-HEALTH» нашриётида тайёрланди ва чоп этилди.

170127, Андикон, Ю.Отабеков кўчаси, 1-й.

Телефон: +998941010091

e-mail: re-health@mail.ru

<http://re-health.uz>

0337

